



# ЎЗБЕКСТАДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 7 январь, шанба • 1 (3635)-сон

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Б. А. Матлюбовни Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири этиб  
тасдиқлаш тўғрисида**

Баҳодир Аҳмедович Матлюбов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 5 январь.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**Ғ. Т. Қодировни Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири биринчи ўринбосари –  
жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш  
Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлаш тўғрисида**

Ғайрат Тоирович Қодиров Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири биринчи ўринбосари – жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 5 январь.



Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант **Б. А. МАТЛЮБОВ**.

**МАТЛЮБОВ** Баҳодир Аҳмедович 1952 йил 10 мартда Самарқанд шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. Самарқанд давлат

университетининг ҳуқуқшунос-лик факультетини тамомлаган.

Ички ишлар идораларидаги фаолияти 1973 йилдан бошланган.

Б. А. Матлюбов 1978 йилдан 1994 йилгача Самарқанд вилояти ички ишлар идораларида турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. 1994 йилдан 1997 йилгача Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1997 йилдан 2004 йилгача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилди.

2004 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси лавозимига тайинланди.

I ва II даражали «Шон-шараф» орденлари билан мукофотланган.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.



Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири биринчи ўринбосари, генерал-майор **Ғ. Т. ҚОДИРОВ**.

**ҚОДИРОВ** Ғайрат Тоирович 1957 йил 1 декабрда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилган. Маълумоти олий. ИИВ Тошкент Олий мактабини тамомлаган. Ички

ишлар идораларида 1978 йилдан буён хизмат қилади. 1989 йилдан 1998 йилгача Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти ички ишлар идораларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1998 йилдан 2001 йилгача Тошкент ва Жиззах вилоятлари ИИБ бошлиқларининг биринчи ўринбосари бўлди. 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

2002 йил октябрь ойида Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаёти, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам - Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. 2006 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 10 январга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон муслмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 10 январь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мугасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
**И. КАРИМОВ**.

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 29 декабрь.

## ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



## МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Инсон соғлиги – бебаҳо бойлик. Уни асраб-авайлаш ўз қўлимизда. Бироқ бирор касаллик илашиб, уни даволаш чораларини тополмай, бошимиз қотган бўлса-чи?

Кўп сонли газетхонларнинг истакларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририятида («Постда» ва «На посту» газеталари) 11 январь - чоршанба куни соат 11.00дан 13.00 га қадар шифокорлар билан бевосита мулоқот ўтказилади. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан ўтказилаётган ушбу мулоқотда ИИВ Тиббиёт бошқармасининг раҳбарлари, етакчи мутахассислар сизларни қизиқтирган саволларга жавоб берадилар.

Мулоқот иштирокчилари қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилишлари мумкин:

132-05-51, 139-70-40, 133-61-64.

Саволлар олдиндан ёзма равишда ҳам қабул қилинади.

Манзилимиз: 700029, Тошкент шаҳри, Ю. Ражабий кўчаси 1-уй.

Мўлжал: метронинг «Космонавтлар» бекати.





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг собиқ раҳбарлари, патруль-пост хизмати батальонининг масъул ходимлари ва Тошкент шаҳридаги УЯ 64/18 муассасасининг шифокорларига нисбатан жиноят ишлари кўриб чиқиш якунланди.

Мазкур суд мажлисининг давлат сирлари билан боғлиқ қисми ёпиқ, қолгани очик ўтказилди. Суд жараёни мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳамда Россиянинг "Новости", ИТАР-ТАСС ва "Интер-факс", Франциянинг "Франспресс" ва Туркиянинг "Жихан" ахборот мақамалари вакиллари томонидан кузатиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг матбуот хизматидан маълум қилинишича, суд жараёнида судланувчиларнинг хизматни ўташда совуққонлик, ҳокимият ҳаракатсизлиги, ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, порахўрлик каби жиноий ҳаракатларга йўл қўйганлиги жаб-

рланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертиза ва хизмат текшируви хулосалари, ёзма, ашёвий ва бошқа далиллар билан тўла тасдиқланиб, улар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди.

Олий суднинг ҳукмига кўра, Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Д. Оқмирзаев 2 йилу 6 ой, унинг ўринбосарлари Н. Мамадиев ва А. Якубовнинг ҳар бири 2 йил, вилоят ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг раҳбари Н. Иномов ҳамда патруль-пост хизмати батальони командирининг ўринбосари Ш. Собировнинг ҳар бири 3 йил, патруль-пост хизмати батальонининг командири А. Аҳмедов, унинг ўринбосарлари А. Давронов ва Б. Ҳамидов ҳамда батальон навбатчилик қисмининг катта инспектори Э. Қорахўжаевнинг ҳар бири 2 йил, Тошкент шаҳридаги УЯ 64/18 муассасасининг шифокорлари М. Сувонов 11 йил ва Б. Ҳақбердиев 8 йил муддатта озодликдан маҳрум қилинди. Патруль-пост хизмати батальони навбатчисининг ёрдамчиси Б. Шокировга эса 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари тайинланди.

(ЎЗА).

### МУНОСАБАТ

Ўз ишлари ниҳоясига етказган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ишбу мажлиси мамлакатимиз фуқароларини бефарқ қолдирмаслиги табиий. Мазкур жараёнда Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан вилоят ички ишлар бошқармасининг собиқ раҳбарлари, патруль-пост хизмати батальонининг масъул ходимлари ва пойтахтдаги жазони ижро этиш муассасасининг шифокорларига нисбатан жиноят ишлари кўриб чиқилгани юртимизда яшайётган ҳар бир киши, ўзининг касби, эгаллаб турган лавозими ва мансабидан қатъи назар амалдаги қонунлар олдида бир хил жавобгар эканлигини кўрсатди.

Тан олиш керак, фарз мақсадларни кўзлаган турли кучлар томонидан ахборот хуружи авж олган бир пайтда Андижон воқеалари айрим хорижий оммавий ахборот воситалари учун катта дастак бўлди. Ўша кезлари мамлакатимиздаги вазиятни бузиб кўрсатиш, ҳукуратимиз, ички ишлар идоралари ходимлари

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

шаънини топташ орқали халқни тўғри йўлдан чалғитишга қаратилган ёлғон хабарлар ва миш-мишлар тарқатиш, ҳатто бўҳтонлар уюштириш ҳолатлари кузатилди. Аммо бундан заррача таҳликага тушмаган ҳукуратимиз вазминлик билан иш тутиб, ҳаммасини ўз ўрнига қўйиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди жараёнида хизматни ўташда совуққонлик, ҳокимият ҳаракатсизлиги, ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш каби жиноий ҳаракатларга йўл қўйган бир гуруҳ ички ишлар ходимлари ва шифокорлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, жазо белгилангани эса юртимизда қонун устувор эканлигини яна бир бор исботлади.

Суд жараёни шуни ҳам кўрсатдики, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай говни бартараф этиш учун чора-тадбирлар кўрилаверди. Тўғри, Анди-

жонда рўй берган воқеалар чоғида айрим ички ишлар идоралари ходимлари масъулиятсизлик қилишди. Аммо бу ўзини шу мустақил юрт, Ватан, халқнинг посбониман, деган ҳар бир ўғлон учун сабоқ бўлиши зарур. Наники, унинг асосий вазифаси тинч, осойишта ҳаётни таъминлаш экан, жиноятларнинг олдини олиш, профилактик ишларни юксак даражага кўтариш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиши зарурлигини ҳаёт тақозо этапти. Аввало, унинг ўзи огоҳлик нақадар зарур омил эканлигини юракдан ҳис этсагина халқ ичида тўлақонли даъват эта олади. Тинчлик деган неъматни асраб-авайлаш учун ўз бурчини сидқидилдан бажариши лозимлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Токи улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган халқимиз тинчлик ва осойишталик ишончли қўлларда эканлигига амин бўлсин.

### ИБРАТ

тиб, қотиб қолган қон доғлари айнан марҳума У. Эшпўлатовага тегишли эканлиги ойдинлашди. Бу билан марҳума С. Эргаш томонидан ваҳшийларча ўлдирилганлиги тўлиқ тасдиқланди ва бу унга нисбатан эълон қилинган айбловни Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг бир нечта моддалари билан тўлдиришга асос бўлди.

Бундан ташқари у 2005 йил 22 март куни кечаси Фарғона шаҳрида, 3 апрель куни Охунбобоев туманида, 3 кун ўтгач Тошлоқ ва Охунбобоев туманларида ўғирлик жиноятларини содир этганлиги ҳам тергов ҳаракатлари жараёнида юзага қалқиб чиқди.

Ана шу қонунбузарликларга тааллуқли буюмлар далилий ашё сифатида йиғиб олиниб, айбланувчига эълон қилинган айблов яна қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг яна бир моддаси билан тўлдирилди.

Ниҳоят, юқорида баён қилинган кўплаб жиноятларни фош этиш юзасидан олиб борилган қидирув ва тергов ишларига тамомила якун ясалди. Ўз навбатида суд ҳукми ўқилиб, айбдорларга нисбатан қонуний жазо чоралари белгиланди. Ҳақиқат қарор топди, жиноят жазосиз қолмаслиги яна бир қарра исботланди. Табиийки, бу муваффақият заҳматкаш халқимизнинг осойишталик посбонларига бўлган ишончию, хайрихоҳлигини маълум даражада мустаҳкамлайди.

Шу боис зиммаларидаги масъулиятни ҳис этиб, бир нечта оғир турдаги жиноятларни фош этишда юксак даражадаги касб маҳоратини намойиш этган, хизмат жараёнида билим ва маҳоратини тинмай ошириб борган, юртдошларимизнинг тинчлиги ва молмулки дахлсизлигининг кафолатлашни бурч деб билган ҳамкасбларимиз — вилоят ИИБ тергов бошқармаси терговчиси, катта лейтенант Алишерхўжа Хўжамқулов ва Фарғона шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, катта лейтенант Дониёр Қодировлар вилоят ИИБ бошлиғининг буйруғига биноан рағбатлантирилди.

Бўрибой ОМОНЗОДА,  
Раҳмонали ҚОСИМОВ.

# ФИДОЙИЛИК БУНДАН ОРТИҚ БЎЛМАС

Фарғона шаҳар прокурори вилоят ИИБ бошлиғи номига тергов бошқармаси терговчиси, катта лейтенант Алишерхўжа Хўжамқулов ва Фарғона шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, катта лейтенант Дониёр Қодировларни хизмат вазифаларига виждонан ёндашиб, очилмаган оғир ва ўта оғир турдаги бир неча жиноятларни фош этганликлари учун ўз ваколати доирасида рағбатлантиришни сўраб тақдимнома киритди.



Катта лейтенант  
Алишерхўжа Хўжамқулов

... 2005 йил 3 апрель куни тахминан соат 19 дан 30 дақиқа ўтганда Фарғона шаҳри А. Қодирий кўчасидаги кўп қаватли уйлардан биридаги хонадонга уч шарпа кирди. Уларнинг асл нияти бу ердаги молмулкларни талон-торож қилиш эди. Аммо хонадон соҳибаси билан юзма-юз келганда, уларнинг қабиҳ ниятлари янада ёвузроқ тус олди. Бундай бўлишини кутишмаган эди шекилли бир муддат эсанкираб, кейин дабдурустдан Н. Шоҳистани уриб-тепа бошлашди. Аёлнинг додлаб-инграшлари ҳолва экан. Муштумзўрлар бу билан кифояланмай, унинг бўйин қисмига ошхона пичоғини тираб, жим бўлишни, акс ҳолда ўлдиришларни айтиб, таҳдид қилишди. Хонадон соҳибасининг кўзлари ёшга тўлиб, қўрққанидан дир-дир титрарди. Шу пайт босқинчилардан бири унинг сочидан тортиб, ётоқхонага судради...

Ёрдамга муҳтож аёлнинг чинқирғини эшитиб, хонага кириб келган Р. Маъмур ҳам зўравонлар томонидан аёвсиз дўппосланди. Охир-оқибатда ўз уйида калтакланган, боз устига номуси топталган жабр-

ланувчи-ю, бекорга дўппосланиб, ҳаммаёғи қонга беланган гувоҳ ўзларига келгунларига қадар босқинчилар 250 минг сўмдан ортиқ бўлган молмулкни олиб, воқеа жойидан яширинишди.

Мазкур ҳолат юзасидан жабрланувчи ва гувоҳ эсанкираш туфайли босқинчиларнинг изига тушишга асос бўладиган бирорта маълумотни тақдим этишолмади. Оғир жиноят ўта моҳирлик билан ва мутлақо изсиз амалга оширилганди. Табиийки, бундай вазиятда гумондорларни қидириш — сомон ичидан игна ахтариш билан баробар эди. Аммо тезкор-тергов гуруҳи аъзолари, катта лейтенантлар Алишерхўжа Хўжамқулов ва Дониёр Қодировлар ана шундай мураккаб ва оғир ишни қойилмақом қилиб удаладиладлар. Олиб борилган тинимсиз изланишлар, суриштиришлар натижасида ушбу жиноят С. Эргаш, И. Қажом ва воёга етмаган С. Жўралар томонидан содир этилганлиги аён бўлди.

Тергов ҳаракатлари давомида С. Эргаш Фарғона шаҳрида ва қўшни туманларда амалга оширган бошқа жиноятлари ҳақида ҳам гапириб берди. Жумладан, 2004 йил 11 декабрь куни у тахминан соат 14.00 ларда вилоят марказининг Фарғона кўчасидаги 24-уйнинг 27-хонадонига келган. Хонадон соҳибаси У. Эшпўлатова билан атайлаб жанжал чиқариб, унинг бошига тош билан уриб ўлдирган. У ердан ҳам 100 минг сўмлик буюмларни олиб кетган. Аммо бу уни расман айблаш учун асос бўла олмасди. Ана шу вазиятда терговчи қилни қирқ ёрадиган маҳорат соҳиби эканлигини намоеён этди.

Қисқа қилиб айтиладиган бўлсак, терговчи А. Хўжамқулов ўта синчковлик ва билимдонлик билан сўроқ қилиши асносида бир йил олдинги машғум воқеа содир бўлган куни гумондорнинг эғнида бўлган кийими қаерда сақланаётганлигини аниқлаб, далилий ашё тариқасида топиб олди. Вазият энди одам ДНКси бўйича экспертиза ўтказишни талаб қиларди. Оқибатда шимда мавжуд бўлган ва рангини йўқо-



# МУНОСИБ СОВФА



«Янги йилни қандай кутиб олсанг, у шундай ўтади» деган нақл бор. Ушбу нақлга ишонадиган бўлсак, Бухоро вилояти ИИБ ҳузурдаги қўриқлаш бўлими ходимлари учун 2006 йил хайрли кечиши шубҳасиз. Чунки ўтган йил давомида қўриқда бўлган давлат ва фуқаролар мол-мулкларининг ишончли қўриқланиши таъминланди. Янгидан 344 та халқ хўжалиги иншооти ва 283 та хонадон қўриққа олинди. Қўрилган фойда ҳисобига бўлимининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Жумладан, 8 та «Матиз», «Дамас» русумидаги транспорт воситалари, 14 та замонавий компьютер, кўплаб алоқа воситалари харид қилиниб, улардан хизматда фойдаланилапти. Жойлардаги қўриқлаш

бўлимлари ўртасида ягона компьютер алоқаси тизимининг ўрнатилиши ҳам яхши самара бермоқда. Байрам арафасида эса «Қўриқлаш» бўлимининг маъмурий биноси тўла қайта таъмирланиб, реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Ундаги барча хоналар янги мебеллар билан жиҳозланди, тўла компьютерлаштирилди. Энди ошхона, сартарошхона, тикув хонаси ходимлар хизматида бўлади. Бундан ташқари 150 кишига мўлжалланган ётоқхона, Маърифат хонаси, ўқув хоналари, музей ҳам мавжуд. Шунингдек, ёпиқ гараж ва тир ишга туширилди. — Эндиги режамиз хотира ёдгорлиги ўрнатиш, саф майдони ва спорт мажмуаси барпо этиш, — дейди Бухоро вилояти ИИБ ҳузурда-

ги қўриқлаш бўлими бошлиғи, подполковник Ш. Нуриллаев.


Яхши ниятларингиз янги йилда ижобат бўлишига биз ҳам тилакдошимиз.

**Суратларда:** вилоят ИИБ ҳузурдаги қўриқлаш бўлимининг қайта таъмирлангандан кейинги кўриниши; бинонинг рамзий калити топширилаётган пайти.

Ўз мухбиримиз.



# ЯНГИ БИНО ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Наманган вилоятида 2 миллион 200 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Осойишталик, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар идоралари ходимларининг ўрни беқиёс. Собиқ Давлатобод тумани ички ишлар бўлими биноси қисқа вақт ичида тўлиқ қайта таъмирланди. Натижада кўли гул қурувчиларнинг сайъ-ҳаракатлари билан кўркам иншоот бунёд этилди. Кенг ва ёруғ хоналар, спорт зали, жиҳозланган ётоқхона ва замонавий компьютерлар самаралорликнинг ошишига хизмат қилади. Вилоят ИИБнинг ана шу қўшимча биносига ҲООБ, ППХ ва ЖТСБ, молия-иқтисод бўлими ҳамда фахрийлар кенгаши жойлашди. Тақдимот маросими иштирокчилари ана шу ўзгаришларни кўздан кечириб, яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар. Маросимда вилоят ҳокими И. Нажмидинов иштирок этиб, тинчлик-осойишталик, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги масъулиятли ва шарафли вазифани сидқидилдан адо этаётган ички ишлар ходимлари меҳнатини юксак баҳолади. Республика ИИБ ШТБХ бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Сатторов ҳамда вилоят ИИБ раҳбарлари тизим ходимларига яратилган шароит ва эътибор учун ҳокимлик раҳбариятига миннатдорчилик изҳор этишди.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**  
майор.



Қиш фасли ўзгарувчан ва серёгин бўлади. Кучли ёғингарчилик, айниқса, баъзан тушадиган қалин туман автомобиль йўлларидаги ҳаракатни мушкуллаштиради. Ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши, яхмак ҳосил бўлиши, тажрибаси бўлмаган ҳайдовчини қийин аҳволга солиб қўяди. Натижада турли кўнгилсизликлар ёки йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши мумкин. Масалан, Янги йилнинг ўтган уч кун давомида республикамиз миқёсида жами 55 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилди. Автоҳалокатлар оқибатида 13 киши ҳаётдан кўз юмди, 58 киши эса турли даражада тан жароҳати олиб, касалхоналарга ётқизилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммаларидаги вазифани адо этиш жараёнида рўй бериши мумкин бўлган яна кўплаб автоҳалокатларнинг олдини олишди, дейишимизга асос бор. Сабаби, улар томонидан ўтган уч кун мобайнида 5 минг 849 та қўпол қоидабузарлик аниқланди. Жумладан, 208 кишига транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлиги учун, 1 минг 93 кишига тезликни оширганлиги учун, 1 минг 492 кишига светофорнинг қизил чироғини кўриб туриб, ҳаракатланишни тўхтатмаганлиги учун маъмурий баённома тузилди. Йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузган пиёдалар сони 837 нафарни таш-


# ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Республика ИИБ Академиясидаги мавжуд ҳар бир кафедра қошида илмий тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Бундан мақсад, Академия тингловчилари олган назарий билимларини янада мустаҳкамлашдир.

Кунни кеча Академиядаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашдаги таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашдаги долзарб масалалар» лойиҳаси раҳбарининг ўринбосари, юридик фанлари номзоди, капитан Н. Нарматов бошчилигидаги Лойиҳа вакиллари, ўқув бўлими раҳбарлари ҳамда курс бошлиқлари иштирок этидилар. Анжуманда тингловчиларнинг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларнинг умумий таснифи», «Наркобизнес билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва очишга қаратилган чет эл замонавий тажрибаларининг аҳамияти» каби қатор мавзуларда маъруза қилдилар. Маърузалар юзасидан қизиқарли савол-жавоблар бўлди.

«Ўзбекистонда наркотрафик моддалар билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги ушбу анжуманда юридик фанлари номзоди, доцент, полковник Б. Закиров раҳбарлигидаги «Тезкор қидирув ҳуқуқи» кафедрасининг профессор-ўқитувчилари, «Жамоат хавфсизлигини

**А. ХОЛОВ,**  
лейтенант.




**ЙЎЛНИНГ ИЗ БЕХАТАР БЎЛИСИН!**

кил этди. Бу қоидабузарликларнинг ҳар бирини автоҳалокат сари қўйилган бир қадам эди, десак тўғри бўлади. Шу йил 1 январь кун соат тахминан 09 дан 30 дақиқа ўтганда, Самарқанд вилоятининг «Оқтепа-Қадан-Хатирчи» йўлининг 14-километрида Каттақўрғон туманида яшовчи, 1972 йилда туғилган Бахтиёр Қодиров шахсий «ВАЗ-21011» русумли автомобилни бошқариб бораётган ва йўл четидаги тўсиққа урилган. Натижада ушбу машина йўловчиси, Каттақўрғон туманида яшаган Зоҳида Собирова жароҳат олиб, касалхонада вафот этган. Шу кун соат тахминан 14 дан 30 дақиқа ўтганда, Сурхондарё вилоятининг «Элбаён-

Дарбанд» йўлида Денов туманида яшовчи, 1976 йилда туғилган Бахтиёр Ниёзов шахсий «ВАЗ-21063» русумли автомобилни бошқариб бораётган, йўл четида турган пиёда, Бойсун туманида яшаган Жарқин Шойимовани уриб юборган. Ж. Шойимова ҳам касалхонада вафот этган. Биз йўлларимизда ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг такрорланмаслигини ният қилган ҳолда барча автомобиль ҳайдовчиларидан йўл ҳаракати қоидаларига қатъиян риоя этишни, айниқса, об-ҳаво кескин ўзгарган вақтларда ўта хушёр бўлишни сўраб қоламиз. Мурод ШЕРЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси инспектори, катта лейтенант.



Пайшанбага ўтар кечаси Фаластин Мухториятининг сайлов комиссияси тўла таркибда истеъфога чиқди. «Ha'aretz» газетасининг хабар қилишича, улар Мухторият Бош вазири Аҳмад Курейни сайловга тайёргарлик жараёнига аралаштиришда айбланипти.



Ўтган йил давомида дунё бўйича 47 нафар журналист ҳаётига суиқасд қилинибди. Аксар ҳолларда бу разиллик уларнинг фаолиятига чек қўйиш, ўч олиш мақсадида амалга оширилган.

### НОРОЗИЛИК ИФОДАСИ СИФАТИДА



Сайловларни 25 январда ўтказиш режалаштирилган. Аммо уни орқага суриш бўйича таклифлар бўлиб турибди. Гап шундаки, исроиллик ҳарбийлар чиқиб кетган ҳудудда ҳали тўла тартиб таъминланаётгани йўқ. Бундан ташқари, ҳозир аксар фаластинликлар ХА-

МАС ҳарбийлашган гуруҳига овоз беришлари мумкин. Қуддусдаги вазият ҳам мураккаб. Бош вазир Маҳмуд Аббос душанба кунини қилган чиқишида агар бу шаҳарда яшовчи араблар сайловда қатнаша олмаса, сайловни бошқа кунга қўчиришини айтган эди.

### АМИРЛИКЛАРДА МОТАМ

«Reuters» агентлигининг хабарига кўра, Австралияда Дубай амирлиги амира, Бирлашган Араб Амирликларининг Бош вазири ва вице-президенти шайх Мактум бин Рашид ал-Мактум вафот этди. Мамлакатда шу муносабат билан 40

кунлик мотам эълон қилинди.

Шайх Мактум бин Рашид ал-Мактум отасининг ўлимидан кейин 1990 йилдан буён Дубай амирлигига раҳбарлик қилиб келаётган эди. Энди унинг ўрнини шайх Муҳаммад бин Рашид ал-Мактум эгаллайди.

### ЖАСОРАТ ТАЛАБ ЭТАДИ

Журналистларни ҳимоя қилиш кўмитасининг маълумотларига қараганда, 2005 йилда биргина Ироқнинг ўзида 22 репортёр ҳалок бўлди. Америкаликлар бу мамлакатта бостириб кирганидан буён ушбу ҳудудда оммавий ахборот воситаларининг 60 нафар вакиллари ўлдирилди. Иккинчи ўринда турган Филиппинда эса бу кўрсаткич 4 нафарни ташкил этди.



### ҲУКУМАТ КОТИБИНИНГ БАЁНОТИ

Исроил Бош вазири Ариэль Шарон бетоблиги туфайли яна касалхонага ётқизилди. Унга «огир инсульт» ташхиси қўйилди. Бош вазир беморлиги пайтида унинг вазифасини биринчи ўринбосари Эхуд Олмерт бажариб туради. Бу ҳақда ҳукумат котиби Исраэль Маймон маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда ҳукуматнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси Мени Мазиз билан маслаҳатлашилгач, шундай қарорга келинган.

Эслатиб ўтамиз, Ариэль Шароннинг миясига қон куйилган эди. Операция 7 соат давом этди. Сўнг уни жонлантириш бўлимига ўтказишди. Эхуд Олмерт раҳбарлигида бўлиб ўтган ҳукумат мажлисида мамлакатда барқарорликни сақлаш масалалари муҳокама қилинди.

### ҲОЗИРЧА ЖАРИМА СОЛИНМАЙДИ

Россияда йўл ҳаракати қоидаларига қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, 1 январдан 24 та янги йўл белгилари, шунингдек 18 та эски йўл белгиларининг янги кўринишлари жорий этилди. ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг маълум қилишича, энди ҳайдовчилар шаҳардан ташқарида яқинни ёритувчи чироқларини кечаю кундуз ёқиб юришлари шарт. Янги қоидалар шунингдек, овозли ва чироқли сигналлари ишлаб турган машиналарни қувиб ўтишни тақиқлайди. Габарит чироқлар сариқ ёки оловранг бўлиши лозим. Болаларни ташиш учун эса машинага махсус болалар ўриндиги ўрнатилган бўлиши керак. Шунингдек, энди техник



кўрик талонини уйда қолдирган ҳайдовчилар ҳам маъмурий жазоланади.

Йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгаришлар ҳақида ахборотлар янги йилдан бор-йўғи икки ҳафта олдин эълон қилинди. Ҳали кўпчилик у билан танишишга улгуришгани йўқ. Шунинг учун Россия ИИВ ДИХХИ бошлиғи В. Кирьянов ўтиш даврида (ҳозирча) ҳайдовчиларга янги қоидаларни бузганлиги учун жарима солмаслик ҳақида кўрсатма берган.

### БАРОН МЮНХГАУЗЕННИНГ АВЛОДИ

Кабардин-Болқорнинг Прохладний шаҳрида яшовчи Владимир Наговицин машҳур бўлиб кетди. Сабаби, суд уни маълум ва машҳур барон Иероним фон Мюнхгаузеннинг авлоди деб қарор чиқарди. Бунга В. Наговициннинг судга тақдим этган тарихий ҳужжатлари асос бўлди. Уларга кўра, 1739 йил июлида барон Мюнхгаузен Санкт-Петербургда княгиня Голицина билан учрашган. Икки ўртадаги ишқий муносабатлар туфайли никоҳсиз қиз туғилади. Жанжал-тўполоннинг олдини олиш мақсадида княгиня қизалоқни казак атамани Наговицин оиласи тарбиясига топширади.

Мюнхгаузеннинг авлоди Владимир суд қароридан сўнг фамилиясини Нагова-Мюнхгаузен дея ўзгартирди. У Янги йилни ўзи ясаган икки стволли замбаракдан «ўқ» отиб кутиб олди. Фақат бу «ўқлар» тузланган бодринглар ва палағда тухумлардан иборат бўлиб, порохсиз отилади.



### ҒАРОЙИБ САВДО

Дунёда ягона икки бошли илон Интернет орқали кимошди савдосига қўйилди. Унинг бошланғич нархи 150 минг доллар.

Олти ярим ёшли бу судралиб юрвчи ҳаётининг катта қисмини аквариумда ўтказди. Мутахассисларнинг айтишича, илон ҳар икки жигилдони битта ошқозонга туташгани учунгина узоқ умр кўраётти. Ҳозирда унинг узунлиги 1,20 метрни ташкил этади.

2004 йилда Сент-Луисдаги музей ходимларидан бири жониворни сотиш мақсадида ўғирлаган эди. Аммо тез орада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари уни ўғрининг гаражидан топиб олишди.

### ТАБИАТГА ОЗОР ЕТКАЗМАНГ



қолди. Хабарларга кўра, фалокат чоршанба кунини тонгда юз берган. Индонезиялик қутқарувчилар тупроқ остида қолганларни қутқариш чораларини кўришяпти. Аммо маҳаллий ҳокимият вакиллари айтишларига қараганда, қишлоқ аҳолисидан бирор кишининг омон қолгани гумон. Камида 200 киши ҳалок бўлган деб тахмин қилинмоқда. Экологларнинг фикрича, фожиага мазкур тумандаги ўрмонзорларнинг чопиб юборилгани сабаб бўлган. Дарҳақиқат, табиатга озор етказилса, бу охир-оқибат инсониятнинг ўзига зарар етказиши.

Ява оролларида бирида жойлашган Сиджерук қишлоғи ер кўчкиси остида

### БОШЛОВЧИЛИКДАН БОШ ТОРТДИ

Америкалик машҳур комедия актёри Билли Кристал 2006 йилда «Оскар» мукофотини топширишга бағишланган тантананда бошловчилик қилишдан бош тортди. Буни вақти тигизлиги билан изоҳлади. У Америка киноакадемиясининг бу тадбирини саккиз марта олиб борган. 2004 йилда эса унинг ўрнини ёш комик актёр Крис Рок эгаллаган эди. Аммо Рок телетрансляция рейтингини юқорига кўтара олмади.

Тадбир ташкилотчилари ҳозир бу борада Стив Мартин ва Вупи Голдберг билан музокара олиб боришмоқда.



Маълумки, аёлларнинг ёлғизликка тоқатлари йўқ. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг бир умрлик жуфтини қидиришди. Афсуски, бунга ҳамisha ҳам муяссар бўлишавермайди. Ана шундай омадсизликка учраганлари ҳаётларини қандайдир мазмун билан тўлдиришга ҳаракат қилишади.

Кимдир ишга қаттиқ берилади. Биров жамоатчилик ишига боши билан шўнғийди. Баъзилар ит, мушук асрашади. Британиялик 41 ёшли миллионер аёл ҳаётидаги бу муаммони ўзига хос тарзда ҳал этди. У «Синди» лақабли дельфинга турмушга чиқди.

«Севишганлар» Исроилнинг Элиат шаҳрида жойлашган дельфинарийда танишиб қолишган эди. Хоним жониворга қаттиқ боғланиб қолди. У бир неча йил мобайнида севгилисидан тез-тез хабар олиб турди. Охир-оқибат

### КЎНГИЛ КЎЧАЛАРИ

«Ўртамиздаги муносабатларимизни қонунийлаштирсак ёмон бўлмасди», — деган қарорга келди. Бундай илтимос билан давлат идораларига мурожаат қилиш бефойдалигини билиб, дельфин ўргатувчига ниятини айтди.

Дельфин ўргатувчи бу галати хонимнинг гаройиб илтимосидан ҳайратта тушмади ёки ҳайрон бўлса ҳам, бунини сездирмади. Ҳар ҳолда «Тентак билан тенг бўлма» деган нақлни эшитган, шекилли, дарҳол кўнди. «Синди» билан «гаплашиб кўриб», унинг ҳам рози эканлигини айтди. «Никоҳ» маросими дельфинарийнинг ўзида бўлиб ўтди.

Келин тўйга анъаналарига мувофиқ оқ кўйлакда, гулдаста кўтариб дўстлар даврасида кириб келди. Маросим чоғида у тиз чўкиб сувдан отилиб чиққан дельфинни ўпиб қўйди. Шундан сўнг дўстлари хонимни сувга итариб юборишди. У дельфинарийда умр йўлдоши билан хуморидан чиққанча сузди.





## АЗИЗСАН, ВАТАН!

**Бир сиқим тупроғинг ҳар недан азиз,  
Шунчалар лазизсан, жонажон Ватан!  
Кимга жон, кимга мол-давлати азиз,  
Мен учун муқаддас меҳрибон Ватан!**

**Фахр этум мадҳингни куйлаб оламга,  
Жисмим роҳатини ўйламасман ҳеч.  
Пайт келса жон қадар азиз боламга,  
Айтаман: юрт учун, болам, жондан кеч!**

Қутлимурод СОЛАЕВ,  
Ҳазорасп тумани  
ИИБ ходими, сафдор.

*Менга диёр бердинг,  
кўрку латофат,  
Хусну малоҳатда тен-  
ги йўқ, аъло.  
Она ўлкам менинг рам-  
зи садоқат,  
Дурлар шодасида дурдо-  
на гўё.  
Уни мен севганман,  
жоним ол, фақат,  
Диёрим меҳридан қил-  
магин жудо.*

Инсон дунёда кўп нар-  
сани танлаш имконияти-  
га эга. У ўзи истаган касб-  
хунар, кийим-кечак, уй-  
жой, дўст-ёр танлаши  
мумкин. Лекин кимнинг  
фарзанди бўлиш, қайси  
юртда туғилиш пешонаси-  
да ёзилган бўлади. Ҳа,  
ота-она, Ватан танлан-  
майди. Тўғри, ҳаётда юра-  
гида юрт ишқи бегоналар  
ҳам учрайди. Улар учун  
қаерда яшашнинг фарқи  
йўқ. Ёки ота-онасига,  
яқинларига меҳрсизлар  
йўқ дейсизми. Бундайлар-  
га ачинасан киши. Чунки  
улар буюк бахтдан мосу-  
водирлар.

Ҳақиқий инсон киндик  
қони тўкилган заминни  
муқаддас билади. Унинг  
ҳар қаричини севади. Чун-  
ки, шу диёрда фарзандла-  
ри вояга етишади, туп  
кўйиб, палак ёзади. Лекин  
Ватанни севмоқнинг ўзи  
кам. Керак бўлганда уни  
ҳимоя қилиш, турли  
бало-қазолардан, ёмон  
кўзлардан асрай билиш  
ҳам лозим. Конституция-  
мизнинг 52-моддасида  
белгилаб қўйилганидек,  
юртимизни ҳимоя қилиш  
шу заминда яшовчи ҳар  
бир фуқаронинг муқад-  
дас, шарафли бурчидир.

Мустақиллик даврида  
мамлакатимиз Қуролли  
Кучлари сафида хизмат  
қилиш чинакамига ша-  
рафли ишга айланди. Муд-  
датли ҳарбий хизматга бо-  
ришни истовчиларнинг  
сони бору саноғи йўқ. Са-  
фарбарлик чақирuvi ре-  
зервидаги ҳарбий хизмат-

нинг “Ҳарбий хизматни  
ўзининг касби, Ватан ва  
халқ олдидаги муқаддас  
бурчи деб биладиган, бу-  
тун ҳаётини Қуролли Куч-  
ларимиз сафида хизмат  
қилишга бағишлаган  
ўғлонларимизнинг оғир  
хизматини қадрлаш,  
уларнинг туну кун, тиним  
билмасдан ўз ҳарбий ма-  
ҳоратини ошириш йўли-  
да қилаётган машаққатли  
меҳнатини эъзозлаш бар-  
чамиз учун ҳам қарз, ҳам  
фарздир”, — деган сўзла-  
ри дастуруламал бўлмоқ-  
да.

Бугунги кунда ҳарбий  
хизмат шароитлари туб-  
дан яхшиланган. Аскарлар

лабки йиллари. Баъзилар  
ўзига “иссиқ жой” қиди-  
риб қолган кезлар. Шун-  
дайлардан бири мента:  
“Яхши мутахассислар бо-  
шқа мамлакатларга кетиб  
қолишяпти. Бунақада са-  
молётларни ким бошқа-  
ради?” — деди кесатиб.  
Мана, ўшандан буён  
ўтган йиллар ичида нафа-  
қат ўз ҳудудимизда, бал-  
ки халқаро йўналишлар-  
да учаётган самолётлари-  
миз сони ортса орткики,  
камаймади. Демак, би-  
лимли, малакали миллий  
кадрларимиз етишиб чиқ-  
ди. Ҳатто ҳарбий учувчи-  
лар тайёрлайдиган билим  
юрти ҳам очилди. Бу таъ-

юрт-га хизмат қилиш ту-  
шунчалари билан эгизак,  
маънодош. Зеро, мамла-  
катимизда қабул қилина-  
диган қонунлар аввало,  
эл-юрт манфаатини  
кўзлайди.

Осойишталик посбон-  
ларининг кундалик фао-  
лияти чинакам фидойи-  
лик, жасорат намунаси.  
Чунки уларнинг ҳар қада-  
ми хавф-хатарга тўла, ҳар  
дақиқада жиноятчиға  
рўпара келишлари мум-  
кин. Бировнинг молига кўз  
олайтирган ўғри ҳам,  
кимнингдир жонига қасд  
қилган қотил ҳам, товла-  
мачию, фирибгар ҳам  
ички ишлар ходимларини

вур этиб бўлмади.

“Ватан остонадан  
бошланади”, — дейишади.  
Ҳақиқатан ҳам шундай.  
Энди атак-чечак қилиб  
юртан бола учун ўз уйи,  
ҳовлиси Ватан. У ақлини  
танигани сайин Ватан  
ҳақидаги тушунчаси, та-  
савури ҳам кенгайиб бо-  
ради. Бир кун келиб у юрти  
нақадар кенг, бепоён эка-  
нини англайди.

Шунга ўхшаб Ватанга  
хизмат қилиш ҳам ниҳо-  
ятда кенг тушунча. Унинг  
замирида олам-олам маъ-  
но жо. Бу фақат ҳарбий  
соҳада ёки ҳуқуқни муҳо-  
фаза қилиш идораларида  
хизмат қилишдангина  
иборат эмас. Фақат бунинг  
учун киши юртини севи-  
ши керак. Шундагина унга  
хизмат қилишга ўзида  
эҳтиёж сезади.

Хўш, Ватанга муҳаб-  
бат қаердан пайдо бўла-  
ди? Бу руҳимизга она  
сути, она алласи билан  
сингади Ҳа, аввало аёл-  
лар, юртга меҳр-муҳаб-  
батли бўлишлари лозим.  
Қолаверса, устозлари-  
мизнинг таълим-тарбия-  
си, боболаримизнинг  
ўғит-насиҳатлари билан  
сингади бу туйғу. Ахир,  
доно халқимиз “Она юр-  
тинг — олтин беши-  
гинг”, “Она юртинг  
омон бўлса, рангу  
рўйинг сомон бўлмас”  
каби мақолларни бежиз  
тўқимаган-ку. Ҳадиси ша-  
рифларда ҳам “Ватанни  
севмоқ — иймондандир”  
дейилган. Ҳа, Ватанга  
хизмат қилишнинг йўли  
кўп. Шифокор бор маҳо-  
ратини ишга солиб, бе-  
морларни даволаётган  
бўлса, бу ҳам эл-юртга  
хизмат қилиш эмасми?  
Қалб кўрини, кўз нури-  
ни сарфлаб, фарзандла-  
римизга таълим-тарбия  
бераётган муаллимни  
ватанпарвар демай бўла-  
дими? Элимиз тўқ, риз-  
қимиз мўл бўлсин деб  
меҳнат қилаётган, заҳ-  
мат чекаётган фермерни-  
чи? Эл-юртимизга Ярат-  
гандан тинчлик-хотир-  
жамлик сўраб ибодат  
қилаётган, дуога қўл  
очаётган, ёшларга панд-  
насиҳат қилаётган ота-  
хону онахонларимиз ҳам  
олтиндан қиммат сўзла-  
ри билан Ватанамизга  
хизмат қилиш-япти.

Мақоламни шеър би-  
лан бошлаган эдим, ке-  
линг уни шеър билан  
яқунлай:  
*Ватанлар, Ватанлар, майли  
гулласин,  
Бог унсин мангулик музда  
ҳам, аммо  
Юртим, сени фақат  
бойликларинг-чун  
Севган фарзанд бўлса,  
кечирма асло!*  
**Бобомурод ТОШЕВ.**

## ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ - МУҚАДДАС БУРЧ



нинг ҳам тобора нуфузи  
ошмоқда. Ўғлонларимиз  
орасида, айниқса, ўз  
ҳаётини Ватан ҳимояси  
йўлида бағишлашни мақ-  
сад қилганлар—шартнома  
асосида ҳарбий хизматчи  
бўлишга талабгорлар кўп.  
Хўш, нега деган савол  
туғилади. Чунки, улар  
кимга, нимага хизмат  
қилаётганларини яхши  
билишади. Чунки, шу  
юрт, шу замин ўзларини-  
ки эканлигини юракдан  
ҳис қилишади. Чунки, Ва-  
танларини ишончли  
ҳимоя қилсалар, ота-она-  
лари, қавм-қариндошла-  
ри → Ўзбекистон халқи  
тинч-хотиржам яшашини  
чуқур англашади.

Қолаверса, давлатимиз  
ҳарбийларга ҳар томонла-  
ма ғамхўрлик кўрсатмоқ-  
да. Бунда юртбошимиз-

ётоқхоналаридаги қулай-  
ликларни кўриб қувонасиз.  
Озиқ-овқат таъминоти  
борасида армиямиз ҳеч  
бир хориж армиясидан  
қолишмайди. Чунки ба-  
қувват, илиги тўқ жангчи  
жанг қилишни ҳам қоти-  
ради.

Авваламбор, уруш  
бўлмасин. Аммо замона-  
вий урушнинг талаблари  
ўзгарган. Шунинг учун  
жанговар тайёргарлик жа-  
раёнига илгор техник во-  
ситалар, янгича усуллар  
зорий этиляпти. Шахсий  
таркибнинг интеллектуал  
салоҳиятини оширишга  
катта эътибор берилмоқ-  
да. Буларнинг барчаси  
ёшларимизнинг ҳарбий  
хизматга бўлган қизиқи-  
шини орттиряпти.

Ҳамон кечагидек ёдим-  
да. Мустақилликнинг даст-

лим муассасасини бити-  
риб чиққан қанчалаб юра-  
гида ўти бор ўғлонлари-  
миз юртимиз тинч, осмо-  
нимиз мусавффо бўлиши-  
га ўз ҳиссаларини кўшиб  
келишяпти.

Ёки ички ишлар идора-  
лари ходимларини олай-  
лик. Уларнинг мамлакат-  
да тинчлик-барқарорлик-  
ни таъминлаш борасида-  
ги масъулияти ҳарбийла-  
римизникидан кам  
бўлмаса керак. Шунинг  
учун ҳам халқимиз улар-  
ни эъзозлаб “осойишта-  
лик посбонлари” деб ата-  
шади.

Ички ишлар идорала-  
ри сафига кираётган ҳар  
бир ходимнинг бурчи  
ҳуқуқ-тартиботни мустаҳ-  
камлаш, қонун устувор-  
лигини таъминлашдир. Бу  
эса ўз навбатида халққа,

ўзига душман деб билади.

Мамлакатимизда содир  
этилган террорчилик  
ҳаракатларини бир эслаб  
кўрайлик. Ўшанда ёвуз  
кучларга қарши кураш-  
ганларнинг олдинги саф-  
ларида ички ишлар хо-  
димлари бор эди. Улардан  
қанчалари тинчлик-осой-  
ишталик йўлида азиз жон-  
ларини қурбон қилишди,  
ярадор бўлишди.

Мамлакатнинг тинч-  
лик-осойишталигини сақ-  
лаш бу фақат жиноятчи-  
ларга қарши курашиш де-  
гани эмас. Фуқароларни  
жиноят йўлидан қайта-  
риш, уларнинг ҳуқуқий  
оңини ошириш ҳам ана  
шундай савобли ишлар  
сирасига киради. Буни эса  
бугунги кунда ички ишлар  
идоралари ходимлари-  
нинг фаолиятисиз тасав-



Хар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали маросимда Президентимиз томонидан келгуси йилга ўзига хос ном берилади ва махсус дастурни амалга оширишга йўналтирилган устувор вазифалар белгиланади. 2006 йил Юртбошимиз томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган «Меҳр ва мурувват йили», «Сихат-саломатлик йили» билан узвий боғлиқдир.

Шу ўринда «меҳр», «мурувват», «сихат», «саломатлик» сўзларининг луғавий маъносига тўхталиб ўтсак. Меҳр – қуёш, офтоб. Мурувват – мардлик, жасурлик, одамгарчилик, сахийлик. Сихат – соғлик, соғломлик. Саломат – омонлик, тинчлик маъноларини англатади.

Демак, ҳар қайси йилга ном берилишида ўзига хос ҳикмат бор. «Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни, ҳомий деганда, ён атрофидаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга қўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, кадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз» – дея таъкидлади Юртбошимиз. Айтилган фикр пурмаъно эканлигини қадимда яшаб ўтган аждодларимизнинг ибратли ишлари билан ҳам тасаввур қилишимиз мумкин.

Абу Райҳон Бериуний «Инсон ҳамиша ўзгаларнинг бахт-саодати ҳақида ўйлаши керак. Ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати ўз ишини қандай бажарётгани билан ўлчанади. Одамлар турмуши – ҳаётда ҳар хил ҳолатда бўлади, буларнинг бир тури билан мақталадилар, бошқаси билан эса қораланадилар. ... мақтовларнинг чўққиси мурувват, мурувватнинг асоси эса тозалик ва покизалиқдир» деб таърифлайди. У инсондаги «яхшилик ва ёмонлик»,

«фахрланиш ва гамгинлик» «халқлар дўстлиги ва тинчлиги учун кураш» «олий-ҳимматлилик», «ўзи билганларини ёшларга ўргатиш» каби хусусиятларни кишиларнинг табиати билан боғлайди.

Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг «Мен камбағалларга кўп хайр-эҳсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим», «Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақола қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим» деган ўғитларини ўрганган ҳар бир одам унинг буюклигига яна бир бор иймон келтириши шубҳасиз.

Навоий тарихда энг саховатпеша, энг улуг ҳомий номини олган инсон бўлган. У олим шоирлар, санъаткору ҳунармандларга ҳомийлик қилган. Минглаб кишилар

келтирмаслик, оғзига олмаслик, кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир».

Бугунги кунга келиб аждодларимиздан қолган саховатпешалик давом этапти. Кўплаб юртдошларимиз мактаб, касалхона, болалар боғчалари қурилишига моддий ёрдам беришяпти. Ёлғиз, кам таъминланган оилаларга, етимларга саховат кўрсатишяпти. Замондошларимиз ҳиммати ва муруввати тўғрисида Юртбошимиз ўз маърузаларида: «Мен баъзан кўп жойларда саховатли, олийҳиммат юртдошларимиз, ҳеч кимга овоза ва ошкор қилмасдан, болалар уйларига, муҳтож оилаларга ёрдам бериб, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга мурувват кўрсатиб юрганлигини эшитганда, беихтиёр қойил қолам», – деди.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари орқали ўз маблағи ҳисобидан мак-

Аҳолининг эҳтиёжманд қисмининг яшаш тарзи ва саломатлигини муҳофаза қилиш жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва давлатимизнинг халққа бўлган беқиёс меҳрибонлигини ифодалади. Президентимиз маърузасида: «Саховатли ва беғараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг гаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳанг ва узвий боғланиб кетганини тасаввур қилиш қийин эмас» – деб таъкидлагани шифокорларнинг заҳмати беқиёс эканлигини намён этади. Меҳр-мурувват фақат моддий ёрдам беришгина эмас, балки инсонларнинг бир-бирларига хушмуомалада бўлишлари ҳамдир. Бу ўринда мутафаккирларимиздан Маҳмуд аз-Замашарийнинг «Нозик иборалар» асарига «Тилинган чикқан садақа (яъни панду насиҳатинг) баъзан кўлингдан (мол-дунёндан) чикқан садақандан кўра хайрлироқдир» – дея фикр билдирилгани нақадар тўғри эканини ёшларимиз онги ва тафаккурда шакллантириш лозим.

Башариёт тараққиётида объектив ва субъектив

сабаблар билан айрим инсонлар илм, ҳунар ўрганиб, ҳаётдан ўрнини топади, бошқа биров ўзини омадсиз, иши юришмаган деб ҳисоблаб, ёлғизланиб қолади. Бундай ҳолларда олийҳиммат инсонларнинг чин юракдан кўллаб-қувватлаши дилларни мунаввар этиб, руҳий қувват бағишлайди.

Яқинлашиб келаётган Қурбон ҳайити кунларида ёши улуг отахонлар, онахонларнинг кўнглини сўраш, қариндошлар, маҳалла ва кўни-қўшнилар орасида муҳтожлар бўлса, маънавий, моддий ёрдам кўрсатиш азали ва олий қадриятларимиздан ҳисобланади.

**Акрам АКМАЛОВ,**

республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири, доцент.

## «ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА МАҚСАДИ

га моддий ёрдам берган, истеъдод соҳибларини кадрлаган ва кўллаб-қувватлаган. Мадрасалар, мақбаралар, ҳаммом ва тегиримонлар, кўприклар қурдирган. Умрининг охирида эса барча мулк, маблағларини мадраса ва бошқа маърифат масканларига вақф қилиб қолдиришни васият қилган. Унинг «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида шундай пурҳикмат сўзлар бор: «Сахийлик (кўли очиклик) кишилик боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёсининг асл гавҳаридир... Фахрланиш учун бермоқ ўзни кўрсатишлик ва бу билан ўзини сахий демак беҳаёликдир. Карам бировнинг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва уни тикан учидан гулдек очилмоқ ва қилинган ишни қайтиб тилга

таблар, кичикроқ бўлса-да шифохоналар қуриб бераётган, йўлларни таъмирлаётган, маҳалла гузарларини обод қилишда меҳнати, маслаҳатини аямаётган ҳамюртларимиз таништириб борилмоқда.

Шу ўринда одамларга ёрдам беришга доимо тайёр турган, бурчига содиқ ички ишлар ходимларини ҳам мурувватпеша десак бўлади. Тўғри, бу уларнинг вазифаси, аммо ички ишлар ходимларининг аксарияти жабрланганларга ёрдам бериш учун вақтини аямайди, уйқусидан кечиб жиноятчини излайди, ҳатто айрим пайтларда ҳаётини хавф остига қўяди. Бу мардлик, жасорат, мурувватпешалик эмасми? Ички ишлар идоралари томонидан маҳалларда спорт мажмуалари қурилиб, ёшлар жалб этилаётгани ҳам ҳомийликка дахлдордир.

Зеро, мамлакатимизда ёшларнинг илм олиши, турли касб эгалари бўлиб етишиши учун жуда катта шароитлар яратилган. Уларнинг хоҳлаган жойда ўқиб, ҳунар ўрганиб, фаолият кўрсатишлари учун зарур имтиёзлар мавжуд.

Афсуски, бурч ва масъулиятни унутиб қўйиб, жиноят йўлига кириб қолган, бошқача айтганда, бебаҳо умрини елга совураётган ёшлар ҳам учрайди. Бунинг натижасида турли ҳуқуқбузарликлар, ҳатто жиноятлар келиб чиқаётди. Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракати, улар орасида кўплаб ёшларнинг аралашиб қолиши, натижада беғуноҳ одамларнинг қурбон бўлиши фикримизга мисол бўла олади. Миллат, она-юрт, халққа бўлган садоқат, меҳр ва муҳаббат қалбида заррача жўш урган киши эса бу ишларга асло қўл урмайди.

Мустақиллик берган буюк неъмат – озодлик, эрк, тинчлик ва фаровонликни кадрлаган ҳар бир инсон истиқлолимизни кадрлаши, уни ёмон кўзлардан ҳимоя қилишни, айни вақтда бу борада ислоҳот ва тараққиётга қайсидир жиҳати билан ҳисса қўшишни олий бурч ва вазифа қилиб олмоғи керак. Зотан, бундай фазилятларнинг барчаси ҳаётимиз Қомуси – Ўзбекистон Конституциясида белгилаб берилган.

**Абдураҳим ўРОЛОВ,**

жиноят ишлари бўйича Қасби туман суди раиси.

### МЕНИНГ ФИКРИМ

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ТАФАККУРНИ ЧАРХЛАЙДИ

**Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг ўзига хос йўлини танлади. Бу йўлда собитқадамлик билан илдам ҳаракат қилмоқда. Барча жабҳада туб ислоҳотлар амалга ошириляпти.**

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида аксарият кишилар тафаккурини эски тузумнинг боқимандалик, лоқайдлик сингари чиркин асоратлари чирмовикдай ўраб олгани сир эмас. Бундай вазиятда қонунбузарликларга қарши муросасиз курашиш, айни пайтда демократияга кўпроқ юзланиш тақозо этилар, бозор муносабатлари шароитида ҳуқуқий саводхонликни ошириш вазифаси кўндаланг турарди.

Истиқлолга эришганимизга 14 йил бўлди. Бу унча узоқ муддат эмас. Аммо ўтган даврда эришилган ютуқлар салмоқли, тараққиёт одимлари эса ниҳоятда залворли. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ кўплаб ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши демократия томон юзла-

ни шнинг чинакам ифодасидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик янги-ланиш ва эркин ҳаётга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамиятининг пойдевори яратилди. Танлаган йўлимиз қандай манзилга элтишини аниқ-равшан кўра бошладик. Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун халқимизнинг қадимий анъаналари, қадриятларимизни давом этиришимиз, ҳуқуқий маданиятимизни юксалтиришимиз зарур. Мамлакатимизда илм-фан ва техника юксак даражага кўтарилаётган бугунги кунда ҳар қандай жамият тараққиётининг бирламчи воситаси узлуксиз таълим эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

1997 йил 25 июлда Президентимиз И. Каримов «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш

тўғрисида»ги Фармонига имзо чеки. Шундан сўнг фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида вилоят марказларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг касбий тайёргарлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида турли тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилди.

«Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш энг муҳим вазифа. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Одамларда қонунларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, «Ҳуқуқий меъёрлар одамлар онгига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади», дея таъкидлайди Президентимиз.

Азал-азалдан халқимиз, миллатимиз менталитети, қадриятларида қонунга итоат этиш, унга бўйсуниб яшаш кучли бўлган. Бирок ҳар қандай шароитда ҳам улар адолатни талаб қилган. Чунки, адолат юз ўгирган жойда



# МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

Қурбон ҳайити Ислом дунёсидаги улғу байрамлардан биридир. Бу айёмнинг фазилати шундаки, Аллоҳ йўлига қурбонлик ибодати қилинади. Мухаммад Пайғамбаримиз ҳадиси шарифларида шундай деганлар: "Одам ўғли учун Қурбон ҳайити кунин Аллоҳ йўлида қон чиқаришдан (қурбонлик қилишдан) ҳам севимли ва мақбулроқ амал йўқдир. Шубҳасиз, у кесилган жонлиқ қиёмат кунин шохлари ва жунлари билан (ғувоҳликка) келади. Ҳеч шубҳа йўқки, қурбонликнинг қони ерга тушмасдан олдин (бу ибодат) Аллоҳ даргоҳида қабул бўлади. (Бас шундай экан) қурбонлик қилиш билан дилларингизни хушнуд этинг".

Шу ўринда қурбонлик қилишнинг тарихига бир назар солсак. Бу ибодат Иброҳим пайғамбардан қолган. Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломни имтиҳон қилиш учун унинг ўғли Исмоил алайҳиссаломни қурбонлик қилишга буюради. Аллоҳ буйруғини бажариш учун Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссаломнинг бўғизига пичоқ тортмоқчи бўлганда, Аллоҳ унинг этиқоиди ва чин дилдан қилган ҳаракатлари учун жаннатдан бир кўй чиқаради. Иброҳим алайҳиссалом имтиҳондан ўтади ва Аллоҳ буйруғи билан кўйни сўяди. Шундан бери мусулмонлар учун жонлиқни қурбон қилиш ибодатга айланган.

Қурбонликдан қон оқиши ибодат ҳисобланиб, закот ва фитр садақаси каби кишилар учун вожибдир. Қурбонлик учун молнинг қийматини ёки тириклайин тарзда эҳсон қилиб бўлмайди. Туя, қорамол, кўй ва эчки каби уй ҳайвонлари қурбонлик қилинади. Паррандалар, ёввойи ҳайвонларни сўйиб қурбонлик қилиш ибодат ўрнига ўтмайди. Қурбонликка сўйиладиган туя беш, қорамол икки, кўй, эчки бир ёшдан кам бўлмаслиги керак. Туя ва қорамолни бир кишидан етти кишигача шерик бўлиб қурбонлик қилиш жоиз. Кўй ва эчкиларни шериклик тарзда қурбонлик қилиб бўлмайди.


Қурбонлик ҳам ибодат ҳисоблангани учун у бекаму-қўст адо этилиши лозим. Бунда туя, қорамол, кўй ва эчкилар соғлом, ўртача семизликдан кам бўлмаган ҳолда, яъни қусурсиз бўлиши талаб этилади. Эмадиган боласи бор ҳайвонларни қурбонлик қилиш макруҳ ҳисобланади.

Қурбонликка аталган ҳайвонни сўйиш кўлидан келмайдиганлар ишончли бир кишига сўйдириши ва унинг олдида туриши керак. Пайғамбаримиз қизлари ҳазрати Фотимага "Қурбонликка олган жонлиқнинг сўйилаётганда ўзинг ҳам ўша ерда бўл,

зеро ҳар гуноҳинг ҳайвоннинг илк томчи қони ерга тушиши билан кечирилади", дея марҳамат қилганлар.

Сўйилган ҳайвоннинг гўштини уч қисмга бўлиб, бир қисмини қурбонлик қилолмаган камбағал оила, етимларга, иккинчи қисмини қариндош-уруғ, қўшнилари тарқатиб, учинчи қисмини эса оила аъзолари билан ейиш жоиз ҳисобланади. Мусулмон бўлмаган қўшнилари ҳам қурбонлик гўшtidан берса бўлади. Агар қурбонлик қил-

бон ҳайити кунлари урушлар тўхтагани, тарафлар ярашгани ҳақида маълумотлар бор. Кишилар бир-бирларини йўқлайдилар, кексаларни, беморларни кўргани боришади, айём билан қутлашади. Ўтганлар руҳига тиловат қилишади. Уртадаги гина-кудуратлар унутилади, аразлашиб юрганлар бир-бирларига яна бағрини очади. Қурбонлик қилганлар кўни-қўшни, қариндош-уруғ, бевабечора, етимларга мурувват кўрсатадилар. Бу билан киши-



ган кишининг бола-чақаси кўп бўлса, гўштининг ҳаммасини оила аъзолари билан ейиши мақсадга мувофиқдир. Сўйилган молнинг терисини бирор кишига садақа қилиб берса бўлади. Бу терини сотиш ёки қассобга "пичоқ учи" сифатида бериш жоиз эмас.

Қурбон ҳайит намози ўқилгандан кейин то учинчи куннинг шомигача қурбонлик сўйиш вақтидир. Қурбонлик қилишга қурби етмаган кишилар учун бу ибодатни амалга оширмаслик гуноҳ ҳисобланмайди.

Бу байрам меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват айёми сифатида улуғланади. Қадимда Қур-

лар ўртасидаги ришталар мустаҳкамланади.

Мана бир неча йилдирки, муборақ айём Юртбошимиз томонидан умумхалқ байрами деб эълон қилинади ва ҳайитнинг биринчи кунини дам олинади. Бу аввало юртимизда мустақиллик шамоли эсиб, ўзлгимизни таниб, эътиқод эркинлигига эришганимиз туфайлидир.

Қутлуғ кунда барчамиз юртимизда тинчлик-осойишталикнинг барқарор, иқтисодиётимиз янада баракали бўлишини Аллоҳдан сўраймиз.

**Жалолиддин ХОЛМЎМИНОВ,**  
Кўкалдош ўрта махсус ислом билим юрти мударриси.

# ИСЛОМНИНГ БЕШИНЧИ РУКНИ

Мусулмонлар учун ҳаж қилиш фарз бўлиб, мол ва бадан билан адо этиладиган амалий ибодат ҳисобланади. Ҳажнинг бошқа ибодатлардан фарқи шуки, у ҳаммага бир пайтнинг ўзида фарз бўлавермайди. Мусулмон киши учун умрида бир марта фарз ҳисобланган бу ибодатни амалга оширадиган киши балоғатга етган, эҳсуши жойида, саломатлиги яхши, ҳукумат томонидан руҳсат этилган, моддий жиҳатдан тўқис бўлиши ва ҳаж сафари давомида оиласига етгулик таъминот қолдириши керак.

Ҳаж ҳаражатлари ҳалол йўл билан топилган бўлиши шарт. Қарз олиб, бирор мулкни гаровга қўйиб ёки ҳаром топилган пул билан қилинган ҳаж ибодати қабул бўлмайди. Ота-онага фарзандлари ўз рози-ризоликлари билан пул берсалар мумкин, аммо уларнинг мулкни зўрлаб олиб, шунингдек, уй-жойини, ўзининг ҳожатига яраб турган уловини, нарчасини сотиб ҳажга бориш дуруст эмас.

Яна бир томони, ҳаж амали исломнинг бешинчи рукни ҳисобланар экан, унинг аввалги тўрт рукнини бажарган кишилар ҳажга боришлари мумкин. Яъни, намозхон, рўза тутган, молидан закот берган киши бу фарзни адо этади. Мухаммад Пайғамбаримиз «Бир киши ҳалол пулдан ҳажга чиқса, оёғини узангига қўйиб: «Лаббайкаллоҳумма лабайк» деганда осмондан бир нидо қилувчи: «Лаббайка ва саъдайка, овқатинг ҳалол, минганинг ҳалол, ҳажинг мақбул», деб нидо қилади. Бир киши ҳаром пулдан ҳажга чиқса, оёғини узангига қўйиб: «Лаббайкаллоҳумма лабайк» деганда осмондан бир нидо қилувчи: «Лаббайка эмас, саъдайка ҳам эмас, овқатинг ҳаром, нафақанг ҳаром, ҳажинг қабул эмас» деб нидо қилади» деганлар.

Мустақиллик йилларида юртимиздан ҳар йили 3-4 мингдан ортиқ фуқаро Аллоҳ йўлида ҳаж ибодатини адо этишга муяссар бўлишяпти. Шу ўринда ҳаж амалини бажариш баҳонаси билан тижорат мақсадида сафарга чиқаётганлар ҳам учраб қолаётганини минг афсуслар билан айтиб ўтиш жоиз. Ҳукуматимиз томонидан мусулмон биродарларинизга муқаддас ҳаж сафарига боришга катта имконият яратиб берилган экан, ундан оқилона фойдаланиб, байтуллоҳда юртимизнинг тинчлиги, осойиштали-

ги бардавом бўлиши учун ибодат қилишимиз жоиз.

Шу ўринда ҳаж амалини адо этишга имкони бўлмаганлар учун гуноҳ ёзилмаслигини айтиб ўтамиз. Ҳаж савобини олиш учун эса ҳаж кимнинг имкони етади. Ривоят қилишларича, беш-олти нафар киши ҳаж сафарига отланишади. Қишлоқнинг чеккасига келишганда бир хонадондан йиғисиги эшитилади. Сафарга кетаётганлардан бири отини хонадон сари буради. Қараса, уйда уч-тўрт нафар юпун кийинган болалар йиғлаб ўтиришибди. Бу не ҳол деб сўраганда улардан бири, отамиз вафот этган, онамиз касалланд, оч ўтирибмиз, дейди. Ҳажга кетаётган ҳалиги киши сафарга бормай, ёнидаги пулини ана шу хонадонга сарфлайди. Унинг шериклари ҳаж амалларини бажариб қайтаётганларида осмондан сафардан қолган кишининг ҳам ҳаж савобини олгани ҳақида нидо келади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек ҳаж ибодати имконияти борлар учун фарз ҳисобланади. Молиявий жиҳатдан қурби етмаган, саломатлиги тўғри келмайдиган, кексайиб қолганлар кўнгилни бузмасликлари керак. Чунки, Ҳазрат Навоий бобомиз:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлади.

Онча борким Каъба вайрон бўлса обод айлади

деганлар. Мол-мулкдан кам таъминланган оилаларга, етимларга моддий ёрдам кўрсатган, касал, бемор кишиларни кўриб, уларга бир оғиз ширин сўз билан тасалли берган, ишда, ўқишда қийналаётганларга кўмак бераётганлар ҳаж савобини олишлари шубҳасиз.

Юртбошимиз томонидан 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинди. Муҳтожлардан меҳр-муруввати, саховатини аямайдиган кишилар ўзларининг беғараз ёрдамлари билан улғу савобли ишлар қиляптиларки, Аллоҳ уларнинг сарфлаган пулига барака беради, бири-ўн бўлади, ўзига эса беҳисоб ажр савоблар ёзилади.

**Абдуҳолиқ ЖўРАЕВ,**  
исломшунос.

## ҲИКОЯТ

# ИБН СИНО ВА МИРШАБ

Абу Али Ибн Сино оғир дардга чалинган Ботир исмли миршабни даволади. Бунинг учун у миннатдорчилик билдириб:

— Табиблар касалингга даъво йўқ, кўпи билан бир ойлик умринг қолди, дейишганди. Ўлганимда олти фарзандим етим қоларди. Сиз туфайли соғайиб кетдим, яхшилигингизни умрбод эсдан чиқармайман. Нима хизмат буюрсангиз бажаришга тайёрман. Кичкина совға келтирганман, шунга қабул қилсангиз, — дебди.

— Совғангизни олмайман. Ўз вақтида сиз ҳам менга яхшилик қилгансиз.

— Кечирасиз, балки мени кимдир ўхшатаётдандирсиз. Негаки, сиз билан илгарилари бевосита учрашган эмасман. Менга дори-дармон бериб бир неча кун овора бўлдингиз.

— Суҳбатлашмаган бўлсам-да яхши биламан. Сиз донғи чиққан Ботир исмли миршабсиз. Мен анча илгари қишлоққа мингбошиникига бир беморни даволашга борганимда боғорга кирдим. Бу ерда кайфи ошган иккита безори мени урмоқчи бўлганда бир савдогар уларни роса савалади. Сўнгра унинг ўзи қаёққадир гоийб бўлди. Ҳатто унга миннатдорчилик билдиришга ҳам улгура олмадим. Шу пайт мингбоши келиб нохуш воқеа рўй берибди, деб узр сўради. Унинг айтишича, безориларни урган савдогар сиз экансиз. Махсус топириқ билан хавфли жиноятчини тутиш мақсадида савдогар қиёфасида юрган экансиз.

Иккинчи воқеани эслатаман: бир беморни даволаш ниятида Самарқандга кетаётгандим. Йўлда икки дар-

вешининг мени зимдан кузатаётганлигини пайқадим, бир вақт отим юрولмай қолди. Шунда ўша дарвешнинг бири қаёққадир кетди. Маълум вақтдан кейин атрофдаги қишлоқ оқсоқоли унинг кузатувида от, сув ва озиқ-овқат келтирди. Маълум бўлишича, бу дарвеш ҳам сиз экансиз.

— Тўғри, хоннинг кўрсатмасига мувофиқ мен ва шеригим сизнинг хавфсизлигингизни муҳофаза қилишга сафарбар қилинган эдик, — деди миршаб тан олиб.

— Сизни икки ҳолатда, яъни савдогар ва дарвеш қиёфасида учратдим. Тагин элчининг ёрдамчиси сифатида чет мамлакатга борганингизни ҳам эшитганман.

— Бизнинг касбимиз шундаки, — дебди Ботир, — зарурат туғилса савдогар, деҳқон, мардикор, ҳаммол ва

бошқа кишилар қиёфасида иш юритамиз. Бироқ бизлар ўз хизматларимизни ниҳоятда сир тутамиз.

— Ботиржон, баданингиздаги доғлар ниманинг асорати?

— Кечаси шерикларим билан кўчада бурчимизни адо этаётганимизда бир хонадонда олов алангаси кўзга ташланди. Мен дарҳол ёнаётган эшикни ёриб хонага кириб, икки болани кутқарганман, шунда куйган.

— Баракалла, ўз номингизга муносиб одам экансиз. Сиз каби исми-жисмига мос одамлар кўп эмас. Саройда амалдорлар билан суҳбатда бўлганимда, миршаблар ҳақида сўз очилиб, вазир: «Миршаблар давлатимизнинг кўз-қулоғи ва халқ осойишталигининг посбонларидир. Уларнинг орасида софдил, иродали ва сезгир кишилар кўп. Масалан, Ботир исмли миршаб ана шулар жумласидандир. Бу миршаб ниҳоятда жасоратли ва мард бўлиб, ўз касбининг устаси. Жиноятчиларни осонгина қўлга туширади. У бор жойда жиноятчилар ўз-ўзидан гоийб бўлишади. Шунинг учун халойиқ миршаб Ботир хизматдалигида кўчада бемалол юришади.

Эшикка тамба қўймасдан бежавотир ётавердилар. Миршаблар жиноятчилар билан олишувда ўз ҳаётини қурбон қилишгача борадилар. Масалан, кейинги тўрт йилда ўн нафар миршаб ҳалок бўлди. Баъзилар жиноятчиларга дуч келиб қолсалар борми, ўлдирмасанлар бўлди, деб тиз чўкадилар. Бир амалдор жиноятчиларга дуч келганда ўз хотинини ташлаб қочган экан деган эди». Миршаблар одамларнинг жонини, номусини ва мол-мулкни кўз қорачигидек муҳофаза қиладилар. Улар жамиятни турли илатлардан тозалаш турадилар. Шу боисдан мен, миршабларни жамият табиблари деб ҳисоблайман. Кўрдингизми, азизим Ботиржон, иккимиз ҳамкасб эканмиз.

Ботиржон баён этилган сўзларни эшитиб, ўн йиллар давомида миршабликдан чеккан азоб-уқубатларининг зое кетмаганлигини янада чуқурроқ англади. Айниқса, Абу Али ибн Синодек буюк кишининг баҳоси Ботир миршабни тўлқинлатириб, кучига куч қўшибди.

**Шоира ДОНЯРОВА**  
тайёрлади.



# ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА

**Киши ҳаётда қоқилмаслиги, панд емаслиги учун ўз ҳақ- ҳуқуқлари ва бурчларини яхши билиши лозим. Қонун устуворлиги биз қурётган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан биридир. Эндиликда қонун асосида яшаш турмуш тарзимизга айланиши керак. "Ҳуқуқий маслаҳатхона" мизнинг асосий мақсади ҳам шу. Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуқий масалалар бўйича бизга мурожаат қилишингиз мумкин. Саволларингизга малакали мутахассислар: ҳуқуқшунос олимлар, катта тажрибага эга амалиётчилар жавоб беришади.**

**?** Яқинда ички ишлар идораси ходими мени тўхтатиб, ҳужжатимни суриштирди. Паспортимни кўрсатдим. Айтинг-чи, бордию ёнимда ҳужжатим бўлмаганда у қандай чоралар кўришга ҳақли бўларди? Ёки мен доимо шахсимни тасдиқловчи ҳужжат олиб юришга мажбурманми?



Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат вазибаларини бажараётган пайтларида фуқароларнинг ҳужжатларини текширишга ҳақлидирлар. Агарда фуқаронинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган Низомга ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик ко-

дексининг 223-моддасига асосан шахсини аниқлаш учун фуқарони 3 соатгача ушлаб туришлари мумкин. Шу вақт ичида ички ишлар идораси ходими ушланган фуқаронинг уй-жойи ёки ишхонасига кўнғирок қилиши, манзил бюроси орқали текшириб, унинг шахсини аниқлаши лозим. Юқорида келтириб ўтилган Низомга асосан, хорижий давлатлардан келган фуқароларнинг ёнларида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлиши шарт.

**Саволларга ҳуқуқшунослик фанлари номзоди  
Ғайбулла АЛИМОВ жавоб берди.**

## ОСОЙИШТАЛИККА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ҳар гал ўпан йил якунига назар ташлаганимизда яхши кунлар эсга тушади. Юртда байрамлар, тўю-тантаналарнинг кўпайиши эса тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлигидандир. Шунинг учун ҳам жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилинаётипти. Улар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ўтказилаётган ислохотлар фикримизнинг далилидир. Бундан кўзланган мақсад биринчи галда ички ишлар ходимларини фуқаролар билан янада яқинроқ бўлиши, ҳамкор-

ликда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш, тинчлик ва осойишталикни сақлашда баҳамжиҳат ҳаракат қилишларига эришишдир. Милиция таянч пунктларининг ташкил этилиши эса ана шу мақсадда қўйилган катта қадам бўлди.

Милиция таянч пунктлари ички ишлар ходимлари билан кенг жамоатчилик бирдамликда фаолият кўрсатишлари учун асос бўлиб хизмат қиляпти. Ички ишлар идораларида ўтказилаётган "Тозалаш", "Арсенал", "Тун", "Паспорт" ва бошқа талбирлар ана шу маскандан бошланади. Республика Ички ишлар вазирлигининг буйруғига биноан жойларда сиёсий, ижтимоий ва криминоген вазиятни барқарорлашти-



**?** Профилактика инспектори вақти-вақти билан хонадонларимизни айланиб, паспорт режимини текшириб туради. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари куннинг қайси маҳали фуқаролар хонадонларига киришга ҳақли?



Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 47-моддасига кўра агар суриштирувчи, терговчи ёки прокурор кўшнингизни жиноят содир этишда гумон қилишса, дарҳол шу иш бўйича тегишли қарор чиқариши лозим. Бу қарорни кўшнингизга имзо қўйдириш орқали эълон қилади ва гумон қилинувчининг ҳуқуқларини тушунтиради. Қонунга кўра гумонланувчи:

- ўзини нимада гумон қилинаётганлигини билиш;
- ушлангандан кейин 24 соат ичида сўроқ қилинишини талаб қилиш;
- ўзига қўйилаётган гумон хусусида ва бошқа ҳолатлар бўйича кўргазма бериш;
- ўз она тилидан ва таржимон ёрдамидан фойдаланиш;
- ҳимоячи олиш ва у билан холи учрашиш;
- ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиш;
- илтимоснома бериш ва рад қилиш;
- далиллар тақдим этиш;
- суриштирувчи ва терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш;
- суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар бериш;
- шунингдек, ушланганлиги ҳақида қариндошларига хабар берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ундан ташқари, ҳозирги пайтда барча ички ишлар идораларининг кириш жойида "Ўз ҳуқуқларин-

**?** Кўшнимизни бир жиноятда гумон қилиб, ички ишлар идорасига олиб кетишди. Бундай вазиятда гумонланувчи қандай ҳақ-ҳуқуқларга эгалиги ва уни ушлаб турган ички ишлар идораси ходимининг қандай мажбуриятлари борлиги ҳақида маълумот берсангиз.



гиз тўғрисида нималарни билишингиз лозим, агарда сиз..." деб номланган эслатмалар мавжуд. Шу эслатмаларни ўқиб, фуқаролар ўз ҳуқуқларини билиб олишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг "Касб одобномаси"да ички ишлар идоралари ходими фуқаролар билан мулоқотда ҳушмуомала бўлиши, уларнинг иш билан боғлиқ чигал саволларига ва бошқа ҳолатлар бўйича мурожаатларига тўғри, аниқ жавоб бериши, арз-шикоятларини имкони борида қонуний ҳал қилиши, ушланган, қамоққа олинган шахсларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини, шахсиятини поймол қилмаслиги зарур, уларнинг илтимосларига кўра ушланганликлари ҳақида иш жойларига, яқинларига қонунда кўрсатилган тартибда хабар бериши лозим дейилган.

## ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИДАН

риш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, диний экстремизм, террорчилик ҳамда қўпуровчиликларнинг олдини олиш, унга қарши курашда профилактика инспекторларининг давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада яхшилаш мақсадида республика ИИБ марказий аппарати ходимлари ўзлари яшаб турган манзиллари бўйича милиция таянч пунктларига бириктирилган эди. Улар асосан, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг пойтахтга чегарадош бўлган Тошкент, Зангиота, Қўрай, Янгийўл ва Ўртағаччилик туманларидаги маҳаллаларда профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари, "Маҳалла побони" жамоат тузилмалари, диний маърифат ва ахлоқий-маънавий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, мактаб ўқитувчилари билан биргаликда зарур профилактик талбирларни амалга оширмақдалар. Биринчи галда жойларда аҳоли кайфияти ва ҳудуддаги вазиятни билишда уларга яқиндан ёрдам беришяпти. Маҳаллалардаги ижтимоий масалаларни ҳал этиш, диний-экстремистик оқимларга мойил шахсларни аниқлаш, ички ишлар идоралари профилактик рўйхатида турувчи фуқаролар билан профилактик ишларни олиб бориш, аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларни огоҳликка чақиритиш мақсадида учрашувлар ташкил этишяпти. Бундан ташқари, маҳал-

лаларда бошқа минтақалардан келиб, турли ишлар билан шуғулланиб юрган одамларни аниқлаш ва рўйхатларини тузиш, уларни яшаш манзилларига қайтариб юбориш ҳамда кўп қаватли уйлар, кўчалар, корхона, ташкилотлар, ўқув юргларида кенг жамоатчилик вакиллари билан навбатчилик ташкил этишда маҳалла фаоллари ва уй-жой ширкатларига кўмаклашмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари ва ички ишлар ходимларининг биргаликда папуллик қилишлари давом этмоқда. Сабъ-ҳаракатлар туфайли якунланган йилда республикамизнинг 2143 та жумладан, Фарғона вилоятининг 290 та Тошкент вилоятининг 233 та маҳалласида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги "Чўпонота", Ҳамза туманидаги А. Назаров номи, Жиззах шаҳридаги "Раваллак", Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчасидаги Қўлдош Файзиев номи маҳаллаларни ана шундай масканлар қаторига қўшиш мумкин. Эътиборга лойиқ томони, бевосита профилактика инспекторлари томонидан ўпан йили 19270 та жиноят фош этилган. Жиноятларнинг очилишига профилактика инспекторларига маҳалла побонлари, қишлоқ, маҳалла фаоллари яқиндан ёрдам беришганини айтиб ўтиш

жоиз. Улар гарчи жиноят содир этган шахсни ушлаб берган бўлишмаса-да, маслаҳатларини аяшмаган, суриштирув, қидирувда кўмаклашишган. Маҳаллада жиноят содир этилмаганига биринчи галда ички ишлар ходими билан фаолларнинг ўзаро баҳамжиҳатлиги, ҳар қандай жиноят, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳамкорликда ҳаракат қилгани профилактик ишлар яхши олиб борилаётгани самарасидир. Яна бир томони бу маҳаллаларга хизмат кўрсатаётган милиция таянч пункти иши яхши ташкил этилганини таъкидлаш зарур.

Ички ишлар идораларининг асосий таянчи ҳисобланган ана шу масканлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида республика Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг кўшма қарорига кўра ҳар йили милиция таянч пунктлари ўртасида танлов-кўргазмалар ўтказиш анъанага айланган. Айни кунларда жойларда навбатдаги талбирга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Шу билан бирга 27 январь кунини ўпан йили танловнинг республика якуний босқичи пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида ўтказилиши режалаштирилган.

**Абдуҷаббор АБДУНАБИЕВ,**  
республика ИИБ ҲООББ  
бўлим бошлиғи, подполковник.



# ПРОФЕССИОНАЛ ХОДИМЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Қонунларга сўзсиз риоя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш ички ишлар идоралари, шу жумладан тергов бўғини ходимларининг асосий вазифасидир. Айниқса, жиноят ҳолатлари бўйича тергов ҳаракатлари ўтказиш, шахсларни гумонланувчи, айбланувчи сифатида жалб этиш, бошқа тергов ҳаракатлари ўтказиш жараёнида бу жуда муҳим аҳамият касб этади. Жиноят процессининг барча қатнашчилари шахсини, жиноят содир этилиши шарт-шароитларини, унга дахлдор ҳолатларни ҳолис, ҳар томонлама ўрганмасдан туриб терговчи иш олиб бора олмайди. У, шунингдек, амалдаги қонунларни, меъёрий ҳужжатларни, йўриқномаларни ва бошқа хизматда фойдаланиладиган ҳужжатларни чуқур билиши лозим. Профессионализм, касб маҳорати ҳақида гап кетадиган бўлса, аввало, кадрларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш биринчи даражали аҳамиятга эга.

Республика ИИВ Академиясини тугатиб, хизматни бошлаган ёш мутахассисларга алоҳида эътибор берилляпти. Уларнинг барчаси пойтахт ИИББ Тергов бошқармасида бир ойлик амалиёт ўташади. Шу давр ичида қонунларни, Вазирликнинг ҳамда Бош бошқарманинг меъё-

рий ҳужжатлари, буйруқлари, йўриқномалари ва хизматда фойдаланиладиган фармойишларини ўрганишади. Бу ўқув жараёнидан мақсад ёш терговчиларнинг амалий кўникмаларини мустақамлаш, назарий билимларини амалиётда қўллашлари бўйича йўл-йўриқлар бериш. Амалиётни ўтаб, тегишли синовлардан ўтганлар туман ички ишлар идораларининг тергов бўлимларига юбориладилар.

Мураббийлик ҳаракати, яъни ёшларни тажрибали терговчиларга бириктириб қўйиш ҳам алақачон анъанага айланиб улгурган. Чунки бу ўзини оқлаб, ижобий натижаларини бераёпти. Ёш мутахассислар учун воқеа жойини кўздан кечириш тактикаси ҳақида суратга олинган фильм тайёрланди. У келгусида кўргазмани қўлланма сифатида намоёиш этилади.

Бундан ташқари, тергов бўғинининг барча ходимлари Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси базасида ўзига хос малака ошириш курсида таҳсил олишади. Бу ерда жиноятларни тергов қилиш тактикаси ва методикаси ўрганилади. Жумладан, хорижий фуқаролар иштирок этадиган, жабрдийда бўладиган ҳолатлар ҳам кўриб чиқилади. Бундан ташқари вояга етмаганлар қатнашган ҳолатлар, йўл-транспорт ҳодисалари, коррупция йўналиши, шунингдек, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айлиниши билан боғ-

лиқ ҳоллар ўрганилади.

Бизда вақти-вақти билан семинарлар, давра суҳбатлари, конференциялар ҳам ўтказиб турилади. Уларда тергов ходимлари учун долзарб масалалар муҳокама қилинади. Бундай тадбирларга республика ИИВ ТББ, Олий суди, Бош прокуратурасининг етакчи мутахассислари, ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилар таркиби вакиллари таклиф этилади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, бу билан боғлиқ халқаро ҳужжатлар, республика қонунчилигидаги ўзгаришлар, жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий меъёрларни қонунчилигимизга, имплементация қилишга дахлдор масалалар мазкур семинарларнинг доимий мавзуларидан биридир. Яқинда бўлиб ўтган семинарлардан бирида аёлларни жинсий эксплуатация қилиш учун ёллаб, хорижга олиб чиқиш бўйича жиноят ишларини кўзгайтириш, ва тергов қилиш билан боғлиқ масалалар ва муаммолар кўриб чиқилди. Тергов бошқармаси томонидан республика ИИВ Академияси билан ҳамкорликда ушбу масала бўйича ўзбек ва рус тилларида методик қўлланма тайёрланди.

Кадрлар сиёсатини тўғри олиб бориш кўзга кўринарли натижаларга эришиш имконини беради. Суд томонидан қайта терговга юборилган жиноят ишлари сони терговчи-

ларнинг иш самарасини белгилайдиган кўрсаткичлардан биридир. Сўнгги йилда бундай фактлар икки барабарга қисқарди.

Жиноят ишининг суддан қайтиши сабаблари нимада? Булар жиноятларни нотўғри квалификация қилиш, терговнинг тўлиқ бўлмаганлиги, суд жараёнида янги очилган ҳолатлар, гувоҳларнинг дастлабки тергов чоғида берган ўз кўргазмаларини ўзгартириши кабилардан иборат. Илгарий айбланувчининг ҳуқуқлари таъминланмаганлиги сабабли иш қайтарилган ҳолатлар ҳам бўлган. Яъни, айбланувчи ҳимоячи ва таржимон билан таъминланмаган. Ўтган йили эса бирорта ҳам бундай фактга йўл қўйилмади. Демак, бу тергов хизмати ходимларининг касб маҳорати ошганлигидан дарак беради.

Ҳозирги тезкор, ўзгарувчан замонда касб маҳоратини мунтазам ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Жиноий жазолар либераллаштирилди, ярашув институти жорий этилди, гаров эҳтиёт чораси сифатида кенгроқ қўлланила бошланди, шахс ушланиши заҳоти ҳимоячи билан таъминланадиган бўлди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундай: терговчи бугун қисқа фурсатда ягона тўғри қарор қабул қилиши керак. Бунга эса касб маҳоратисиз эришиб бўлмайди.

Шунга қарамай, эришилган натижалар билан қаноатланиб қолиш керак эмас. Зеро, иж-

тимой тараққиётнинг бугунги даражасида, умуман, ички ишлар ходимларига, хусусан, терговчиларга қўйиладиган талаблар беқийс даражада ошди. Ўлим жазосини бекор қилиш ва қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши борасидаги Фармонлардан сўнг мазкур масалаларнинг долзарблиги янада кучайди.

• Пойтахт ИИББ Тергов бошқармасида ушбу Фармонларни ижро этиш мақсадида бирмунча ишлар амалга оширилди. Юнусобод тумани ИИБ ТБда таянч тергов идораси ташкил этилди: йигирма кишига мўлжалланган бино ажратилди, синф хонаси зарур компьютер техникаси, кўргазмани воситалар билан таъминланди. Бу ерда раҳбарлар таркиби резервида турган тергов ходимлари таҳсил олишади. Бевосита ИИББнинг ўзида илмий кенгаш тузилган. Унга энг тажрибали, илмий даражага эга ходимлар аъзо. ИИББ ТБ бошлигининг биринчи ўринбосари, юридик фанлари доктори, полковник З. Фуломов, майор А. Фахриддинов, капитан Л. Алимов кабилар шулар жумласидандир. Кенгаш аъзолари барча терговчиларнинг фикрини ўрганишди. Ўтказилган таҳлиллар асосида шахсни қамокқа олиш ҳақида суд томонидан санкция бериш тамойиллари ва тартиби бўйича таклифлар тайёрланди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги Қарорини ижро этиш юзасидан тегишли ишлар амалга ошириляпти.

**В. УСМОНОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ  
бошлигининг ўринбосари,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист,  
полковник.

Бугунги кунда профилактика инспектори ички ишлар идоралари вакили сифатида фаолият кўрсатса, маҳалла оқсоқоли бошчилигидаги фаоллар унга яқиндан ёрдам беришляпти. Ҳамкорликдаги ишдан кўзланган мақсад эса одамларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш. Халқимиз “Аҳилликда гап кўп” деб бежиз айтмаган.

Профилактика инспекторига нафақат бебош безорини тартибга чақиришни сўраб мурожаат этишади. Баъзан фуқаролар уйларидаги тойдан чакка ўтса ҳам унга шикоят қилишади. Чунки аҳоли профилактика инспектори бу масалада маҳалла кўмитаси, уй-жой мулкдорлари ширкати билан боғланиб, ёрдам беради деб ишонади. Қолаверса, у жамоатчиликка, маҳалла оқсоқолига, яраштирув комиссиясига сулиши ҳам осон кечади. Айнан фуқаролар ўртасида орттирган обрў-эътибори туфайли профилактика хизмати ходимлари ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаб, бартараф этиш борасида кўзлаган натижаларига эришадилар.

— Шунинг учун ҳар бир маҳаллада милиция таянч пункти ташкил этишга алоҳида эътибор берилляпти, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ҲООб бошлиғи, подполковник А. Қаюмов. — Биргина ўтган йилнинг ўзида пойтахтимизда яна ўн бешта ана шундай маскан ишга туширилди. Тажриба таянч пункти билан ва маҳалла кўмиталари ёнма-ён жойлашса, иш самарали бўлишини кўрсатди. Ўсмирлар бўш вақтини мазмунли ўтказишлари мақсадида ҳар бир маҳал-

ладаги таянч пункти яқинида спорт майдончаси барпо этишга ҳаракат қилаёلمиз. Кўпгина маҳаллаларда тўгараклар, кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатяпти. Бу ерда ёшлар турли касб-ҳунарларни эгаллашмоқда.

Профилактика хизмати ходимларининг касб маҳоратини ошириш йўлида қатор ишларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, ўтган йили 700 нафардан зиёд инспекторларимиз ИИББ ўқув маркази

инспекторлари ўртасида ўтказилаётган танловлар ҳам муҳим роль ўйнаяпти. Яқинда “Энг яхши таянч пункти” танловининг шаҳар бошқичи якунланди. Унда А. Назаров (Ҳамза тумани), “Бободехқон” (Юнусобод тумани) ва “Ўзбекистон” (Миробод тумани) номли маҳаллалардаги милиция таянч пунктлари ғолиб чиқишди.

Бугунги кунда республика Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги Қарорини ижро этиш бўйича зарур чораларни кўриш профилактика хизмати инспекторлари олдида долзарб вазифа бўлиб турибди. Бу борада амалга ошириляётган ишлар

олишларига зарур ёрдам беришади. Ҳозиргача озодликка чиққан фуқароларимиздан ҳеч бири турар-жой масаласида муаммога дуч келишгани йўқ. Уларнинг қариндошлари билан боғлиқ муаммолар келиб чиқмагани ҳам кишини қувонтиради. Сир эмаски, баъзилар қамалиб чиққан яқинларини унчалик ёқтиришмайди. Балки, оқсоқоллар ўз вақтида бу масалалар билан шуғулланганлиги ўз натижасини бергандир. Масалан, «Пахта» маҳалласи инспектори, капитан Х. Умаров ва маҳалла раиси С. Тўлаганов, профилактика катта инспектори, майор О. Мирзабоев ўзининг жамоатчи ёрдамчилари билан, шунингдек, профилактика инспекторлари, катта лейтенантлар Х. Байманов ва Ф. Ражабов ўзларига беришган маҳаллаларнинг оқсоқоллари билан бирга озодликка чиқадиганларнинг хонадонларига боришди. Улар уйларидаги

## ЎЛНИ ЎЛГА БЕРИБ

малака ошириш курсларида таҳсил олишди. Бу ерда амалий машгулотларни тергов, жиноят қидирув хизматларининг етакчи ходимлари ўтказишади. Бундан ташқари, ўттиз нафар инспекторимиз республика ИИВ Академияси базасидаги махсус курсларда ўз билимларини бойитишди.

Шу ўринда ўтган йили пойтахтимиз миқёсида жиноятчилик камайганлигини таъкидлаш керак. Бунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимларининг ҳам ҳиссаси бор. Хизматни рағбатлантиришда профилактика

ҳақида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани ИИБ ҲООб инспектори, катта лейтенант Р. Нигматов қуйидагиларни гапириб берди:

— Туманимизга қирққа яқин киши амнистия бўйича жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқиб келиши кутиляпти. Ҳозиргача улардан 20 нафардан зиёди келишди. Уларнинг ҳар бири билан жойлардаги профилактика инспекторлари, маҳалла кўмитаси аъзолари суҳбатлашади, зарур ҳужжатлар олишлари, ишга жойлаштирилиши, даволаниш учун тиббиёт муассасаларига йўлланма

шарт-шароитларни ўрганишди, қариндошлар кимга нима масалада кўмак бера олишини суриштириб билишди, кўниқўшнилари билан суҳбатлашди. Мулоқот чоғида собиқ маҳкумларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, бундан кейинги тақдири кўп жиҳатдан қавм-қариндошлари, яқинларининг муносабатига ҳам боғлиқлигини таъкидлашди. Зеро, кишига тўғри йўлни топиб олишида кўмаклашиш энг муҳим вазифадир.

**Саҳифа материалларини  
Ирина САЙФУТДИНОВА  
тайёрлади.**



**Матбуот - ҳаётимиз кўзгуси. Жамиятдаги ҳар бир ўзгариш биринчи навбатда оммавий ахборот воситаларида ўз аксини топади. Мамлакатимиз ҳар соҳада тараққиётга юз тутаётган айни жараёнда журналистларнинг ўрни каттадир. Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳаммад билан суҳбатимиз айни шу — миллий матбуотимизнинг ижтимоий ҳаётимизда кечаётган улкан ўзгаришлар жабҳасидаги иштироки хусусидаги мулоҳазалардан бошланди.**

— Суҳбатимизнинг аввалидаёқ бир гапни айтишни жуда истар эдим: Ватанимиз мустақиллиги йилларида нимагаки эришган бўлсак, қандай ислохотлар ўзининг самарасини берган бўлса, уларнинг барчасида республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида

**содир бўлаётган жиноятлар ҳақида ошқора гапирини, бу тўғрида одамларга ҳаққоний ва холис ахборот етказишда биз ҳамон заиф бўлиб қолмоқдамиз». Бу ҳақдаги сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Суҳбатимизнинг бошланишидаги фикримнинг иккинчи қисмини айтиш мавриди

этиш-ку, ишга ёндашишнинг мутлақо бошқача услубларини талаб қилади. Бунинг яккаюгона чораси бор, бу ҳам бўлса — ҳар жиҳатдан профессионал маҳоратга кўтарилиш!

Профессионал маҳорат нима? Билиб ёзиш, тушуниб ёзиш, тушунтириб ёзиш, холис ёзиш, реал ҳаётда одамларга фойда-



# ЖУРНАЛИСТ — ПОСТДА ТУРГАН СОҚЧИДЕК БЕДОР

таъкидлаш жоиз. Бу, касбимизга ёки касбдошларимизнинг меҳнатига ошириб баҳо бериш эмас, тўғриси айтсак, қайси соҳада кечаётган жараёнлар матбуотда акс этмаган? Матбуот ва журналист назаридан четда қолган бирорта тармоқ борми? Йўқ!

Давлатимиз раҳбарининг деярли барча чиқишларида, турли муносабатлар билан берадиган суҳбатларида, албатта, матбуотга, оммавий ахборот соҳасига, журналист меҳнатига доир мулоҳаза айтганлар десам, бу ҳам муболага бўлмайди. Айтмоқчиманки, касбимизнинг табиати ўзига хос, бунинг устига эндиликда ҳеч бир демократлашаётган жамият ҳаётини ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахборот дунёсида юз бераётган инқилобий ўзгаришлар соҳамиз эгалари зиммасидаги бурч ва вазифани ҳар қачонгидан ошириб юбормоқда.

— Хуршид Набиевич! Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида матбуотчиларимизга қарата айтган куйидаги сўзларини эслайлик: «... Лекин таассуф билан таъкидлаш лозимки, ана шу тараққиётга эришиш йўлидаги муаммолар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, жойларда йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар, учраётган тўсиқ ва говлар,

келди. Жамиятимизда эришилаётган барча ютуқларда журналистларнинг ҳиссаси бор дедик, шундай экан, бой берилаётган имкониятлар, камчиликлар, хатонуқсонларнинг кўплигида матбуотимизнинг, ҳамкасбларимизнинг «муносиб улуш»лари ҳам йўқ эмас. Бунинг ошқоратан олмаслик адолатдан бўлмайди. Чунки **матбуотнинг, журналистнинг муқаддас вазифаларидан бири жамият ҳаётининг барча соҳаларига кўзқулоқ бўлиш, яъни санитарлик вазифасини ўташ. Бу борада мен ички ишлар хизмати ходимлари билан журналистлар меҳнатини ўхшатиш келади: постда турган посбон хушёрликни йўқотишга ҳаққи бўлмаганидек, кўлига қалам тутган журналист бор экан, у ҳамиша бедор бўлиши лозим,** унинг учун ҳаловат, хотиржамлик бегона! Муҳтарам Юртбошимиз айтган танқидий мулоҳаза айни шу санитарлик, беҳаловатлик вазифамиз етарли даражада ўринлашиб бажарилмаётганига тааллуқли. Масалага чуқурроқ назар ташлашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Маърузадан келтирилган иқтибосдаги ҳар бир жумланинг алоҳида юки, залвори бор. Муаммо ҳақида ёзиш алоҳида йўналиш, қийинчилик ва етишмовчилик алоҳида хато ва нуқсонлар хусусида қалам тебратиш ўзгача ёндашишни тақозо этади. Тўсиқ ва говларни, жиноятларни фош

си тегадиган қилиб ёзиш! Юзаки қарагандагина оддийдек туюлган мана шу даражага етишишнинг нечоғли мураккаблигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

— Кечирасиз, Президентимизнинг, «барчамиз ҳаётимизда ҳанузгача учраб келаётган лоқайдлик ва бепарволик асоратларидан бутунлай халос бўлишимиз лозим» деган гаплари оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолиятига ҳам тааллуқли эмасми?

— Давлат раҳбарининг сўзи мамлакатнинг барча фуқаролари учун бирдек кучга эга бўлмоғи керак. Бинобарин, ҳозир сиз эслатган танбех, табиий, журналист-ҳамюртларимизни четлаб ўтмайди албатта. Умуман, ҳар қандай жамиятнинг, умумхалқ миқёсларида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатнинг энг ёвуз душмани — лоқайдлик, бепарволик! Минг афсуски, бу каби иллатлар бизга ҳам бегона эмас.

Фуқаролик жамиятининг асосий шартини — фуқароларнинг каттадан кичигигача барчасининг эътиборини жамият ишларига қаратиш. Ҳеч бир фуқаро — касби, лавозими, жинси ва ҳоказоларидан қатъи назар, ўзини жамият тақдири учун жавобгар деб ва албатта халқ, Ватан, жамият тақдири учун ўзини дахлдор ҳис этмоғи даркор. Бунга эса эришиш осон эмас. Бунинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги билмайди. Бунинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги билмайди. Бунинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги билмайди. Бунинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги билмайди.

Мухим омилардан бири эса — матбуот!

Оммавий ахборот воситаларининг энг улуг вазифаларидан бири ҳам фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, маърифий фаолигини оширишдан иборат. Бундай фаоллик тарғиб этадиган журналистнинг ўзи лоқайд, бепарво бўлса... қалам тебратишни йиғиштириб қўя қолгани минг чандон афзал эмасми?! Дунёда мўмай даромад келтирадиган, тезроқ ва осонроқ шон-шухрат орттирадиган бошқа касб-ҳунарлар охири-тохири ётибди, марҳамат, ўшалардан бирортасининг бошини тут, кам бўлмайсан! Нима қиласан, «журналист» деган номга доғ тушириб?!

— Журналистнинг жасоратли бўлиши ҳам шунга боғлиқ эмасми?

— Тўғри айтасиз, жудаям боғлиқ. Лоқайд, танбал одамда журъат нима қилсин?! Сира тиниб-тинчимайдиган, ҳаловат нима эканини билмайдиган одам бошқаларнинг назарида жасоратдек туюладиган қаҳрамонликларни ҳам оддий, кундалик ишидек қилиб кетаверади. Чунки унинг мақсади жасорат кўрсатиш эмас, одамларнинг оғирини енгил қилиш, ҳақни ноҳақдан, покни нопокдан асраш-авайлаш бўлади.

— Бугунги кунда муштариининг савияси ҳақида нима дейсиз?

Ҳар қандай ҳолатда ҳам жамиятни юксак савиядаги, зиёли, маърифатли катлам сақлаб ту-

ради. Демак, маънавий салоҳият маънавий таназул билан ҳамиша курашиб келади. Ва салоҳият зинҳор ют-қазмайди!

Бизда ҳам муқаррар шундай бўлади, яъни юқори савия ўз ўрнини бой бермайди. Бунда матбуот ўз вазифасини ўтайди.

— Ҳозирда бирмунча аянчли ҳолатга тушиб қолган туман газеталари ҳам мана шундай улуг мақсадлар йўлида кураша олади деб ўйлайсизми? Сонда бору, санокда бўлмаган бир қатор туман газеталарини нашр этишдан воз кечиш қўя қолиш маъқул эмасми?

— Олис вилоятларга, чекка туманларга борганда шундай гаплар қулоққа чалиниб қолади. Келинг, ўйлаб кўрайлик — йўқдан бор қилиш осонми ёки бордан йўқ қилишми? Албатта, иккинчиси осон. Ана энди шу осон йўлга бошлаётган, қийинчиликлардан доврираб, чорасизликдан чора тополмай тайёр газетадан воз кечишга даъват этаётганлар (бундайларнинг орасида газета бош муҳаррирларининг учраши ҳайратга солади, кишини!) олдида битта мардонавор ечим бор — у ҳам бўлса, эгаллаб турган лавозимни эпчилроқ, уddaбуронроқ, замонавий пастбаландни тушунадиганроқ кишига бўшатиб бериш!

Доно нақлни унутмайлик: замон сенга боқмаса, сен замонга боқ!..

Назаримда, ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

— Республикаимиз матбуотида суд-ҳуқуқ идоралари фаолиятини ёритаётган журналистлар хусусидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Суд-ҳуқуқ соҳасида ёзиш журналистикамининг энг оғир, серташвиш, серғалва йўналишларидан бири. Очигини айтсам, мен шу йўналишнинг бошини тутган ҳамкасбларимга ҳавас қиламан. Уларнинг иродасига, бардошига, ҳамиша талашини-тортишинлар гирдобиди меҳнатимиз машаққатини зиммаларидан соқит қилмай юришларига қойил қоламан. Ва аксарият ҳолларда уларга таъна маломатлар ёғдирилишини сира тушунолмайман. Яна бир мулоҳазам шуки, суд-ҳуқуқ соҳасига доир чуқур таҳлилий-умумлашма мақолалар, журналист текширувлари оз.

— "Постда" газетаси ўқувчиларига тилақларингиз?

— Янги йилда барча ички ишлар ходимларига, шу жумладан "Постда" газетаси таҳририяти жамоасига, барча муштариоларга сиҳат-саломатлик, оилаларига тинч-омонлик, ишларида муваффақиятлар тилайман. Ҳамиша уларга омад ёр бўлсин.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни Фурқат Холиқулов ёзиб олди.



## ДУШАНБА, 9

### «Ўзбекистон» телеканаллари

6.25 Курсатувлар дастури.  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».  
8.55 «Олтин мерос».  
Кишки таътил кунларида:  
9.00 1.«Камалак» экрани.  
2.«Цирк, цирк, цирк».  
10.40 «Ер эгаси эртага ким бўлади?»  
11.00 «Ахборот».  
11.15 «Омон бўлинг!»  
11.20 «Олтин мерос».  
11.30 «Одамлардан бири».  
11.50 «Насриддин Бухорода».  
Бадий фильм.  
13.15 «Чақирилмаган мехмон».  
Хажвий кўрсатув.  
13.45 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Ўзбегим ўғлонлари».  
15.35 «Лафз». Бадий фильм.  
1-2-қисмлар.  
«Болалар сайёраси»:  
16.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 «Равнак» студияси намойиш этади.  
17.30 «Олтин мерос».  
17.40 «Биржа ва банк хабарлари».  
17.50 «Минг бир ривоят».  
17.55 «Этиқод мустақамлиги йўлида».  
18.20 «Ошин». Телесериал.  
18.55 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.  
19.15 «Оқшом наволари» (SMS. Овоз бериш)  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.05 «Омон бўлинг!»  
20.10 «Хонадон». Телесериал премьераси.  
20.50 Ватан ҳақида кўшиқ.  
21.00 «Ахборот».  
21.35 ТВ-анонс.

21.40 «Олтин мерос».  
21.50 «Сарой жаҳоҳири». Теле-сериал премьераси.  
23.00 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
23.10 Илмий-оммабоп фильмлар туркумидан. «Живоланмаган Африка». Сериал.  
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканаллари

11.55 Дастурнинг очилиши.  
12.00 «Давр» ҳафта ичида.  
12.35 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун сериал. 6, 7 - қисмлар.  
13.25 Кино SMS танлови.  
13.30 Болалар экранлари: Катта танаффус.  
13.55 Cinema Bollivud.  
14.10 Кино SMS танлови.  
14.15 Интерфутбол.  
16.00 Давр.  
16.15 Кино SMS танлови.  
16.20 «Даллас». Телесериал.  
17.10 Камалакнинг етти жилоси.  
17.40 Бир дақиқа.  
18.00 ТВ - адвокат.  
18.05 Чемпион сирлари (рус тилида)  
18.25 Ёшлар овози.  
18.45 Оқшом кўнгиноклари.  
18.50 Посбонингман, Ватаним!  
19.00 Давр.  
19.40 Автопатруль.  
20.00 Мусикий лажзалар.  
20.20 Кино SMS танлови.  
20.25 Ракурс.  
20.40 UzEX хабарлари.  
21.00 «Шубҳа». Телесериал.  
21.50 Кино SMS танлови.  
22.00 Давр.  
22.35 UzEX хабарлари (рус тилида)

### «Тошкент» телеканаллари

18.20 Курсатувлар тартиби.  
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус).  
18.50 «Мульткарусель» (рус).  
19.10 «Экспресс» телегазетаси.  
19.25 «Телекуррьер маркет».  
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».  
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.  
20.20 ТТВда сериал: «Камила».  
21.50 «Экспресс» телегазетаси.  
21.05 «Телекуррьер маркет».  
21.10 «Пойтахт плюс».  
21.30 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».  
21.05 «Телекуррьер маркет».  
21.10 «Пойтахт плюс».  
21.30 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».  
21.50 Кинонигоҳ: «Онтарио сохилидаги воқеа».  
23.30-23.35 «Хайрли тун, шахрим».

### «Sport» телеканаллари

7.30 «Талқин». Информацио-на-таҳлилий кўрсатув.  
8.00 «Бодрое утро».  
8.50 «Версия». Информацио-на-аналитическая программа.  
9.20 «Умники и умники».  
9.20 Оғир атлетика. Осиё кубоги.  
10.20 «Непутевые заметки».  
10.40 «Пока все дома».  
11.30-12.00 «Веселые картинки».  
12.00 «Непутевые заметки».  
12.30 Живой мир  
13.40 «КВН-2005»  
16.00 Фильм «Дети шпионов»  
17.30 Лучшие «Ералаша» года

### 30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари  
16.55 Открытие программы  
17.00 «Мультфильм»  
18.00 «Кассандра», сериал  
18.45 «Киноконцерт»  
19.00 «Ошикона», мусикий дастури  
19.45, 21.40 «Телехамкор»  
20.00, 21.50 «Мусикий табасум», музыкальная передача  
21.00 «Хайрли оқшом, бола-жонлар!»  
21.15 «Мусикий лажзалар»  
22.20 Фильм «Далёкая страна»

### ОРТ

6.00 Новости  
6.10 Фильм «Золото Маккенны»  
8.20 Армейский магазин  
8.50 Дисней-клуб  
9.20 «Умники и умники»  
10.00 Новости  
10.20 «Непутевые заметки» с Дм. Крыловым  
10.40 Пока все дома  
11.30 «Веселые картинки»  
12.00 Новости (с субтитрами)  
12.10 Мультпроект  
12.30 Живой мир  
13.40 «КВН-2005»  
16.00 Фильм «Дети шпионов»  
17.30 Лучшие «Ералаша» года

### НТВ

5:35 Сериал «СЕКРЕТНЫЙ ФАРВАТЕР»  
8:00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»  
8:15 Комедия «КТО ПРИХОДИТ В ЗИМНИЙ ВЕЧЕР...»  
10:20 Мультфильм  
10:40 Комедия «ПОСЫЛКА С МАРСА»  
13:20, 16.20, 19.35 Фильм «ЕСЛИ НАСТУПИТ ЗАВТРА»  
20:35 Комедия «ХОЧУ В ТЮРЬМУ»  
22:35 Комедия «ТУПОЙ И ЕЩЕ ТУПЕЕ ТУПОГО»  
0:05 Фильм «ДЕКАМЕРОН»  
2:05 Фильм «КАЙФ»  
4:00 Сериал «ЧАЙ, КОФЕ, ПОТАНЦУЕМ...»  
4:30 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР  
5:00 Сериал «ХОЛМ ОДНОГО ДЕРЕВА»  
5:50 Сериал «ДЕТЕКТИВ РАШ»

### РТР

6:00 «Доброе утро, Россия!»  
7:20 «Сельский час».  
7:45 Лотерея «Бинго миллион».  
8:00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 ВЕСТИ.  
8:10, 11.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА  
8:20 «Диалоги о животных».  
8:55 Мультфильмы.  
9:15 Комедия «Старый знакомый».  
11:20 «Городок».  
11:55 «Сам себе режиссер».  
12:45 «Смехопанорама».  
13:15 «Русская народная группа «Бони М»».  
14:20 Большой праздничный концерт.  
16:15 «Комната смеха».  
17:15 Сериал «Любовь моя».  
17:40 «Обреченная статья звездой». Сериал.  
18:40 «Черная богиня». Сериал.  
19:35 «Городок».  
20:15 Сериал «Опера. Хроники убойного отдела».  
22:10 Триллер «Меркурий в опасности».  
0:25 Комедия «День сурка».  
2:30 Фильм «Вдали от городов»

### ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.  
9.00 - 10.45 Мультфильмы.  
11.00 Фильм «ВОЛШЕБНАЯ СКАЛА».  
13.30 Фильм «КАПИТАН».  
15.00 «Осторожно, модерн!».  
15.30 Мультфильмы.  
16.00 Фильм «МОЙ ГРИЗЛИ».  
18.00 Фильм «ПРАВИЛА ИГРЫ».  
20.00, 2.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА».  
21.00 Фильм «ПОКРОВСКИЕ ВОРОТА».  
22.20 Фильм «ГОЛОВА В ОБЛАКАХ».  
1.00, 5.00 Сериал «ЕЁ ЗВАЛИ НИКИТА».  
3.00 Фильм «УБЕЙ МЕНЯ НЕЖНО»

### ДТВ

9.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».  
10.00 - 11.35 Мультфильмы.  
12.20 Фильм «ЗОЛУШКА».  
14.30 «Голливудские истории. Девушки Бонда».  
15.25 Сериал «СПРУТ».  
16.25 «Карданный вал с А. Корстелевым».  
16.55 Фильм «ЖЕЛЕЗНАЯ ВОЛЯ».  
19.00 Самое смешное видео.  
19.30 Юмористическая программа «В засаде».  
20.00 Шоу рекордов Гиннесса.  
21.00, 22.30 Русские хиты. «ТРОЕ В ЛОДКЕ, НЕ СЧИТАЯ СОБАКИ». 1-я и 2-я серии  
0.00, 1.00 Сериал «С.С.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ».  
2.00 «Эротический видеокалендарь».  
3.05, 4.05 Документалистика «Домашние монстры». 1-я и 2-я серии.

### ТНТ

7.00 «СДЕЛАНО В АМЕРИКЕ». Комедия.  
9.00 «Хит-парад дикой природы». Док. сериал.  
10.00, 11.45 Мультфильмы.  
12.45 «Даша-следопыт».  
13.10 «Губка Боб Квадратные штаны».  
13.35 «Настоящие монстры».  
14.00 «Дикая семейка Торнберри».  
14.25 «НОВЫЙ ОДЕОН». Комедия.  
16.00, 21.00, 22.55 «Дом-2. Новая любовь!»  
17.00, 18.00, 19.30 «САША + МАША».  
19.00 Такси.  
20.00 «ЛАБИРИНТЫ РАЗУМА», заключительная серия  
22.20 Комеди Клуб.  
23.00 «Секс» с Анфисой Чеховой.

23.55 Наши песни.  
0.15 «НОВЫЙ ОДЕОН». Комедия.  
1.40 «СДЕЛАНО В АМЕРИКЕ». Комедия.

### СТС

8.00 Мультфильмы.  
8.40 «РОЖДЕСТВЕНСКИЙ ПЕРВОРОТ». Фильм.  
10.30-11.30 Мультфильмы.  
12.00 «ДЕСЯТОЕ КОРОЛЕВСТВО». Сериал.  
14.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
15.00 Кино «МАДЛЕН».  
17.00 «Снимите это немедленно».  
18.00 Истории в деталях.  
18.30 «33 квадратных метра».  
19.30 Кино «ПОЕЗДКА В АМЕРИКУ».  
21.50 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
23.00 Кино «ПОМЕНЯТЬСЯ МЕСТАМИ».  
1.45 «Хорошие шутки».  
3.40 Кино «УБЕЙ МЕНЯ СНОВА».  
5.15 Кино «ОГРАБЛЕНИЕ ЗАКАЗЫВАЛИ?»

### 7 ТВ

7.00, 15.30 Конный спорт.  
7.30, 1.30 Покер.  
8.30, 1.10 Назло рекордам.  
8.40 Зарядка для страны.  
9.00 Веселые старты.  
10.30 ЖимКласс.  
10.40, 21.10, 2.30, 5.10 Музыкальный трек.  
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00 7 новостей.  
11.30, 13.30, 14.30, 16.30, 17.30, 18.30, 19.30, 20.30, 23.30, 0.30 Диалоги о рыбалке.  
12.30, 21.30, 5.30 Автоспорт.  
12.10 Автоспорт России.  
23.10 Звезда автострады.  
0.10 «220 вольт».  
2.40 Интерактивный ТВ-чат.  
6.00 Бильярд.

## СЕШАНБА, 10

### «Ўзбекистон» телеканаллари

6.25 Курсатувлар дастури.  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.40 Олтин мерос.  
8.50 Илмий-оммабоп фильмлар туркумидан. «Живоланмаган Африка». Сериал.  
9.35 1. «Бувим ёлган нон». Видеофильм. 2. «Покахонтас». Мультсериал.  
10.50 «Этиқод мустақамлиги йўлида».  
11.15 «Омон бўлинг!»  
11.20 «Хонадон». Телесериал.  
11.50 Ватан мустақиллиги муқаддасдир. «Ҳарбий марш садолари».  
12.05 2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Яхшилик».  
12.25 «Минг бир ривоят».  
12.30 «Сарой жаҳоҳири». Теле-сериал.  
13.35 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
13.50 «Лафз». Бадий фильм.  
3-4-қисмлар.  
15.00 «Олтин мерос».  
15.10 «Лафз». Бадий фильм.  
5-6-қисмлар.  
16.20 «Яхшилар ёди».  
«Болалар сайёраси»:  
16.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 «Ёшлик оқшоми». 1-қисм.  
18.25 «Минг бир ривоят».  
18.30 «Хидоят сари».  
18.50 «Ошин». Телесериал.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.05 «Омон бўлинг!»  
20.10 «Хонадон». Телесериал премьераси.  
20.50 «Минг бир ривоят».  
21.00 «Ахборот».  
21.40 «Олтин мерос».  
22.00 «Минг бир ривоят».  
22.05 «Сарой жаҳоҳири». Теле-сериал премьераси.  
23.15 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)

23.25 «Ўзбекино» тақдим этади: «Орузлар ортида». Бадий фильм премьераси.  
0.30-0.35 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканаллари

6.25 Дастурнинг очилиши.  
6.30 «ЯНГИ ТОНГ». Ахборот дам олиш дастури.  
8.00 Давринг боласи.  
8.10 Расмлар сўзлаганда.  
8.15 Мумтоз наволар.  
8.25 Кино SMS танлови.  
8.30 «Эсмеральда». Теле-сериал.  
9.00 Ракурс.  
9.20 Кино SMS танлови.  
9.25 «Шубҳа». Телесериал.  
10.40 Кино SMS танлови.  
10.45 «Мафтунингман». Бадий фильм.  
12.15 «Ёшлар» телеканаллари фототанлови.  
12.20 Менинг лицейим.  
12.25 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун сериал 8-қисм.  
12.50 Конституцияим - кафо-латланган келажикимдир!  
13.00 «ЯНГИ КУН». Ахборот дам олиш дастури.  
14.00 Менинг лицейим.  
14.10 «Салом шодлик, салом гам». Бадий фильм 1-қисм.  
16.00 Давр.  
16.25 «Салом шодлик, салом гам». Бадий фильм 2-қисм.  
18.05 «Болалар экранлари» да спорт.  
18.20 Давринг боласи.  
18.30 Ёшлар овози.  
18.50 Посбонингман, Ватаним!  
19.00 Давр.  
19.40 Таълим - тарақиётимиз мезони.  
20.00 «JOKER» телелотереяси.  
20.10 Жаҳонгир Отажонов куйлайди.  
20.35 Ватан химоячилари кунига: Давр репортаж.  
20.45 Кино SMS танлови.

### «Тошкент» телеканаллари

18.20 Курсатувлар тартиби.  
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус).  
18.50 «Мультчархалак».  
19.10 «Экспресс» телегазетаси.  
19.25 «Телекуррьер маркет».  
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».  
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.  
20.20 «Бир кулишайлик». Хажвий Отажобоев.  
21.20 Экспресс» телегазетаси.  
21.35 «Телекуррьер маркет».  
21.40 «Нима учун?»  
23.10 Кинонигоҳ: «Туйлар мурборак».  
0.15-0.20 «Хайрли тун шахрим».

### «Sport» телеканаллари

7.30 «Хабарлар».  
7.50 «Бодрое утро».  
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)  
- 19.30 Хит-парад авантюры «Осторожно, аферя!»
- 20.00 Шоу рекордов Гиннеса.
- 21.00 Русские хиты. «СТАРЫЙ НОВЫЙ ГОД». 1-я и 2-я серии.
- 0.05, 1.05 Сериа «С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ».
- 2.00 Шоу рекордов Гиннеса.
- 3.00 Фильм «КОНТРОЛЬ».

### ТНТ

- 7.00, 7.20 Мультсериа.
- 8.00 «Сейлормун снова с нами». Сериа.
- 9.10 «Каламбур».
- 9.35 «Фигли-Мигли».
- 10.00 «ОСТИН ПАУЭРС: ЧЕЛОВЕК-ЗАГАДКА МЕЖДУНАРОДНОГО МАСШТАБА». Комедия.
- 12.10 Мультфильм.
- 13.00 «Возможности пластической хирургии».
- 14.00 «Верю - не верю».
- 14.30 «ЭНДИ РИХТЕР, ВЛАСТЕЛИН ВСЕЛЕННОЙ». Комедия.
- 15.00 «Фигли-Мигли».
- 15.30 «Каламбур».
- 16.00, 21.00, 23.00 «Дом-2. Новая любовь!»
- 17.00, 17.30 «САША + МАША».
- 18.00 «Запредельные истории». Док. триллер.
- 19.00 Деревня дураков.
- 19.30 «Верю - не верю».
- 20.00 «Необъяснимо, но факт».
- 22.00 Комеди Клаб.
- 23.30 «Секс» с Анфисой Чеховой.
- 0.00 «Роман с Бузовой». Ток шоу.
- 1.00 «Новые секс-инструкции для девушек».
- 1.30 Наши песни.
- 1.50 «АЛИБИ». Комедия.
- 4.00 «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО». Сериа.

### СТС

- 8.00 «АЛИСА В СТРАНЕ ЧУДЕС». 1-я серия.
- 9.40-10.30 Мультфильмы.
- 11.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».
- 11.30 Мультфильм.
- 11.45 Кино «ЗЕЛЕНАЯ КАРТА».
- 14.00 «Самый умный».
- 16.00 «Кино в деталях с Федором Бондарчуком». Гость программы - актриса Мария Порошина.
- 17.00 «Ты - супермодель-3».
- 18.00 Истории в деталях.
- 18.30 Мультфильм.
- 18.45 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
- 19.55 Кино «БЛЕЙД».
- 22.25 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
- 23.00 Кино «СЕМЕЙКА АДДАМС». 1.10 «Хорошие шутки».
- 3.10 Кино «ПЛАТИНА ЛЖИ».
- 5.30 Кино «ГОРИ ВСЕ ОГНЕМ».

### 7 ТВ

- 7.00 Конный спорт.
- 7.30, 1.30 Poker.
- 8.30, 18.00 Назло рекордам.
- 8.40, 18.10 Хоккей с мячом. Чемпионат России.
- 9.00 Гонка живых легенд.
- 9.30, 17.30 Racing Action. Обзор сезона-2005.
- 10.30 ЖимКласс.
- 10.40, 21.10, 2.30, 5.10 Музыкальный трек.
- 11.00 Веселые старты.
- 12.30, 1.30 Автоспорт.
- 13.00, 11.00, 5.30 7 дней спорта.
- 13.30 Кубок Volkswagen Polo. Обзор сезона-2005.
- 14.30 Кубок России по горнолыжному спорту.
- 15.00 «220 вольт».
- 15.10 Звезда автоспорта.
- 15.30, 0.00 Rally Action. Обзор сезона-2005.
- 16.30 Евросерия F-3. Обзор сезона-2005.
- 17.30, 20.30 Диалоги о рыбалке.
- 19.00 7 дней спорта.
- 21.00, 22.00 Звезда автострады.
- 22.10 Автоспорт России.
- 23.00 Кубок Porsche Carrera. Обзор сезона-2005.
- 2.40 Интерактивный ТВ-чат.
- 6.00 Бильярд.

### «Sport»

#### телеканалли

- 7.30 «Хабарлар».
- 7.50 «Бодрое утро».
- 8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
- 9.10 «Полнон бўламан».
- 9.20 «Умничи и умники».
- 10.00 Новости.
- 10.10 «Непутевые заметки».
- 10.30 «Пока все дома».
- 11.20 «Веселые картинки».
- 12.00 «Кувноқ стартлар».
- 12.40 «Рақибингиз гроссмейстер».
- 13.00 «Орзулар ушалган йил».
- 13.20 «Проф-РИНГ».
- 14.10-14.40 «Жаҳон спорти».
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Болалар спорти».
- 18.20 Мультфильм.
- 18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
- 19.00 «Спорт уик-энд». Дам олиш дастури.
- 20.00 «Вести».
- 21.00 «Тайм аут».
- 21.30 «Талқин». Информационно- тахлилий кўрсатув.
- 22.00 «Дув-дув гап». Ток шоу.
- 22.55 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
- 0.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### OPT

- 6.00 Новости
- 6.10 «Шутка за шуткой»
- 6.30 Фильм «Крепыш»
- 8.20 Служу Отчизне!
- 8.50 Дисней-клуб
- 9.20 «Умничи и умники»
- 10.00 Новости
- 10.10 «Непутевые заметки» с Дм. Крыловым
- 10.30 Пока все дома
- 11.20 «Веселые картинки»
- 12.00 Новости (с субтитрами)
- 12.10 Живой мир. «Большая охота»
- 13.20 «Новогодние подарки». Часть 2-я
- 13.50 Церемония «Лица года»
- 15.20 Фильм «Экипаж»
- 18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
- 18.10 «Наталья Гундарева. Личная жизнь королевы». Док. фильм
- 19.10 Комедия «Час пик»
- 19.50 Воскресное «Время»
- 21.45 Триллер «Красный дракон»
- 0.00 Бокс. Левандер Джонсон - Хесус Чавес
- 1.00 Суперчеловек. Фильм 1-й

### 30-й канал

- 9.00 Открытие программы
- 9.05, 11.00, 16.45, 19.00 «Телехамкор»
- 9.20 Мультсериял
- 9.50 «Мультфильмы»
- 11.15 «Снежная королева», сказка
- 13.10 «Мусикий табасум»
- 13.30 «Хит-парад - плюс», повтор передачи
- 14.30 «Шоу-бизнес янгликларлари», информация дастур
- 14.50 «Болалар соати»

### НТВ

- 5:10 Фильм «ВАМ ПИСЬМО»
- 7:10 Мультфильм
- 7:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
- 8:00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
- 8:15 Сериа «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА»
- 8:45 «ИХ ПРАВЫ»
- 9:25 «ЕДИМ ДОМА!»
- 10:20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»
- 10:50 «ТОР GEAR». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
- 11:25 «ЦЕНА УДАЧИ»
- 12:10 Борис Моисеев «РАС-ТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
- 13:20 «ОСОБО ОПАСЕН!»
- 14:05 Комедия «МЕДОВЫЙ МЕСЯЦ»
- 16:20 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ»
- 16:55 «СВОЯ ИГРА»
- 17:50 Комедия «УБЕЙ МЕНЯ! НУ, ПОЖАЛУЙСТА»
- 19:35 Фильм «БУМЕР»

### ДТВ

- 9.30 Сериа «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
- 10.05 Товары для вас.
- 10.30, 11.20 Мультфильмы.
- 12.20 Фильм «СУДЬЯ ДРЕДД».
- 14.30 «Голливудские истории: Арнольд и Мария».
- 15.25 Сериа «СПРУТ».
- 16.25 «Карданный вал с Александром Коростелевым».
- 16.55, 18.00 Сериа «ЗВЕЗДОЧЕТ».
- 19.00 Самое смешное видео.
- 19.30 Юристическая программа «В засаде».
- 20.00 Шоу рекордов Гиннеса.
- 21.00, 22.30 Русские хиты. «ОСТРОВ ПОГИБИХ КОРАБЛЕЙ». 1-я и 2-я серии.

### 30-й канал

- 9.00 Открытие программы
- 9.05, 11.00, 16.45, 19.00 «Телехамкор»
- 9.20 Мультсериял
- 9.50 «Мультфильмы»
- 11.15 «Снежная королева», сказка
- 13.10 «Мусикий табасум»
- 13.30 «Хит-парад - плюс», повтор передачи
- 14.30 «Шоу-бизнес янгликларлари», информация дастур
- 14.50 «Болалар соати»

### PTP

- 6:00 «Доброе утро, Россия!».
- 7:20 «Сельский час».
- 7:45 Всероссийская негосударственная тиражная лотерея «Бинго миллион».

# ЯКШАНБА,

15

### «Ўзбекистон»

#### телеканалли

- 6.25 Кўрсатувлар дастури.
- 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.40 «Олтин мерос».
- 8.50 «Самалак» экрани.
- 9.40 «Саломатлик сирлари».
- 10.00 «Ватанпарвар».
- 11.00 «Кичкина малика». Бадийий фильм.
- 12.25 «Интеллектуал ринг».
- 13.10 «Сен борсан». Бадийий фильм.
- 14.40 «Байрам оқшоми».
- 15.40 «50x50». Ток-шоу.
- 16.30 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
- 16.40 «Экран хандаси».
- «Болалар сайёраси».
- 17.30 «Олтин тож». Телеўйин.
- 18.10 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
- 19.10 «Оқшом наволари» (SMS. Овоз бериш)
- 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
- 20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
- 21.00 «Тахлилнома».
- 21.45 «Оҳанрабо».
- 22.25 «CINEMA.UZ».
- 22.45 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
- 22.55 «Рангинг кўзгу». Бадийий фильм.
- 0.05-0.10 Ватан тимсоллари.

- 11.05 «Таманно». 2-қисм.
- 12.10 «Сардор - 2». Видеофильм 3-қисм.
- 13.00 «ЯНГИ КҮН». Ахборот дам олиш дастури.
- 14.00 «Таманно». 3-қисм.
- 1



# СОҒИНТИРИБ, МИЙИҒИДА КУЛАДИ ДУНЁ

**Азиз муштарийлар! Агар кузатиб бораётган бўлсангиз газета саҳифаларидан ўрин олаётган мақолаларда кўпроқ ички ишлар ходимларининг касбий ва жанговар маҳорати, хизматда кўрсатаётган фидойиликларига тўхталаяпмиз. Янги йилдан эътиборингизга ҳавола этилаётган «Оила тилсими» рукни остида эса уларнинг хонадонда тутган ўрни, оила аъзолари ҳамда ўзаро муносабатлари ҳақида ёритиб боришни лозим топдик.**

Чувалачи—Тошкент туманининг чекка қишлоқларидан бири. Ёзувчи Фафур Фуломнинг «Шум бола» асаридagi бир лавҳани ёдга олиб кўринг. Қоровой бойнинг «иннанкейин» лаб берган саволларига ёлгонлар тўқиб, роса адабини берган болахонали уй айнан шу қишлоқда бўлган. Бугунги кунда ушбу гўша чирой очиб, мулақоат ўзгариб кетган. Одамларнинг феъл-атвори ҳам ўзгача: очиққўнғил, сасхий, дилкаш...

— Ота-бобомиз шу қишлоқда туғилиб ўсган, — деди олтмиш уч ёшни қаршилаган Дадахўжа ака хонадониди бўлганимизда. — Раҳматли отам 85 ёшгача дард нималигини билмай, узоқ умр кўрганлар. Уч ўғил уйлантириб, бир қиз чиқардим. Ширинданшакар саккиз набирам бор. Яратганга беадад шукрлар бўлсин, оиламиздаги тотувликка кўни-кўшнилари

да ўғилларидан бири кетмон кўтариб далага кетаётгани, иккинчиси от-аравада маҳаллий ўғит ташийётгани, бошқа бирови эса сигир-бузоқларни олиб бораётганини кўриб қолиш мумкин. Билмаганлар бу оиладагиларнинг барчаси деҳқончилик билан шуғулланса керак, деб ўйлаши мумкин. Аслида ундай эмас. Фарзандларнинг кўпчилиги касб-хунарга эга. Дониёр тумандаги гишт заводида ҳайдовчи бўлиб ишлайди, Дилмурод пойтахтнинг С. Раҳимов тумани ИИБ 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси, Элмурод эса олий ўқув юртига ўқишга киришга тайёргарлик кўраётган. Инглиз тилини яхши билади. Дадахўжа аканинг ўзи 40 йилга яқин ҳайдовчилик қилиб, пенсияга чиққан. Деҳқончилик эса ота касб. У ҳар томонлама фойда-

ака-укалари каби меҳнатсевар бўлиб вояга етди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, ҳайдовчилик курсини битирди. 1992 йили Тошкент тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмасига ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. Кейинчалик республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарни кўриқлашни таъминлаш бўйи-



Д. Имомхўжаевнинг фарзанди — Бобир Дадахўжаев.

ча алоҳида милиция батальонига ўтказилди. Бу орада уйланди, икки фарзандли бўлди.

— Укам болалигидан шўх, ҳазилкаш, куйди-пишди бўлиб ўсгани учун ҳар қандай қийинчиликни ҳазил-мутойба билан енгиб кетарди, — дейди Дониёр. — Ишдан ҳориб-чарчаб келса-да, бирон марта қийналиб кетдим, деб нолиганини эшитмаганман. Бироз ҳордиқ чиқаргач, тоқларни хомтоқ қилар, то морқада куймаланар ёки кетмонни елкасига ташлаб далага йўл оларди...

Дилшод оилада меҳрибон ота эди. Доим умр йўлдоши Зулфиянинг кўнглини кўтаришга уринар, кези

келганда уй юмушларига кўмаклашар, ўғиллари Бобир ва Нодирни еру кўкка ишонмас эди. Дилкаш йигит бўлгани учун хонадондан ёру дўстлари аримасди. Аммо бешафқат

ўлим уни орамиздан эрта олиб кетди.

Дилшод одатда тунги хизматдан эрталаб соат 10.00 гача қайтарди. Аммо 2000 йил 11 февраль кунини негадир вақт ўтиб борса-да, дараги бўлавермади. Дадахўжа ака хавотир олиб кўчага чиққан эди, маҳаллада яшовчи Эргаш ака Ҳалимбоевга кўзи тушди. Ҳол-аҳвол сўрашиши. «Ўғлингиз Дилшоднинг олди-дан командирлари келган экан. Сизга қандай учрашишни билмай истиҳола қилиб туришибди», — деди Эргаш ака. Дадахўжа ака: «Нима гап, тинчликми?» дея уларнинг олди-дан борди. «Амаки, узр, ўзингизни кўлга олинг, — деди ички ишлар ходимларидан бири. — Ўғлингиз Дилшод хизмат пай-

тида автофалокатга учраб, ҳалок бўлди». Бу хабарни эшитган отанинг кўз олди қоронғулашиб, ер чаппасига айлана бошлади. Умр йўлдоши Муҳаббат опа эса ҳушидан кетиб йиқилди. Ўзини зўрға кўлга олган Дадахўжа ака хўжаликдаги «Бойчечак» болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаётган келинининг олди-дан одам юборди.

Эртасига дафн маросимига тумонат одам йиғилди. Дилшод билан хизмат қилаётган йигитларнинг деярли барчаси келди.

— Дилшод Имомхўжаев ишга масъулият билан ёндошар, феъл-атвори, вазифаларни сидқидилдан бажариши билан ҳамкасбларидан ажралиб турарди, — дея хотирлайди махсус батальон командирининг ўринбосари, майор Ботир Куранбаев. — Тинчлик ва осойишталигимизни кўриқлаш учун юртимизга мана шундай азамат ўғлонлар керак, деб юрардим. Аммо тақдир экан, орамиздан эрта кетди. Раҳматли бир ота орзу қилса арзийдиган йигит эди.

Ҳозирда Зулфия фарзандлари билан бошқа уйда яшамоқда. Навоий номли ширкат хўжалигида ҳисобчи ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Хонадон

доим озода-саришта, рўзғори бут. Бирор нарсадан қийинчилик сезмайди. Қолаверса, Дадахўжа ака ва ўғиллари қараб туришгани йўқ. Бу ёқда Хотира ва Қадрлаш кунини ҳамда байрамларда батальон раҳбарлари ташриф буюриб, ҳол-аҳвол сўраб туришибди. Шунга қарамай баъзан Зулфиянинг қалбини бир армон ўртаб юборди.

— Дилшод акам ҳаётлигида тоғдек суянчимиз борлигини билмаган эканман. Мабодо, дилимга гашлик инса, ҳазил-хўзил қилиб бирпасда тарқатиб юборар эдилар. Менга ҳам, болаларга ҳам меҳрибон бўлганлари учун ўғиллари дадалари ишдан келишини кутишарди, талпинишарди...

Зулфиянинг киприклари ёш қалқиди. У ўзига жовдираб қараб турган ўғли Нодирни эркалаб кучди. Кейин кўз ёшларини артиб, яна сўзини давом эттирди:

— Командири айтганидек, умр йўлдошимнинг умри зое кетмади. Эл-юрт осойишталигига озми-кўпми ҳисса кўшдилар. У кишидан ёдгорлик — ўғилларим вояга етаяпти. Улар билан овунаман, уларга суянаман. Аммо соғинч ўртаганда «Соғинтириб, мийиғида кулади дунё» сатрлари ёдимга келаверади...

Келиннинг қалбида туғён ураётган туйғу Дадахўжа акага ҳам яхши таниш. Ўтган йили рафиқаси оғир хасталикка чалиниб, оламдан ўтганда анча оромини йўқотди. Ҳам фарзанд, ҳам умр йўлдошдан айрилиш оғир экан. Баъзан кенг уйга сиймай қолиб, сиқилиб кўчага чиқади. Хайриятки, уйи шундоққина автобус бека-тининг олдида. Одамларни кўриб кўнгли ёзилди. Кўшнилари Усмон ака, Ниёзмат ака ва Ғозивой акалар билан кўришиб қолеа-ку анча суҳбатлашиб, юраги таскин топади.

Ҳаёт шундай ўтаверар экан. Бир кун Дилшоддан кейинги ўғил Дилмурод: «Ада, доим акамга ҳавас қилганман. Мен ҳам шу соҳага ишга кирсам нима дейсиз?» деб қолди. Эҳтимол бошқа ота бўлганда болам, битта ўғлимдан ажраганим кам-



Кичик сержант Дилшод Имомхўжаев (сурат оила архивидан олинди).

миди, дея уни бу йўлдан қайтариши мумкин эди. Лекин Дадахўжа ака Ватан, эл-юртга хизмат қилиш, керак бўлса, жонни фидо қилишни шарафли бурч деб билади. Шу боис, ўғлининг сўзларини эшитгач, ҳеч иккиланмай оқ фотиҳа берди. Майли, у ҳам акасига ўхшаб тинчлигимизни ҳимоя қилсин. Дилшоднинг пешонасига яратган шу тақдирни битган экан, бандасининг қўлидан нима келарди. Ахир қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, деган гаплар бор. Мана, ўзининг акаси Фуломқодир Исломов иккинчи жаҳон урушидан ўн икки жойидан яраланиб қайтди. Умри узун экан кейинчалик узоқ йиллар эътиборли соҳада ишлади.

Ўтган йили Зулфия ўғли Бобир ҳам отаси изидан бормоқчи эканлигини айтганда Дадахўжа аканинг кўзларидан ёш чиқиб, уни бағрига босди. Хўжатларини тўғрилашга кўмаклашиб, «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси қошидаги республика ИИБ ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернатга олиб борди. Мактабда яхши баҳоларга ўқиган ва спортга иқтидор бўлган невараси синовлардан яхши ўтди.

— Ҳаётингизда энг ёдда қолган дамларни эслайсанми? — сўрайман Бобирдан.

— Мактаб-интернатда қасамёд қабул қилганим бир умр ёдимдан чиқмас керак, — деди у гурур билан. — Тенгқурларим билан сафда шахдам қадам ташлар эканман, дадам танлаган йўлдан бориб тўғри қилганимга ишонч ҳосил қилдим.

Оила — муқаддас даргоҳ. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли касбни танлаган акалар ўрнини укалар эгаллаши, оталар ишини фарзандлар давом эттириши хонадонга янада улуғворлик бахш этади. Бу анъана Дадахўжа Имомхўжаевлар оиласи тимсолида яққол намоён бўлмоқда.

Саъдулла ШОДИЕВ.



Дадахўжа Имомхўжаев келинлари ва неваралари даврасида.

нинг ҳаваси келади, эл ўртасида ҳурматимиз жойида.

Дадахўжа ака узоқ йиллардан бери Навоий номли ширкат хўжалигида деҳқончилик қилаяпти. Гоҳи-

ли: хўжалик равнақ топади, оилага кут-барака киради, болалар бекор юришмайди.

Дилшод Имомхўжаев оиланинг иккинчи фарзанди эди. У ҳам отаси,



# РАҚҚОСА ХИРОМ ЭТСА...

Хар бир санъат турида кишининг ром этадиган ўзига хос хусусиятлари бўлади. Рақс ана шундай жозибакор санъат турларидан ҳисобланади. Раққоса нозик ҳаракатлари, имо-ишоралар орқали кўплаб маъноларни ифода этади, томошабон чайқала-чайқала рақс сеҳридан сармаст бўлади. Ўзбек миллий рақс санъатининг асосчиларидан бири Мукаррама Турғунбоева ижросидаги «Муножот», «Танавор» каби рақсларни томоша қилиб, сархуш бўлмаган кекса авлод вакиллари йўқ десак, асло муболага бўлмайди. Англаётган бўлсангиз, бугунги суҳбатимиз миллий рақсимиз ҳақида. Ўзбек миллий рақс санъатининг даргаларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Баҳор» Давлат халқ рақси ансамбли бадий раҳбари ва бош балетмейстери, Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева тахририятимиз меҳмони бўлди.

— Маъмура опа, одатда хар бир янги йил бошида эски йилга назар ташланади. Айтинг-чи, яқунланган йилдан кўнглингиз тўлдими?

— Гапнинг очиги, ҳеч қачон қилган ишларимдан, ижодимдан кўнглим тўлмаган. Чунки ҳаётда ҳали амалга оширадиган ишларимиз олдинда ва улар жуда кўп. Биринчидан, яқунланган йил биз, «Баҳор»чилар учун маълум маънода ҳам салмоқли, ҳам оғир бўлди. Сабаби, концерт залимиз ва унинг худудида катта миқёсдаги қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилиши натижасида А. Навоий номидаги опера ва балет академик театрида ижод қилишимизга тўғри келди. Иккинчидан, жамоамизнинг тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтиши бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқарди. Шунга қарамай, жамоамиз бир зум бўлса-да ижод қилишдан тўхтагани йўқ. Насиб бўлса, яқин кунларда муҳташам концерт залимизда

фаолиятимизни давом эттиришни мўлжаллаб турибмиз. Шунингдек, 2007 йилда «Баҳор» ансамблининг 50 йиллик тўйини ана шу бинода нишонламоқчимиз. Шахсан ўзимга келадиган бўлсак, мен ҳаётимни «Баҳор»сиз умуман тасаввур этолмайман. Шунинг учун ансамблнинг йўлидаги хар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёрман.

— Келинг, бевосита ўзбек миллий рақс санъати тарихи ва унинг турлари ҳақида суҳбатлашсак.

— Шу ўринда ўзбек миллий рақсининг асосчиларидан бири Уста Олим Комиловни эслаб ўтиш жоиз. У киши ҳам доира чалардилар, ҳам чиройли ўйинга тушардилар. Ҳеч қандай олий таълим муассасасида ўқимаган бўлса-да, туғма қобилиятли санъаткор бўлгани учун хар бир рақсни қўйилмақом қилиб ижро этардилар. Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Гавҳар Раҳимовалар Уста Олим Комиловнинг энг истеъдодли шогирдлари ҳисобланишган. Раҳматли Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ҳам ўзлари қизиқчи бўлсалар-да давраларда жуда чиройли ўйнардилар. Ўша вақтлари Ўзбекистонда ашула ва рақс ансамбли бор эди, холос. Шу йиллари Москвада бўлиб ўтган фестивалда раққосаларимиз олтин медални қўлга киритишгандан сўнг, Мукаррама Турғунбоева миллий рақс санъатини ривожлантириб бориб, 1957 йилда «Баҳор» ансамблига асос солдилар. Ансамблининг биринчи вази-фаси олтин мерос бўлиб қолган рақсларини сақлаш бўлиб ҳисобланди. Мукаррама опа: «Баҳор» ансамблибу академия. Ҳамма қизларимиз академик раққосалар» дер эдилар.

Ўзбек миллий рақсининг тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Амир Темур ва темурийлар салтанатида рақс рақс топган. Ҳаттоки, Зардуштийларнинг муқаллас

«Авесто» китобида ҳам рақс санъатининг мавжуд бўлгани тўғрисида маълумотлар бор. Кейинчалик Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида рақс санъати ўзига хос услубда ривожланган. Шундан сўнг Фарғона, Хоразм, Бухоро рақс турлари кўринишида намоён бўлган. Айни пайтда Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги рақс мактаблари ривожланиб борапти. Мустақиллик йилларида Юртбошимиз ҳам ўзбек миллий рақс санъатига катта эътибор қаратдилар. Чунончи, 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилингани фикримизга далилдир. Лекин «Ўзбекрақс» ижодий бирлашмаси баъзи рақбарларнинг эътиборсизликлари туфайли бир қатор муаммолар пайдо бўлди. «Баҳор»—Мукаррама Турғунбоевадан бизга қолган бебаҳо бойлик. У Ўзбекистоннинг гурури. Олтин мерос бўлиб қолган «Муножот», «Танавор», «Катта ўйин», «Лазги», «Анджон полкаси», «Баёт», «Пилла» каби рақсларни ижро этиб, келгуси авлодларга етказишимиз керак.

— Санъатга қандай кириб келгансиз?

— Мен санъаткорлар оиласида туғилганман. Раҳматли отам Зокиржон Эргашев ўз даврининг машҳур ҳофиз эдилар. Онам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўхтаҳон Рисметова эса Мукаррама Турғунбоева билан ёнма-ён туриб ижод қилган биринчи шогирдларидан саналади. Мен онадан рақс тушиб туғилган эканман. Болалагимда қизқувчанлигим боис, онамнинг либосларини кийиб ўзимча ўйинга тушардим. Биринчи устозим албатта онам Тўхтаҳон Рисметова бўладилар. Кўпинча у киши билан гастролларга борардим. Саҳнанинг четиди туриб ҳамма рақсларини ўрганиб олардим ва концертдан сўнг уларга ижро қилиб берардим. Олтин ёшимдан бошлаб Тошкентдаги «Тўқимачилар» маданият саройига қатнардим. У ерда Сора опа Бушаева деган аёл устозлик қилганди. Ўшанда Мукаррама опа болалар учун саҳналаштирган рақсни биринчи марта ижро этгандим. Ўн бир ёшимда Мукаррама опа хореография билим юртига етаклаб бордилар. Орадан етти йил ўтиб, А. Навоий номидаги опера ва балет академик театрига йўланма берилди. Лекин Мукаррама опа: «Бу қиз менда ишлайди» деб олиб кетдилар. Шуну фаолиятимни «Баҳор»да бошладим. Мукаррама опа билан оилавий муносабатларимиз яқин эди. Унинг уйига машҳур санъаткорлар келишарди. Мен уларнинг ижодидан баҳраманд бўлардим. Ўзбек миллий рақс



санъатининг шоҳ ўйинлари — «Катта ўйин», «Муножот», «Лорсон» кабилар фаолиятимдаги илк профессионал рақсларим саналади.

— Сиз миллий рақсимизни хорижга танитган фидойилардан ҳисобланасиз. Бундан анча йил аввал Россиянинг «Время» дастурига француз тилида интервью бергандингиз...

— Француз тилини ҳозирги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида таҳсил олганимда ўргангандим. Ҳақиқатан ҳам 1977 йилда Францияда гастролда бўлгандик. 1978 йилда Кубада бўлганимизда Ўзбекистон халқ артисти Исхор Оқиллов саҳналаштирган «Доира», «Лорсон» каби рақсларни намойиш этгандик. Мукаррама Турғунбоева асос солган миллий рақс санъатига нафақат французлар ёки кубалиқлар, балки дунёнинг кўпгина давлатлари қўйил қолганди. 1993 йилдан буён мамлакатимиз миқёсида Мукаррама Турғунбоева номидаги танлов ўтказилиб келинапти. 2005 йилнинг декабрь ойида ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

— Клипларда ўйнаётган раққосаларга нисбатан қандай фикрдасиз?

— Аввало, ижро этилаётган хар бир рақс маълум бир маънони ифода этиши лозим. Раққоса хиром айлаганда томошабинни сеҳрлаб ҳамма рақсларини ўрганиб олардим ва концертдан сўнг уларга ижро қилиб берардим. Олтин ёшимдан бошлаб Тошкентдаги «Тўқимачилар» маданият саройига қатнардим. У ерда Сора опа Бушаева деган аёл устозлик қилганди. Ўшанда Мукаррама опа болалар учун саҳналаштирган рақсни биринчи марта ижро этгандим. Ўн бир ёшимда Мукаррама опа хореография билим юртига етаклаб бордилар. Орадан етти йил ўтиб, А. Навоий номидаги опера ва балет академик театрига йўланма берилди. Лекин Мукаррама опа: «Бу қиз менда ишлайди» деб олиб кетдилар. Шуну фаолиятимни «Баҳор»да бошладим. Мукаррама опа билан оилавий муносабатларимиз яқин эди. Унинг уйига машҳур санъаткорлар келишарди. Мен уларнинг ижодидан баҳраманд бўлардим. Ўзбек миллий рақс

санъатининг шоҳ ўйинлари — «Катта ўйин», «Муножот», «Лорсон» кабилар фаолиятимдаги илк профессионал рақсларим саналади. Сиз миллий рақсимизни хорижга танитган фидойилардан ҳисобланасиз. Бундан анча йил аввал Россиянинг «Время» дастурига француз тилида интервью бергандингиз... Француз тилини ҳозирги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида таҳсил олганимда ўргангандим. Ҳақиқатан ҳам 1977 йилда Францияда гастролда бўлгандик. 1978 йилда Кубада бўлганимизда Ўзбекистон халқ артисти Исхор Оқиллов саҳналаштирган «Доира», «Лорсон» каби рақсларни намойиш этгандик. Мукаррама Турғунбоева асос солган миллий рақс санъатига нафақат французлар ёки кубалиқлар, балки дунёнинг кўпгина давлатлари қўйил қолганди. 1993 йилдан буён мамлакатимиз миқёсида Мукаррама Турғунбоева номидаги танлов ўтказилиб келинапти. 2005 йилнинг декабрь ойида ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

— Баъзан давраларда ўйнаётган эркакларнинг хатти-ҳаракатларидан уялиб кетди, киши...

— Саволингизни тушундим. Гапнингизда жон бор, албатта. Бизнинг устозларимиз Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржоновлар эркаклар рақсини жуда чиройли қилиб ижро этишган. Раҳматли Учқун Ганиевни олайлик. У кишининг белига лагани кўйиб олиб рақсга тушишини ҳануз ҳамма эсласа керак. Анджонликларнинг «Анджон полкаси», воҳалик ва бошқа вилоят эркакларининг ўйинлари ҳақиқий эркакча эди. Афсуски, улар йўқолиб борапти. Ҳозирги кунда эркаклар рақси бўйича бир-икки нафар балетмейстер фаолият кўрсатишяпти, холос. Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов, Назриддин Шерматовлар айни дамда аёллар рақсини саҳналаштириш билан машғул. Қодир Мўминов бир пайтлар йигитлар рақси бўйича кўп ишларни қилганди, аммо унга имконият берилмади. Қолаверса, баъзиларга эркаклар ўйини ёқмайди. Менимча, йигитлар рақсига эътибор қаратиб, уни ривожлантириш зарур. Чунки аёлу эркак, ёшу қарининг ўйнаши халқимизга хос хусусиятдир.

— Аксар ижодкорлар илҳомсиз ижод қила олмаслигини айтишади. Раққоса учун ҳам илҳом зарурми?

— Албатта, илҳом фақат санъатда эмас, балки оддий ишчи, қўйинки, барча соҳа вакилларида бўлиши керак, деб ўйлайман. Хонадонидан

яқин кайфият билан ишга йўл олган кишида ўз касбига бўлган иштиёқ янада кучаяди. Бу эса самардорликни орттиради. Жамоадагилар билан бир-бирини тушуниб, баҳамжиҳат ишларни бажариш ҳам кишига илҳом беради. Санъатда, айниқса, рақсда бир нарсани яратишдан олдин куй-қўшиқларни эшитасиз, кўп ўйлаб юрасиз, лекин бирданига ажойиб фикрлар туғилади. Ўз касбининг устаси билан ижодий ҳамкорлик ҳам илҳомнинг келишига сабабчи бўлади. Масалан, Ўзбекистон халқ артисти, «Баҳор» ансамбли мусиқа раҳбари, бастакор Бахтиёр Алиев билан бирга ишлаганимизда янги фикрлар туғилади.

— Шогирдларингиз тўғрисида ҳам тўхтагансиз?

— Бир раққосани тарбиялаш учун йиллар керак бўлади. Раққоса учун оммавий рақслар жуда муҳим ўрин тутади. Унда раққосанинг кўзи «пишади», маҳорат қирралари мукамаллашиб бораверади. Истеъдодлари катта саҳнага йўл олади. Шундайлардан Ўзбекистон халқ артисти Рушана Султонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Елена Тўхтаева, Раъно Сафаралиева, «Ниҳол» мукофоти совриндори Ирода Исмоиловлар рақс санъатини пухта эгаллаган шогирдларимдан деб ҳисоблайман.

— Айни дамда йигирма нафар шогирдларим билан янги дастурлар яратиб, концертлар намойиш этиш ҳаракатидамиз. Келгуси йилда нишонладиган «Баҳор»нинг 50 йиллик тўйига қизгин тайёргарлик кўриш билан бандмиз.

— Газетамиз мушгарийларига тилакларингиз.

— «Postda» газетасининг ўқувчиларига, шунингдек, осойишталигимиз посбонлари бўлмиш ички ишлар ходимларига соғлиқ-саломатлик, хизматларида муваффақиятлар, омад тилайман. Бизнинг мақсадимиз, халқимизнинг қувончли кунларида бирга бўлиш, санъатимиз билан уларга хизмат қилишдир.

— Қизиқarli суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Суҳбатдош:  
Қобилжон ШОКИРОВ.





**KUCHUKCHAM**

Kuchugim bor olapar,  
Ortimdan yuguradi.  
Begona uyga kirsam,  
Vovillab bildiradi.

Ukam bilan hovlida,  
Tinmay chopib o'ynaydi.  
Bechora tovug'imni,  
Quvalab hech qo'ymaydi.

Ko'p qiliqlar qiladi,  
Xuddi sirk o'yinchisi.  
Seni yaxshi ko'ramiz,  
Uyimiz qo'riqchisi.

**Husnibonu SHAROPOVA,**  
Qashqadaryo viloyati Shahrisabz tumanidagi G'ofur G'ulom nomli maktabning 5-sinf o'quvchisi.

Har kungidek bugun ham Sarvar bilan Sardor uyqudan barvaqt turishdi. Avval badantarbiya, keyin nonushta qilishib, maktabga yo'l olishdi. Bu ikki aka-uka o'zaro juda ahil. Doimo birga dars qilishadi. Ko'p jihatlari bir-biriga o'xshasa-da, tabiati boshqa-boshqa. Sarvar sabrsizroq, agar biron taniq ovqat yoki shirinlik bo'lsa, ukasi Sardorni kutmasdanoq egallab oladi. Ukasi bo'lsa uning batamom aksi.

Hamisha ovqatdan tortinib turadi. Shoshqaloqligi bois, nafsini tiyolmagan Sarvar bir kuni ko'p ovqat yeb qo'yib, qorin og'rig'iga yo'liqdi. Oyisining tashvishini ko'rsangiz. Atrofida kuni-bo'yi parvona bo'ldi.

Sarvar bundan xulosa chiqardi, deb o'ylayotgan bo'lsangiz kerak-a? Be, qayoqda, yana eski odatini davom ettira boshladi. Bir kuni nima bo'ldi-yu, ukasi qattiq betob bo'lib, uylariga tez yordam chaqirishdi. Oq xalat kiygan uzun bo'yli shifokor uni obdon tekshirib, qizamiq chiqibdi, alohida uyda saqlanglar, deganicha qanday muolaja qilishni tayinlab, oyisi bilan xayrlashdi. Yakka o'zi maktabga ketgan aka darsdan so'ng uyiga qaytdi. Kela solib darhol ukasi yotgan xonaga mo'raladi. Qarasa, uning yonidagi xontaxtaga turli-tuman mevalar-u, shirinliklar qo'yilgan.

-Oyijon, qaniydi men ham kasal bo'lsam, Sardor singari barcha taniq taomlarni menga ilinardingiz.

Shunda oyisi, uni jerkib:

-Yaxshi niyat qilsang-chi bolam. Bir kunlik kasalchilik qirq kunlik quvvatingni olib ketadi. Hecham betob bo'lma, - dedi.

Oradan uch kuncha vaqt o'tib, ancha o'ziga kelib qolgan uka oldidagi bor shirinliklarni akasiga ilinib, jilmaygan ko'yi uni dasturxonaga taklif qildi. Yana odatdagidek aka-uka maktabga birga qatnay boshladilar. Bir haftacha vaqt o'tib, to'satdan Sarvarning isitmasi ko'tarildi.

Boshi qattiq og'rib, qusa boshladi. Bir zumda yetib kelgan tez yordam

shifokori uni ham qizamiq bilan og'rigan, dedi.

O'n kunlar chamasi Sarvar arziri biron taom tanovul qilmadi hisob. Rangi bir holatda ancha ozib ketdi.

Bir kuni erta tongda uning yoniga kirgan onasi o'rnidan turib o'tirganini ko'rib, quvonib ketdi.

-Turdingmi, o'g'lim, tuzukmisan?

-Oyijon, kasal bo'lish yomon ekan, boshqa bunaqa niyat ham qilmayman. Endi hamisha so'zlaringizga kiraman.

-Nimaiki qilsang, yaxshi niyat qilgin. Bir yomon gapga, bir yaxshi gapga hamisha farishta omin derkan.

**Temur ODAMBOYEV,**  
Xorazm viloyati Xozarasp tumani.

**YAXSHI NIYAT**

**QISHLOG'IMIZ ODAMLARI**

Qishlog'imiz odamlari,  
Mehnat-la o'tar damlari.  
Erta tongdan to kechgacha,  
Ter to'kadi, yo'q g'amlari.

Ketmonlari yelkasida,  
Hurmati bor o'lkasida.  
Yuzlarida quvonch aksi,  
Non yopgan har bekasida.

**Suyuma XOLMATOVA,**  
Qashqadaryo viloyati G'uzor tumanidagi 69-o'rtta maktabning 6-«A» sinf o'quvchisi.



Bezatilgan archamiz,  
Atrofida barchamiz.  
Ulg'ayganmiz bir yoshga,  
Aqlimiz to'lib boshga.



**BO'SH O'TIRMAI BOSH QOTIR**

1. Tinchlik qo'riqchisi.
2. Hushyorlik.
3. Harbiy unvon.
4. Osoyishtalik
5. Hafta nomi
6. Viloyat nomi.

P					
O					
S					
T					
D					
A					

NURIDDIN tuzdi.

**MEHRIBONLAR**

Saodat opa avvalgi sinf rahbarlarimizga sira o'xshamaydi. Darsdan «quyon» bo'luvchilarga ham, uch kunlab sababsiz kelmay qo'yuvchilarga ham beparvo. Jahli chiqsa ham baqirib urushmaydi. Bolalar bu erkinlikdan rosa bir oy maza qilib yayrashdi. Ayniqsa, Dilshod behad taltayib ketdi. Shu bir oyda uch kun darsga keldi, xolos. O'ttiz nafar o'quvchiga yetarlik partalar onda-sonda to'liq bo'ldi.

Kutilmaganda sinf yig'ilishi bo'ldi. Gap, albatta, intizomsizlar haqida deb o'ylarsiz. Yo'q. Aksincha bo'ldi.

-Bolalar, sizlarga havasim keladi, - dedi Saodat opa. - Faqat bir narsa menga yoqmayapti.

-Ayting, opa. Nima ekan u?- dedi Sardor xotirjam.

-Bir-biringizga mehribon emassizlar, attang, - dedi u bosh tebratib.

-Yo'q-e!- dedi Halim ko'zlari pirpirab.

-Ha, rost, - deya gapida davom etdi

Saodat opa. - Kim darsga sababsiz kelmasa, ertasigayoq hamma uni ko'rgani borishi kerak. O'sha o'rtog'ingiz ham, ota-onasi ham xursand bo'ladi. Bugun Dilshodlarnikiga boringlar. Darsga kelmadi.

Darvozani Dilshodning o'zi ochdi. Uylari chiroyli ekan. Avval hovlidagi gullarni tomosha qildik. Yoqqanini uzib hidladik. Keyin kuchukchasini uzun arqonga bog'lab, sudrab o'ynatdik. Hali pishmagan olmalarni duv to'kib, rosa yedik. Dasturxonaga qo'yilgan nonu shirinliklarni paqqos tushirdik. Cho'ntaklar esa qappaydi...

Salimlarnikiga borganimizda esa koptogini uy ichida tepib o'ynadik. Kutilmaganda oyna sindi-yu, ura qochdik.

Partalar bolalar bilan to'liq. «Iloho ko'z tegmasin», - deya Saodat opa jilmaygani-jilmaygan. Qiziq. Buning siri nimada ekan-a?

**Vali AHMADJON.**

Sahifani Jamila ERDONOVA tayyorladi.



**Кўпқари, улоқ** — ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, тожик халқларининг барчаси учун бирдай қадрдон. Кўпқари — бу чавандозлар баҳси. Ота-боболаримиз гўдакликдан болалик фаслига кирган фарзандларининг қўлини ҳалоллаш, бўй етган қизларини узатиш, эр етган ўғилларини уйлантириш тўйларида халққа биш бериб, сўнгида кўпқари баҳси томошаларини кўрсатишган.

Кўпқари — бу чавандозлик, от устида оммавий мусобақа шартларини бажариб, ғолиб чиқиш учун олиб бориладиган кураш жангидир. Кўпқарининг бошқа номи улоқ ҳам дейилади. Кўпқари баҳсида сўйилган улоқ (эчки боласи) танаси тўй-мусобақа ҳакамлари томонидан ўртага ташланиб, ушбу кураш шартлари ана шу улоқ билан боғлиқ ҳолда бажарилади.

Кўпқари (улоқ) асосан якка баҳс. Мусобақа шартлари ўртага ташланган улоқ танасини тақимга (чавандоз сони билан аргумоқ сағриси орасида) қисиб, майдонни гир айлантирганча, белгиланган манзилга — улоқ кайвони ҳакам ёнига биринчи бўлиб келтириб ташласа ютган ҳисобланади. Иккинчиси, ўртага ташланган улоқни олишда аб-

жир, бакуват, учқур отли чавандоз йигитни унинг дўстлари — бошқа чавандозлар курашаб, рақиблардан иҳота, ҳимоя қилиб борадилар. Ана шу алфозда то ҳакам олдиғача унинг атрофини қуршаб, отда еладилар. Бу гуруҳ тенгдош дўстлар, қишлоқдошлар, қурдошлар бўлиши мумкин.

Кўпқарида от эгаси пойгага тушиши ҳам, тушмаслиги ҳам мумкин. Чавандозлар кексайганларида, улоққа ўзлари турли сабабларга кўра тушолмасликлари сабабли кўпқари шартларига тайёрланган «ақли», «тажрибали» отларини ёш чавандозларга «кира»га берадилар. Бу ўринда ғолиб чиққан чавандоз билан от эгаси мукофотни бўлиб оладилар.

Кўпқарида чопадиган отни қандай боқиш, тар-



биялаш, совутиш, «ақлидрокли» қилиш йўллари чавандозлар авлоддан авлодга етказиб, анъанавий меросга айлантатириб келганлар.

Кўпқари асида тинчлик, чиниқиш ўйини бўлиб, оналар, боболар, болалар суяниши, ишониши мумкин бўлган ҳақиқий эркакларни тарбиялаб етиштиришда

катта роль ўйнаган. Афсуски, кейинги йилларда халқимизнинг ажойиб анъаналаридан бири бўлган кўпқари ўйинининг тобора жўгрофий ҳудудлари торайиб, бундай оммавий сайиллар кама-йиб кетди.

Бунинг сабаби бир пайтлар дунёга машҳур бўлган араби, қорабайир каби зотли отларнинг бу-

тунлай камайиб кетганлигидандир. Шу хавфнинг олдини олиш мақсадида республикамизнинг айрим вилоят ва туманларида от боқиш хўжаликлари ташкил этилди. Бир вақтлар йўқотиб юборилган шахсий хўжаликда от боқиш, кўпайтириб тарбиялаш ҳам аста-секин йўлга қўйилмоқда.

Ҳозир ҳам мамлакати-

мизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларининг бир қатор туманларида кўпқари ўйин-одаги давом этиб келинмоқда. Бугунги кунда деҳқон, боғбон, пахтакор, соҳибкорларнинг катта қурултойларида, Наврўз тананаларида, туманлар, вилоятларнинг ҳосил байрамларида катта кўпқарилар ташкил этилиб, ўтказиш яна қайтадан расм бўлмоқда. Тагин эски аргумоқлар, суворилар, улоқчилик мактаблари қайта тикланмоқда. Ўзбек, қozoқ, туркман, тожик, қорақалпоқ, қирғиз халқларининг энг яхши чавандозлари бир-бирларининг тўйларида меҳмон бўлиб, катта улоқ мусобақаларида иштирок этмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, тўйлар тўйдек ўтмоқда. Энг муҳими, қадимий жувонмард ўйин-одатларимиздан бири тирилиб, ўзининг янги ҳаётини бошдан кечирмоқда.

(Давоми бор)

Шоҳ зурриёда				Рўзгор элқоя			
Илтиқач қуш	Девор элқя		Майдан, сурлик шўёси		Пойга	Тур, элқ	
			Халқаро спорт ўйинлари	Аёб ўрпақлар			
Сибирь дариёси	Ов			Тафовеут	Томон	Нога	Хал...
Геометрик лўёқ	Ўзбек рақосиси	Изох	Балиқ тури		Сурат	Ютуқ ҳисоби	
			Исторический сайт фўйга				
Пойтахт (Европа)	... боб	Аёл исми	... исм	Сароблиқ	Майда гўлур	... мов (туман)	Юк дравеси
				Давр...			
		Вазин оё			Парамид баялар	Сариланган элқя	
Лат о қисм				Рус шоҳин			
	Тузок	Чин...		Хушрўй аёл	Электр аниқ	Илқ хўжжати	Бенқоқил шўёси
Замин	Ит зоти						
				Элтибор, нуфуз	Шоҳот домаси	Хўл мов	
		Тўти тури	Ариқ шони гуручи	Эрон шаҳри	Боп, монанд	Машурлик	
Халқ кўлғуси							
				Милла			
			Газлама	Вазин ўлғови			
Илдизман элқор	... Комат	Кўплик кўшкига	Қаб асосчиси	Тажрибали элқя			
							Дилбар... (дирижёр)

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ 51-СОНИДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Энига:** Назархон. Яқшанба. Араби. Кар. Артерия. Барно. Сандиқ. Март. Экипаж. Тот. Умр. Иноқ. Коса. Қоп. Уфа. Кўприк. Аза. Сули. Акс. Содиков. Бека. Косон. Имо. Шўртан. Ик. Ни. Кипр. Торт. До. Мисол. Ис. Ош. Лото. Марказ. За-вод.

**Бўйига:** Набототшунослик. Эшқак. Панно. Париж. Артист. Инд. Ярим. Чақа. Этиқдўз. Баян. Агроном. Қакнус. Сабаб. Гаприндашвили. Вазифа. Ука. Кара. Он. Собир. Собит. Ол. Ас. Кема. Конибодом. Илик. Иморатсоз. Олот. Оила. Эман. Дош.

**ТУШЛАР ТАЪБИРИ**

Одамзод бу дунёда яшаб, турли соҳаларда фаолият юритади, турмуш кечиради, ўз фикрлаш доирасида мушоҳада қилади ва келгуси ҳаётига таъсир этувчи қарорлар чиқаради. Биз кўпинча қарорларимизнинг оқибати қандай бўлишини тўлиқ ҳис қила олмаймиз. Чунки, бу нарсага бошқалар томонидан, яъни атрофимиздаги олам томонидан бизга нисбатан қилинган хатти-ҳаракатларнинг ҳам таъсири бор. Бундай пайтда бизга туш ёрдамга келади. Туш орқали биз, қилаётган ишларимизни кузатиб турган руҳий дунёдан ахборот оламиз. Туш — огоҳлантиришдир. Бундай ноёб информациядан фойдаланишни билиш керак, яъни тушларнинг маъзани чақиш лозим ва ҳаётимиздаги кейинги қадамларни пухта ўйлаб, тўғри хулоса чиқариб босишимиз даркор.

Шу мақсадда Ботир Исамуҳаммаднинг «Туш кўриш хосиятлари» китобидан туш таъбирларини эътиборингизга ҳавола этиб борамиз.

**АЗОН АЙТИШ**

Бу нарса туш соҳибининг имони мустаҳкамлигидан далолатдир. Ҳамда бирор янгиликдан, ўзига ва бошқаларга фойдаси кўп бўладиган янги ишга бошчилик қилиш имконияти туғилганлигидан хабар беради.

**АСАЛ**

Туш соҳиби асал тановул қилса — яхши ризқ-насиба келаётгани. Биров унга асал берса — ният қилиб мўлжаллаб юрган ишининг амалга ошиши, мақсадининг осонлик билан рўёбга чиқишидир. Кўп асални кўрса — кўпчиликдан келадиган ёрдам, ютуқ ва омад.

**АСАЛАРИ**

Яхши натижа берадиган меҳнат, юксак мартаба, ниятнинг рўёбга чиқиши. Агар асалари туш соҳибини чақса — айб, ноқис иш қилишдан огоҳлантиришдир.

**АРИ**

Огоҳ бўлинг! Ари чақса — кутилмаган ташвиш келаяпти. Садақа беринг. Атрофингизда учса — фосиқ зиёнкор одамлар орасига тушиб қолишингиз мумкин.

**АЙИҚ**

Катта кучга эга дўстнинг пайдо бўлганидан дарак. У сизга ҳужум қилса — дўстингиз билан сизнинг орангизда келишмовчилик келиб чиқиш эҳтимоли бор.

**АНОР**

Туш соҳибининг ҳамёни тўлади. Агар ёрилган анор кўрилса — ҳаражат кути-

лади. Анор дарахти — соғ-саломатликка ишора. Анор дарахтининг кесилгани — бир йил ичида келиши мумкин бўлган нохушликка далолат. Ибодат ва садақа лозим. Ширин анор тановул қилинса — кимгадир мафтун бўлинади.

**АНЖИР**

Бу — Раҳмоний туш. Эркаклар учун ишларнинг юришиб кетиши, касалликдан тузалишдир. Қизлар учун — орзу, ният қилинган бахтга эришишни билдиради.

**АРҚОН**

Туш соҳибига йўл очилган. Арқонни йиғиш — йўлда дўстлар топишдир. Чигалланган арқонни кўриш — ишларнинг чигалланишидир. Агар йўлда кўндаланг ётган арқонни кўрсангиз — ишларингизда тўсиқ бор. Мабодо, арқон билан буюм-молларингизни бойласангиз — маблағ йиғишингиз ва пароканда ишларингизни жамлаб олишингиз мумкинлигига ишорадир.

**АРИҚ, ЭГАТ**

Қайсарлик туфайли кўп хатолар қилинаётганлигини билдиради. Қуриган экиннинг ичида юриш — алданишдир. Ҳосили бор экиннинг ичида юриш — ўзиники бўлса, ният қилган одамидан ёрдам олиш, бировники бўлса, кимнингдир ишига шерик бўлишдир.

**АЖДАРҲО**

Сизни кўнгилсизликлардан, нохуш тўқнашувлардан огоҳлантириш. (Давоми кейинги сонда).





2007 йили 7-29 июль кунлари Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнам давлатларида ўтказилган Осиё чемпионати саралаш учрашувларига қуръа ташланди. Қуръа ташлаш маросими ОФКнинг бош қароргоҳида ташкиллаштирилди. Қуръа натижаларига кўра мамлакатимиз терма

## БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

жамоаси "F" гуруҳидан жой олди. Финал йўлланмасини қўлга киритиш учун футболчиларимиз Қатар, Гонгконг ва Бангладеш терма жамоалари билан кураш олиб бордилар.

Кўриниб турибдики, рақибларимиз Осиёда унчалик ҳам кучли жамоалар ҳисобланишмайди. Терма жамоамизга омад тилаб қоламиз.

Қолган гуруҳлар қуйидагича кўриниш олди:  
"А" гуруҳи - Япония,

Саудия Арабистони, Яман, Ҳиндистон  
"В" гуруҳи - Эрон, Ж. Корея, Сурия, Тайвань  
"С" гуруҳи - Иордания, Уммон, БАА, Покистон  
"D" гуруҳи - Баҳрайн, Кувайт, Ливан, Австралия

"Е" гуруҳи - Хитой, Ироқ, Сингапур, Фаластин.

"F" гуруҳидан жой олган мамлакатимиз терма жамоалари учрашувлари санасини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

22 февраль. Ўзбекистон-Бангладеш, Гонгконг-Қатар

1 март. Бангладеш-Гонгконг, Қатар-Ўзбекистон  
16 август. Бангладеш-Қатар, Ўзбекистон-Гонгконг

6 сентябрь. Қатар-Бангладеш, Гонгконг-Ўзбекистон

11 октябрь. Бангладеш-Ўзбекистон, Қатар-Гонгконг

15 ноябрь. Ўзбекистон-Қатар, Гонгконг-Бангладеш.

## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Ўқув-йиғини машғулотларини БААда ўтказётган "Пахтакор" жамоаси у ерда учта ўртоқлик учрашувида иштирок этади. 12 январь куни эса жамоа тўғридан-тўғри Москвага - МДХ чемпионлари кубогида қатнашиш учун учиб кетади.

\*\*\*

Тошкентнинг яна бир жамоаси - "Трактор" эса "Президент кубоги" турнирида иштирок этиш учун Туркменистонга йўл олади. Турнир 10-20 февраль кунлари бўлиб ўтади. Бу ҳақда Ўзбекистон Футбол федерацияси ахборот-таҳлил бўлими маълум қилди. Ҳар икки жамоамизга ҳам омад тилаймиз.

Осиё чемпионати-2007 расмий нишони Куала Лумпурда бўлиб ўтган ОФК йиғилишида тасдиқланди.

\*\*\*

Футбол қироли Пеле унга "Пеле" деб лақаб кўйган синфдошини ўқувчилик даврида калтаклагани учун ундан кечирим сўради. Аслида "Пеле" сўзи португал тилида салбий маънони беради.

Олимпия ўйинлари инсониятнинг қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган Юнонистонда пайдо бўлган эди. Бу ўйинлар ҳойнаҳой бизга маълум энг қадимий спорт мусобақалари бўлса керак. Ривоятларга кўра, Олимпия ҳаракатини бундан уч минг йиллар аввал афсонавий Гераклнинг ўзи бошлаб берган экан.

дан аввалги XVII асрдан юз беради. Аввалига Олимпия ўйинлари онда-сонда ўтказиларди. Бора-бора мусобақаларни шаҳар-давлатларда яшовчи юнонлар севиб қолишди. Бир неча аср мобайнида беллашувлар спортнинг бир тури - 192 метрга югуриш бўйича ўтказилди. Олимпия чемпионлари маънавий қониқиш олишарди,

ўйинлари бизнинг замонамиздагидек демократик руҳда эмасди. Масалан, бир қатор одамлар уларда нафақат қатнашиш, ҳатто мусобақаларни томоша қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлишмаган. Фақат келиб чиқиши юнон бўлган эркин фуқаро (ҳатто озод қилинган қул ҳам эмас) олимпия спортчиси бўла оларди. Мусобақаларни

Олимпия ўйинларининг яна бир рамзи бу олов, яъни машъаладир. Унинг пайдо бўлиши Прометей ҳақидаги миф (афсона) билан боғлиқ. Эсингизда бўлса, афсонага кўра Прометей оловни Гефестдан ўғирлаб, одамларга ҳадя этади. Зевс афсонавий қахрамоннинг бу қилмиши учун уни Кавказ тоғи қояларига занжирбанд

ярим маъбудлар даражасига кўтарилишарди. Кўплаб чемпионлар яшайдиган шаҳар-давлатларга бошқалар ҳавас, ҳатто ҳасад билан қарашарди. Шухрат кетидан қувиб, шаҳар-давлатлар бошқа ерлик профессионал спортчиларини ҳам ёллайдиган бўлишди. Ҳокимлар, шунингдек, мусобақа ҳакамларини сотиб

нийлик давлат дини сифатида қабул қилинган, руҳонийлар маъжусийликнинг турли кўринишларига қарши муросасиз кураша бошлашди. Жумладан, шундоқ ҳам илгариги суръати анча пасайиб қолган Олимпия ўйинлари шу сирага киритилиб, 393 йилда император Феодосийнинг Фармони билан тақиқланди.



## ОЛИМПИАДА - ҚАДИМИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ БАЙРАМИ

### ЗЕВСНИ ШАРАФЛАБ

Олимпия ўйинлари расман эрамиздан аввалги 776 йилдан бошланган деб ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мусобақаларга анча илгари асос солинган, гап шундаки, айнан ўша йили солномачилар Олимпия чемпиони номини йилномада қайд этишган.

Юқорида айтганимиздек, ярим маъбуд, ярим одам бўлган Геракл Олимпия ўйинларига асос солган деб нақл қилинади. У ўзининг тўрт нафар сафдоши билан муқаддас Пелопонес ярим оролига келиб, бош маъбуд Зевс Крокос устидан галаба қозонган жойда унинг галабаси шарафига югуриш бўйича мусобақа ўтказди. Мусобақада ҳаммадан ўзиб, биринчи Олимпия чемпионига айланади. Айнан шу ерда илк Олимпия ўйингоҳини қуради. Албатта, бу ҳозирги, замонавий ўйингоҳларга тенглашолмас, у бор-йўғи 192 метру 72 сантиметр узунликдаги югуриш йўлакчасидан иборат эди, холос. "Нега 200 метр эмас?" деб савол берарсиз. Сабаби, бу масофа Гераклнинг товоғи узунлигининг 600 баробарига тенг эди.

Бу тарихий воқеа, ривоятларга кўра эрамиз

яъни шон-шухрат қозонишарди, машҳур бўлишарди. Шунингдек, давлат уларни солиқлардан озод қилар, бир умрга пенсия (нафақа) билан таъминларди. Чемпионларга зайтун новдасидан қилинган гулчамбар тақиларди. Улар қадрдон шаҳарларига ҳамма каби дарвозадан эмас, девордан махсус ўйилган жойдан киришарди. Кейин ирим қилиниб, галабани шаҳарда узоқ вақт сақлаб қолиш учун деворнинг бу жойи суваб ташланарди. Ғолиблар шарафига шоирлар қасидалар битишар, ҳамшаҳарлари ҳайкал ўрнатишарди.

Ҳар гал Олимпия ўйинлари Зевсга атаб қурбонлик келтириш билан бошланарди. Мусобақалар ўтказиладиган Олимпия шаҳрида муқаддас зайтун дарахти ўсарди. Чемпионларнинг бўйнига айнан ундан қилинган гулчамбарлар тақиларди.

Олимпия ўйинларига асос солинганидан кейин бир неча аср ўтгач мусобақалар дастурига диск ва найза улоқтириш, кураш, муштлашиш, жанговар аравалар пойгаси, қурол билан югуриш каби янги спорт турлари киритилди.

### АНЪАНАЛАР

Қадимда Олимпия

томоша қилиш қулар, қатор жиноятлар (масалан, зўрлаб номусга тегиш жинояти) содир этган шахслар ва ... аёлларга тақиқланарди. Агар сўнги тоифадагилар томошабинлар орасида учраб қолса, шўрликларни баланд қоядан пастга улоқтиришарди.

Ривоятга кўра, Родос шаҳрилик Ференис исмли аёл эркакча кийиниб, ўғилларининг беллашувларини томоша қилгани аренага киради. Аммо мусобақа пайти ҳаяжонини яшира олмай бақириб юборади. Шунда овозидан унинг аёл киши эканини билиб қолишади. Аммо Ференисни афв этишади. Сабаби, унинг отаси ҳам, ўғиллари ҳам Олимпия чемпионлари эди-да.

Олимпиада рамзи бўлган, бир-бирига туташ беш ҳалқа бизнинг замонамиз кашфиёти эмас. Ҳозирги замон Олимпия ўйинлари асосчиси Пьер Кубертен қадимий юнон ибодатхонаси Дельфада қазилма ишлари чоғида бу белгини топди. Меҳробда шунингдек, барча юнон шаҳар-давлатлари ўртасида тузилган ўйинлар чоғида урушларни тўхтатиши ҳақидаги битим шартлари битилган эди. Беш ҳалқа дунёнинг бирлигини англатади,

қилади ва улкан бургутга ҳар куни учиб келиб, бечоранинг жигарини чўқилаб ейишни буюради...

Худди қадимдагидек, ҳозир ҳам мусобақа олови Олимпия шаҳрида куёш нурлари ёрдамида ёқилади. Югурувчилар машъалани ҳар бир километрдан сўнг худди эстафета таёқчасидек бир-бирларига узатишиб, шутариқа навбатдаги Олимпия ўйинлари ўтказиладиган жойга олиб келишади.

### ЎЙИНЛАР СУРЪАТИНИНГ ПАСАЙИШИ

Мусобақаларда Элландининг барча шаҳар-давлатларидан спортчилар қатнашишарди. Олимпия шаҳрига спорт байрамини томоша қилгани минг-минглаб томошабинлар келишарди. Шунинг учун, табиийки, у Пелопонес ярим оролининг энг бой шаҳарларидан бири эди.

Эрамиздан аввалги IV асрдан бошлаб мусобақалар олдида шоирлар ва нотиклар чиқиш қилишар, хонандаю созандалар ўз санъатларини намойиш этишарди. Хуллас, Олимпиада нафақат спорт байрами, балки улкан маданий тадбирга айланарди. Олимпия чемпионлари

олишга ҳаракат қилишар, баъзан бунга муваффақ ҳам бўлишарди. Соғлом рақобат, беллашув ўрнини аста-секин ҳасад, душманлик муҳити эгаллай бошлади. Турли жанжаллар, низолар келиб чиқди. Аммо Олимпия ўйинлари бутунлай барҳам топмади. Римликлар Пелопонес ярим оролини босиб олганидан кейин ҳам мусобақалар мунтазам ўтказилиб туриларди. Фақат энди улар ўзининг аввалги шуқуҳини, маҳобатини йўқота борди. Масалан, тентакнамо император Нерон эрамизнинг 67 йилида жанговар аравалар пойгасида ғолиб чиқишга қарор қилди. Императорлик шон-шавкати унга камлик қилган, чоғи. Ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пойгада бошқа бирор рақибнинг ҳам қатнашишига руҳсат бермади. Якка ўзи жанговар аравада майдонни оломон олқишлари остида бир неча марта айланди. Аммо мусобақани яқунлашга муваффақ бўлолмади, чунки... гирт маст эди. Қулар сал бўлмаса арава филдираклари остига йиқилиб тушай деган ҳукмдорни кўтариш хобгоҳига олиб кетишади...

Рим империясида насро-



**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ муассасаси бошлиғи, подполковник **Муҳаммади ИСАНОВ**ни 55 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. У кишига мустақкам соғлиқ, оилавий фаровонлик, машаққатли хизматида ютуқлар тилаймиз. Қалбингиздан қувонч, хонадонингиздан файз-барака, хурсандчилик аримасин.

\*\*\*

Навоий вилояти ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, подполковник **Мама-соли УРАЛОВ**ни таваллуд топган куни билан табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, мустақкам соғлиқ, оилавий бахт, машаққатли ва шарафли хизматида омад ёр бўлсин. Хонадонига хурсандчилик, файзу барака тилаймиз.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

\*\*\*

Сурхондарё вилояти ИИБ хўжалик бўлими инспектори, катта сержант **Ҳамза АЗИМОВ**ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хизматида катта ютуқлар тилаймиз. Кўнглидаги барча тилакларни амалга ошишида Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

## ИККИ ХОТИН ҲАМ «БОЛА МЕНИКИ», ДЕРДИЛАР

Бир вақтлар Ҳазрат Сулаймон алайҳиссаломга икки хотин бир болани олиб келдилар. Бири, «Бу бола меники деса, иккинчиси ҳам, «Йўқ, меникидир», дер эди. Сулаймон алайҳиссалом:

— Ҳеч қачон бир бола икки онадан туғилмайди! Бола иккингиздан бирингизникидир. Иккалангиздан бирингиз ёлгон сўзламоқдасиз, — деди. Уларнинг иккаласи ҳам:

— Бола меники, — деб даъво қилдилар. Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом даъвогарларнинг можаросини эртанги кунга қолдирди.

Хотинларга: «Сиз бугун кетинг. Бугун бу даъвони ҳал этмайман. Эртага эрталаб келинг», деди.

Ҳазрат Сулаймон ўша кеча икки ракат намоз ўқиди. Аллоҳдан сўради: «Ё Раббий! Ёрдам бер, бу даъвони қандай ҳал қиламан? Менга бир йўл кўрсат», деди.

Кечаси тушида: «Ё Сулаймон!» «Болани иккига бўламан. Бир қўл, бир оёқ, бир кўз ва бир қулоқ сенга, бир қўл, бир оёқ, бир кўз ва бир қулоқ сенга», деб айт. Боланинг асл онаси бунга рози бўлмайди. Шунда болани ўша аёлга бер», деган овоз эшитди.

Эртаси эрталаб иккала хотин келдилар. Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом:

— Даъволарингни ҳал қилдим. Болани иккига бўламан. Бир кўз-қулоқ, қўл-оёқ сенга, бир қўл-оёқ, кўз-қулоқ сенга, — деган эди, сохта она: «Майли», деди. Ҳақиқий она эса:

— Ё Сулаймон алайҳиссалом, Сиз нима қилмоқчисиз?! Бола ўлади-ку! Бундай қилманг, майли, бола унга бўла қолсин, мен учун тирик бўлса, яшаса бўлди», — деди.

Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом боланинг бўлинишини истаган сохта онани жазолади. Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом боланинг онасидан:

— Бу хотин нега сенинг боланга ёмонлик қилмоқчи? — деб сабабини сўради.

Аёл:

— Ё Сулаймон алайҳиссалом, бу хотин менинг қўшним бўлади. Бу хотиннинг менда адовати бор. Кўпдан бери менга ҳасад қилади. Бу сафар унинг ёмонлиги бошига етди, — деди.

# МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



**ҚҮЙ.** Кўзланган мақсадга эришиш учун сабр-тоқатли бўлишингизга тўғри келади. Шу билан бирга омад ҳам кулиб боқиши зарур. Ҳафтанинг иккинчи ярмида атрофингиздаги одамлар билан муносабатлар яхшиланади. Улардан ажойиб совғалар олишингиз мумкин.



**СИГИР.** Касб маҳоратингизни ошириш ва ижодий қобилиятингизни намоён этиш учун бор имкониятларни ишга солинг. Чунки айрим масалаларда бироз нўноқлигингиз кўзга ташланади. Мавқеингизни мустақкамлаш учун ҳаётингизда рўй бераётган воқеалардан тегишли хулоса чиқаришингиз зарур.



**ЭГИЗАКЛАР.** Ўзингизга бўлган ишончсизлик белгиланган ишларни бажаришингизга салбий таъсир кўрсатади. Куч-қувват ва билимингиз сиз ўйлаган даражадан кўп эканлигини унутманг. Чоршанба кундан бошлаб ички туйғунингизга таяниб иш кўргангиз маъқул. Кўп танишларингизга ёрдам берасиз.



**КИСКИЧБАҚА.** Душанба куни асло бўша-ша кўрманг. Чунки шерикларингизга кўпроқ масъулият юклашингиз низо келтириб чиқариши мумкин. Чоршанба куни янги вазифага киришишдан аввал имкониятларингизни чамалаб кўришни маслаҳат берамиз. Юмушларни кам, аммо сифатли бажарганингиз маъқул.



**АРСЛОН.** Кўпчилик сирингиздан вокиф бўлиши сизга наф келтиради. Мавқеингизни яхшилаб олиш имконияти бор. Ҳатто энг камгап одамлар билан ҳам тил топишасиз. Янги лойиҳаларга бемалол киришаверингиз мумкин.



**БОШОҚ.** Душанба куни эҳтиросга берилишингиз муайян келишмовчиликлар келтириб чиқаради. Шу боис туйғуларингизни имкон қадар жиловлаб, баҳсларга киришманг. Келгуси ишларни пухта режалаштириб олиш мақсадга мувофиқдир. Қўлга киритилган маълумотларни таҳлил қилиб, фақат фактларга таянган ҳолда иш кўришингиз талаб этилади.



**ТАРОЗИ.** Ушбу ҳафтада муҳим вазифаларни бажариш учун яхши имконият мавжуд. Ўзингизни осойишта тутишга ҳаракат қилинг. Ишлар чаппасига кетса ҳам руҳингиз тушмасин. Саъй-ҳаракатлар туфайли бироз толиқшингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.



**ЧАЁН.** Ажойиб ютуқларни қўлга киритиб, кўзланган натижаларга эришсангиз-да одамларнинг эътиборига тушмайсиз. Деярли ҳамма вақт иш билан банд бўлишингизга тўғри келади. Сизни ёқтирмайдиган одамларни ҳам ўзингизга эътиборли бўлишга ўргатинг. Мазкур ҳафта воқеаларга бой бўлиши кутилмоқда.



**ЕЙ.** Етти кун давомида имкон қадар асабийлашманг. Режалаштирилган барча ишларга улгурасиз. Ўзингизга нисбатан билдирилаётган танқидий фикрларга жиддий эътибор берманг. Барча ҳаракатларингизни иқир-чиқиргача эътиборга олиб, атрофдаги одамлар билан муносабатларни яхшилашангиз обрўйингиз ошиб, сизни барча қўллаб-қувватлайди.



**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Мазкур ҳафтада ҳаётингизда муайян ўзгаришлар рўй беради. Агар жиддий киришсангиз талайгина ишларни удалайсиз. Ушбу давр жамоа бўлиб фаолият юритиш учун қулай эмас. Шу боис пухта ўйлаб иш кўринг.



**ҚОВҒА.** Тақдир тақдим этган имкониятдан унумли фойдаланинг. Сешанба куни режаларингиз амалга оша бошлайди. Ҳафтанинг ўртасига бориб ҳайрия билан шуғулланишни маслаҳат берамиз. Ҳеч бўлмаганда битта одамга кўмаклашсангиз хонадонингизга бир олам қувонч киради.



**БАЛИК.** Рўй берадиган воқеалар ҳаётингизга таъсир кўрсатиб, иқтидорингизни намоён этади. Мавқеингиз яхшила-нишида қўл келадиган инсонлар билан танишасиз. Атрофдаги одамларнинг маслаҳатларига қулоқ тутиб, танқидий мулоҳазаларига тўғри муносабатда бўлинг. Дам олиш кунлари ота-онанингизни йўқлаганингиз маъқул.

### «МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

#### КИЧИК ИШНИ БАЖАРМАЙ, КАТТА ИШГА КИРИШМА

«Ҳар бир ишни аввал кичикроғидан бошлаб, шунинг давомида уни синаб, ўзига хос томонларини ўрганиб, тажриба орттириб борсанг, катта ишни бемалол ва бекаму кўст қила оладиган бўласан. Бирданига катта ишни бошлаб қўйсанг, укувинг, тажрибанг, ҳол-қудратинг етмай, бузиб қўйишинг, битка-золмай чала қолдиришинг, сарфлаган вақтинг, кучинг, ҳаракатинг, маблағинг зое кетиши мумкин», дейилмоқчи.

#### КИЧИКЛАР ИШИ ҲЕЧ НИМА БЎЛМАС, ПИСТА ПЎЧОҒИ КЕМА БЎЛМАС

Бу билан: «Кичик (ёш) болалардан катталар қиладиган ишни, катталар гапирадиган гапни кутма. Ҳали улар ёш, қандай ишни қилмасин, қандай гапни гапирмасин — барибир ёшлигига боради. Шундай экан, мабодо улар бирор ишни бузиб қўйсалар, бирор сўзни ношойиста (яъни, ноўрин, номақбул, номуносиб) сўзлаб қўйсалар, бу айбларини кечирмоқ лозим», дейилмоқчи.

#### КИЧИКНИ МАҚТА, КАТТАНИ САҚЛА

Бу билан: «Кичикни, яъни ўспиринни, ёш йигитни мақтаб-мақтаб ишга солсанг, у бу мақтовингдан рухланиб, гайратга миниб кетиб, ҳар қандай оғир ишни ҳам бирпасда бажариб қўяди. Бундан ўзи ҳам хурсанд бўлади, сени ҳам хурсанд қилади. Каттани, яъни кексайиб қолган қарияни сақла, мободо унга бирор иш қилдирмоқчи бўлсанг, ўзининг қувватига лойиқ, сиҳатига зиён келтирмайдиган ишни қилдир. Шундагина у сендан хурсанд, миннатдор бўлади, сен эса унинг ҳурматини жойига қўйган бўласан», деган маънода насиҳат қиладилар.

#### КИЧКИНА ТОШ — ЁРАДИ БОШ

Вариант: «Кутмаган тош бош ёрар», «Кичик душманнинг ҳам ортидан қувмоқ — ақллилар ишидир». Булар билан: «Душманнинг кичик, сони кам экан-ку, деб уни назар-писанд қилмай ўтирма, бепарво бўлма. Душманнинг катта-кичиги бўлмайди, ҳаммаси ҳам

ўзига яраша бирор зарар етказди», деб эҳтиёткорликка, хушёрликка ундайдилар.

#### КИШИ БОЛАСИГА КИШМИШ БЕРСАНГ ҲАМ ТУРМАС, ЎЗ БОЛАНГИНИГ ЎЗАГИГА УРСАНГ ҲАМ КЕТМАС

Вариант: «Киши боласига кишмиш берсанг ҳам кишилиқ қилмас», «Киши боласини эркаласанг ҳам турмас, ўз болангни тепкиласанг ҳам кетмас»; «Киши боласи фарзанд бўлмас, фарзанд бўлса ҳам хурсанд қилмас». Бу мақоллар орқали кишининг ўз фарзанди (агар у яхши таълим-тарбия олиб, ақлли, эсли-хушли, маъқул ва қобил бўлиб ўсган бўлса, албатта) ўзига қанчалик содиқ, вафодор бўлишини билдирадилар.

#### КИШИНING КЎНГЛИ КИШИГА ҚОРОНГИ

«Ҳар каллада — бир хаёл» деганларидек, ҳар ким ўз фикр-хаёлига эга бўладики, буни ўзгалар аниқ, таг-тубигача билиб етолмайдилар. Бировнинг миясидаги хаёли, кўнглидан ният-мақсади токи ўзи айтмагунча бировга номалум, ноаниқ, қоронғи бўлиб қолаверади. Мазкур мақолни ана шу ҳолга қарата айтилган.

#### КИШИНING СУЙГАН МЕҲНАТИ ЎЗИГА РОҲАТ ТУЮЛАДИ

Вариант: «Ишчанга иш ишқ бағишлар»; «Иш қилганнинг ўз ишига ишқи ортар»; «Ўз ишига ишқ қўйган — иш ҳиссасин орттирар»; «Суйган иш — чала қолмас»; «Ишга ишқ қўйганни иш хорламас»; «Ишга ишқи йўқни иш хоҳламас»; «Кишини киш эмас, иш қиздиради» (киш-қора пўстин, кундуз пўстин) ва ҳоказо.

#### КОСА, КОСАНИНГ ТАГИДА — НИМКОСА

Вариант: «Қосанинг тагида нимкосаси бўлади», «Қосанг-ку — қосанг, нимкосангдан кўрқаман»; «Гапнинг тагида гаплар бор, гапнинг пистоқиси бор». «Бу мақолларни тўғридан-тўғри айтилмай, яшириб қолинган, бир гапни айтиш билан бошқа бир гапга шаъма қилинадиган гапга нисбатан айтадилар.



*Саҳифаимизнинг бу галли мавзусини овқатланиш одобига бағишладик. Бинобарин, инсоннинг қандай фазилатга эга эканлиги унинг дастурхон атрофида ўзини тўтиши, овқатланиши ва бошқа ҳаракатларида намоён бўлади.*



# ОВҚАТЛАНИШ ТАОМИЛИ

Бир донишманддан одам нима учун овқатланади, деб сўрашганда яшаш учун, дея жавоб берган экан. Дарҳақиқат, инсон ўз организми меъёрда ишлаб туриши учун овқатланиб туриши лозим. Таом ейишнинг ҳам ўзига яраша одоби борки, унга амал қилган киши маданиятли эканидан нишона бўлади. Биз нонушта, тушлик, кечки овқатларни асосан оила даврасида тановул қиламиз. Оила аъзолари билан овқатланганда катталарнинг хатти-ҳаракати кичикларга, болаларга ўрнак бўлишини эътиборга олиш керак.

Шунинг учун овқатланиш одобига аввало ота-оналар риоя этишлари лозим. Болалар дастурхон атрофида ўтиришдан олдин қўлларини ювишни одат қилиб олишларини текшириб туриш керак. Пайғамбаримиз овқат ейишни бошлашдан олдин «Бисмиллаҳир раҳманир раҳийм» дейишнинг фазилатини улуг ҳисоблаганлар. Ота ёки она дастурхонга қўл узатишдан олдин шу калимани айтиши керак. Биринчидан, болалар ҳам уни ўрганишади, иккинчидан, таом ейишга рухсат деб тушунишади. Овқатдан кейин «Алҳамдулиллаҳ» дейиш ҳам суннат ҳисобланади. Бу

тановул қилинган неъматлар учун Аллоҳга шукрона айтишдир.

Гарчи таом қошиқда ейилса ҳам, овқатланиш жараёнида биров билан қўл бериб кўришиш, баданининг бирон ерини қашишнинг одобсизликка йўйлишида гигиеник сабаблар борлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Овқатланаётганда аввал катталар бошлайди, кейин кичиклар қўл узатади. Овқатланишга ўтиргандан сўнг қошиқ олиб кел, пиёлани юв, туз керак, қалампир қолиб кетибди, деб кичиклар, айниқса келинларни ўрнидан тургазавериш ярашмайди. Шунинг учун дастурхонда ҳамма нарса тахт бўлгандан кейин йиғилиш ва таом ейишни бошлаган маъқул.

Одатда овқат сузилаётганда агар у суюқ таом бўлса, масаллиғи ёшга қараб тақсимланишига эътибор бериш керак. Палов, шавла, қовурдоқ каби қуюқ овқатларни аввал катталар кейин барча шошмасдан лаганнынг четидан ея бошлагани маъқул. Овқатни жуда иссиғида тановул қилиш зарарли. Ҳар гал пуфлаб, совутиб ейиш ҳам одобдан эмас.

Аксарият оилаларда ҳар қандай таом нон билан бирга тановул қилинади. Бунда дастурхон атрофида ўтирганларга етарли миқдорда нон синдириб ёки бўлақлаб қўйиш зарур.

Исрофгарчилик ёмон одат. Шунинг учун ҳар гал дастурхонга етарли миқдорда таом тортилиши, шунга яраша нон синдирилиши керак. Баъзан меъёрдан кўп овқат сузилиб, исроф бўлмасин дея болаларга зўрлаб едириш ҳоллари учрайди. Бу яхши эмас. Биринчидан, боланинг саломатлигига путур етса, иккинчидан, таъб тортмай ейилган

овқатнинг ҳазм бўлиши қийин. Бу ҳақда тиббиёт ходимлари ҳам кўп огоҳлантирадilar.

Кексаларимиз таом еб бўлингач, қоса, лаганнынг тагида қолган мойини нон билан суриб ейишни одат қилишган. Ёшларга ҳам шундай қилишни тайинлашади. Айримлар назарида ёмон кўринса-да унинг ўзига хос ҳикмати бор. Бу билан исрофгарчиликка йўл қўйилмайди. Ушбу амални бажарган катта савоб олади, кибрдан фориғ бўлиб, камтарлар қаторига қўшилади. Тарихда шоҳ, амирлар ҳам бунга амал қилишгани ҳақида маълумотлар бор.

Ота-оналар оилада овқатланиш одобига риоя этиб, фарзандлардан ҳам уни талаб қилсалар, одатга айланади. Яхши одатлар эса одобнинг кўзгусидир.



Бир танишимникига туғилган кунини йўқлаб боргандим. Ичкарига таклиф қилди. Катта хонада хонтахта безатилган, атрофида беш-олти чоғли одам йиғилган. Бироздан кейин бир кексароқ киши ҳам келди. У танишимнинг тоғаси бўлиб, юз-кўзидан оқил инсон эканлиги кўриниб турарди. Даврага файз кириб, кўнгилни кўтарадиган гаплар билан суҳбатлашиб ўтирдик. Танишим яна икки кишини бошлаб кирди. Улар ҳам даврадан жой олишди.

Дастурхонга иссиқ сомса тортилди. Кекса киши:

бир сомса едим, нақ оғзингда эрийди, буни текинга ҳам олмаса керак, — деди.

Бу кўпчиликка маъқул бўлмади, шекилли, унинг гапи эътиборсиз қолди.

Хонадон эгасининг шаънига яхши тилаклар айтилиб, қиттак-қиттак олинди. Энди газак ея бошлагандик ҳалиги йигит яна гап бошлади:

яна қаерлардир ичган ароғини мақтади. Унинг сўзларига бошқалар эътибор бермади. Лекин уй эгаси бироз ўнғайсизланди.

Тақсимчада норин тортилди. Мезбон ҳаммани таомга таклиф этди. Ёнимда ўтирган кекса киши:

— Келин барақа топсин, нақ сочнинг толасидай қилиб кесибди, — деди.

— Нориннинг хўрозини

## ТАОМНИ ЁМОНЛАБ БЎЛМАЙДИ

бизнинг поччамизникида ейсиз, — дея яна оғзини тўлдириб гапирди ҳалиги йигит. — Хаширдан гўшти кўп бўлади, ҳар тақсимчага тўрттадан кази қўяди.

Мезбон ўзини ноқулай сезди. Унинг аҳволини кўрган кекса киши энди жим ўтиролмади:

— Ўғлим, келганингиздан бери еган овқатингиз, ичган ичимлигингизни мақтайсиз. Дастурхон тўла неъмат, уларни камситиб бўлмайди. Бугунги насибангиз шу экан, етказганига шукр қилиб еяверинг. Агар овқат ёқмаётган бўлса сизни ҳеч ким зўрлаётгани йўқ, — деди.

Унинг сўзларини эшитган йигит одобсизлигидан уялдими ёки тўғри гап ёқмадими, ҳар қалай даврандан туриб кетди...



— Қани олинлар, пиширган барақа топсин, — дея бошлаб берди.

Ҳамма сомса еяётган эди, кеч келганлардан бири:

— Чигатоё дарвозада

— Коньякнинг зўрини кеча божамникида ичдим, ўзиям йигирма йиллик бўлса керак, — деди бурнини жийириб.

Ёнида ўтирган шериги тасдиқ ишорасини қилди. У

## СИҲАТ ТИЛАСАНГ КЎП ЕМА

**Бу мақолни кўп эшитганмиз. Бироқ унга амал қилишга одатланишимиз керак. Табобат илмининг султони, улуг аллома Абу Али ибн Сино киши овқатлангандан кейин дастурхондан бироз очиқиб ўрнидан турсин деган. Буни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бир сўз билан айтганда, меъёрдан ортиқча ейиш зарарлидир. Модомики, инсон узоқ ва соғлом яшашни истар экан, биринчи галда овқатланиш меъёрига амал қилиши зарур.**

Меҳмондорчилик, тўй-маросимларда тўкин дастурхон атрофида ўтирганда ҳам инсон ўзи ёқтирган неъматларни тановул қилиши керак. Кўпчилик билан бир даврада ўтирганда овқатланиш одобига риоя этиш айниқса зарур. Чунки унинг қай даражада одоби экани жамоат жойларида билинади. Биринчи галда қошиқ, санчқиларни тўғри ишлатиб, шошмасдан овқат ейиш керак. Айниқса, спиртли ичимликни меъ-

ёрдан ортиқ ичиш ярамайди. Айрим ҳолларда кўп ичиб қўйиб, ўзини тута билмайдиган, қилган ҳаракатларини бошқара олмайдиганлар ҳам бўлади. Бу инсоннинг ўта маданиятсиз эканлигини билдиради. Яна бир томони, кўпчилик олдида оғзига келган гапни сўзлаш ҳам ярамайди.

Овқатланаётганда ҳар бир ҳаракатни эҳтиёткор-

лик билан амалга ошириш, яъни яхна овқатларни тақсимчага солганда, ичимликларни қуяётганда шошмаслик, бирга ўтирганларга ҳам таклиф этиш одобдан саналади.

Дастурхонга қўйилган неъматлар, иссиқ овқатлар гарчи тансиқ бўлсада, ёқмаса ҳам еявериш керак эмас. Айримлар қон босими, юрак касали бўлишига қарамай, мезбон хафа бўлади деб спиртли ичимликлардан қайтмайди, ёқмайдиган овқатларни ейди. Бу биринчи галда инсоннинг ўзига зарар. Яна бир томони, одобдан эмас. Мезбон ҳам меҳмонларни еб-ичишга зўрлайвериши одобдан бўлмайди. Тўғри, таклиф этиб туриши керак, аммо емасангиз хафа бўлман, оғзингизга ёқмадими, ўхшамадими, каби сўзлар билан хижолат қилиб зўрлаш маданиятсизликка киради.

Модомики, инсон соғлом яшамоччи экан, овқатнинг меъёрини билиши ва амал қилиши керак.



## ТОПГАН ГУЛ...

Газетамизда пиёз ҳақида мақола бе-  
раётганимизга ҳайрон бўлманг.

Мундоқ ўйлаб қаралса, аччиқ егуликларнинг ширинликлардан кўра фойдаси кўпроқ бўлса керак. Фақат меъёрни билиш лозим. «Дўст ачитиб гапирар», «Аччиқни аччиқ кесар» деб бекорга айтишмайди. Мурч, қалампир каби пиёз ҳам кўплаб шифобахш хусусиятларга эга.

Суви бурунга томи-  
зилса, димоқни очиб,  
шамоллашни даф қилишни  
кўпчилик билса керак. Қулоққа томи-  
зилса, унинг шангиллашини кетки-  
зишни эса аксар кишилар билиш-  
майди.

Пиёз иштаҳани очиб, заиф меъдани  
кучайтиради. Бавосирда томирларнинг  
тиқилмаларини очади. Эркалик қув-  
ватини кучайтиради. Ични юмшатади.  
Уруғи туз билан қўшиб суркалса, сўгал-  
ни кеткизади. Қолаверса, таомларга  
маза, таъм бағишлайди. Меъридан  
ортиқ ейилса, бошни оғритади, ақлга  
ҳам зиёни бор.

## ТОМГА СЕПДИМ СЕДАНА

Пайгамбаримиз (с.а.в.) седанани  
ўлимдан бошқа барча дардга даво бўла-  
ди деган эканлар. Ҳақиқатан ҳам у жуда  
шифобахш. Ибн Синонинг ёзишича,  
балғам кўчирати, ел ва дам ҳайдайди.  
Тозалаш хусусиятга эга. Седана ва асал-  
ни омукта қилиб, устига иссиқ сув  
қуйиб ичилса, буйрак ва қовуқдаги  
тошни туширади деб ҳисоблаган. Бун-  
дан ташқари, седананан гижжа ҳайдов-  
чи, газандаларнинг захрини кесувчи,  
асабларни тинчлантирувчи восита си-  
фатида ҳам фойдаланган.

Халқ табиблари седанани сирка бил-  
ан аралаштириб, хуснбузарларни,  
ўсмаларни йўқотишда ишлатишган.  
Унинг дамламаси тиш ва меъда оғриқ-  
ларини қолдиради.

Шоир:

Кулча жуда мазали,

Седанали, жиззали

деганида ҳақ. Ростдан ҳам седана  
нонга ажиб маза бахш этади. Бундан  
ташқари бодринг, карам тузлашда  
ундан зиравор сифатида фойдалани-  
шади.



## «ЗҶРИДАН БОР»

Вақти-вақти билан бозорга тушиб  
турсангиз керак. Умрингизда ҳеч бўлма-  
са бир марта йўлингизни бирор зира-  
ворфуруш тўсиб: «Зиранинг арзони  
бор, олиб кетинг» деб жонин-  
гизга теккандир. Ундайлардан  
зира олмай қўя қолинг. Зираси  
зўр зираворфурушни мижоз-  
нинг ўзи топиб боради. Бор-  
дию зираси ёқмай кетмоқчи  
бўлса, зираворфуруш: «Шош-  
манг, биродар, буёқда зўридан бор!»  
деб пештахта остидаги халталари-  
ни кавлашга тушади. Яшириб  
қўйган матоҳидан бир чимдимни  
ликопчагами, тарози палласига-  
ми қўйиб, хидлашингиз учун узата-  
ди. Шунда чинакам зиранинг ўткир  
ҳиди «гуп» этиб димоғингизга урилади.  
Кўпчилик зирани ош, норин, сомса

каби таомларни хушхўр қилувчи воси-  
та деб билади, холос. Ваҳоланки, Шарқ  
табобатида унинг қайнатмасидан кам-  
қонлик, ошқозон оғриғи, ичбуруғи,  
жигар хасталикларини даволашда фой-  
даланишган. Ибн Сино зирани юрак  
ўйноғини, ҳиқчоқни тўхтатишда, ел  
ва гижжани ҳайдашда қўллаган. Овқат  
ҳазм қилишга ёрдамлашувчи, терлатув-  
чи восита сифатида тавсия этган. Зира,  
шунингдек, кўзни равшан қилади.

Қора зира мойи зарарли микроблар-  
ни қиради. Ошқозон ости безлари фао-  
лиятини яхшилаб, ўт ажралишига ёрдам  
беради. Унинг дамламаси қабзият ва  
бошқа ичак касалликларини даволаш-  
да наф беради. Дамламани тайёрлаш учун  
бир ош қошиқ қора зирани бир чойнак  
(200 г) қайноқ сувга соласиз. Уни ярим  
соат ўраб қўясиз. Сўнг кунига 3-4 маҳал  
бир ош қошиқдан ичасиз.

## МАҒЗИ ФИЖ-ФИЖ ЁҒ

**Бу шеър кўпчиликка болалиқдан таниш бўлса керак. Ундаги нақлний эса деярли ҳамма эшитгандир. Ҳар ҳолда ёнғоқ мағзининг мияга ўхшашлиги тасодиф бўлмаса керак. Мабодо, у ақлни кўпайтирмаган тақдирда ҳам кўплаб шифобахш хусусиятларга эгалиги аниқ. Чунончи, табиб Давоийнинг ёзишича, бу қуруқ мева тананага қувват бағишлайди, қовуқ ва буйрак шамоллашининг олдини олади, бел оғриғини қолдиради, пешоб томчиллашини тўхтатади.**

Сайид Муҳаммад Ҳасрат эса ёнғоқ пўчоғининг қайнатмасига гарғара  
қилинса, томоқ оғриғи босилишини айтади. Айни пайтда, меъридан ортиқ  
истъмоқ қилинса бош оғриб, оғиз яллиғланишини ҳам таъкидлайди. Ибн  
Сино кулоқ ичи йиринглаганда ёнғоқ баргининг ширасини илиқ ҳолда  
томизган. Ичак оғриқларини, ич кетишини тўхтатиш учун ёнғоқнинг май-  
даланганини, айниқса қовурилганини киндик устига сепган.

Ёнғоқ мағзи шира йиққан пайти дармондориларга ниҳоятда бой бўла-  
ди. Бод, рахит ва тери касалликларини даволашда ёнғоқ барглари қайнат-  
маси аралаштириб



**Мия каби шаклим бор,  
Бошим тўла ақлим бор.  
Мени еган донишманд  
Бўлур деган нақлим бор.**

тайёрланган ванна қабул  
қилиш жуда ҳам фойда-  
лидир. Хом ёнғоқ қобиғи-  
нинг шираси экзема,  
дерматоз каби тери хас-  
таликларини даволашда  
қўлланилади. Шунингдек, Ибн Сино бу  
дархтнинг пўстлоғидан тайёрланган қай-  
натмани гижжани даф қилувчи восита си-  
фатида тавсия этган. Қолаверса, ёнғоқ  
илиқни тўқ тутувчи, тўйимли, мазали  
қуруқ мевадир. Мағзининг 70 фоизини ёғ,  
20 фоиздан ошиғини оқсил ташкил эта-  
ди. Унинг баргидан таралган ҳид эса тур-  
ли ҳашаротларга, қуяга қирон келтирар  
экан.

## ЕЙИШ УЧУН ЯШАМА

Кишининг жону танига тўрт  
нарса катта зиён келтиради: кўп  
емоқ, кўп сўзламоқ, кўп жинсий  
алоқада бўлмоқ ва кўп ичмоқ.

Айтишларича, кам еб, кам  
ичмоқдан инсон учун фойдали-  
роқ дори йўқдир. Чунки кўп  
овқат ейишдан ошқозон заифла-  
шади ва барча касаллик шундан  
келиб чиқади. Тан эса кучсизла-  
наверади. Қоринда бод пайдо  
бўлади, оғиздан эса ёқимсиз ҳид  
кела бошлайди. Юз саргайиб,  
еган таом ҳазм бўлмайди.

«Хулосат ул ҳукамо»дан.

Кексалар оз овқат талаб этишади,  
чунки таомнинг ортиқчаси уларни ҳалок  
қилади.

Букрот.

Ҳаммомга боришга ҳожат сез-  
санг, қорнинг тўқида борма, бу за-  
рарлидир.

Кайковус.

Меъдадаги таом сени ушлаб туради,  
ортиқча таомни эса сен ушлаб турасан.  
Саъдий Шерозий.

Тўқ қоринга овқат ейдиган одам  
тиши билан ўзига-ўзи гўр қазийди.  
Турк мақоли.

Кимки овқатдан кейин бир жойда ўтир-  
са, қорин ишқамбадир, кимки овқатдан  
сўнг чўзилиб ётса, хузур қилур; кимки  
овқатдан сўнг юрса, узок умрлидур, агар  
югурса, эй воҳ, ўлимга яқинлашур.

Ҳинд ҳикмати.

Қорнинг очмай овқат егил,  
Қорнинг тўймай кўлинг артгил.  
Битта нон жон азоби,  
Яримта нон жон роҳати.  
Кўзи очнинг қорни оч.

Ўзбек мақоллари.

Одам ўзининг бутун ҳаётида (ўрта  
ҳисобда 70 ёш) овқатланиш учун 6 йил  
сарф қилар экан. У умрининг охирига-  
ча 100 тонна озик-овқат еяр экан. Бош-  
қача айтганда, одамнинг ўртача оғир-  
лигини 80 килограмм десак, унда киши  
ўз вазнидан 250 ҳисса кўп овқат  
истъмоқ қилади.

## ВАНИЛЛИ – ОЛМАЛИ ПИРОГ

12 киши учун:

125 г сариёғ, 250 г ун, 100 г ша-  
кар, бир чимдим туз, 1 дона тухум,  
1 кг майда олма, 50 мл сут. 500  
мл қаймоқ, 2 та пакетчада  
ванил упаси, 2 дона ту-  
хум сариғи, 4 ош  
қошиқ туйилган бо-  
дом мағизи.

ТАЙЁРЛАШ:

1. Эритилган са-  
риёғни ун, 60 г ша-  
кар, туз ва тухум  
билан аралаштири-  
лади.

2. Хамирни диа-  
метри 24 см қилиб  
думалоқ шаклда  
ёйилади. Пирог пи-  
шириладиган идиш  
(форма)ни ёглаб, унга  
ёйилган хамир солинади.  
Хамирнинг четлари идиш  
четидан юқорироқ, «бортик»  
тарзда бўлсин.

Хамирли идиш 30 дақиқа совут-  
кичда сақланади.

3. Духовкани 180° С гача қизди-  
ринг. Олмаларнинг пўчоғини арчиб, уруғ-  
ларини тозалаб, хамир устига тери-

лади. Алоҳида идишга 8 ош қошиқ сут  
қуйилади. Қолган сут, қаймоқ ва 40 г  
шакар кастрюлга солиниб,  
қайнаш олди ҳолатигача  
(қайнаб кетмасин)  
оловда тугилади.

Кейин уни қошиқ  
билан аралаш-  
тирган ҳолда  
қуруқ ванил  
упаси аралаш-  
тирилган сут,  
тухум сариғи  
қўшиб, қай-  
наш ҳолига  
келтирилади.  
Ҳосил бўлган  
аралашма ол-  
малар устига  
қ у й и л а д и .  
Унинг тепасига  
майдаланган бо-  
дом талқони се-  
пиб, иесиқ духовка-  
да 45 дақиқа пишири-  
лади. Охириги 15 дақиқада пи-  
рогнинг устини фольга билан ёпиш  
лозим.

Пирог идишда турган ҳолда сову-  
тилиб, кейин олинади.



## ОЛМА ВА КИШМИШЛИ ПИРОГ

12 киши учун:

250 г ун, 200 г сариёғ, 1 дона тухум,  
1 ош қошиқ коньяк, бир чимдим туз,  
600 г олма, 75 г шакар, ярим чой қошиқ  
қурилган лимон ёки мандарин пўчоғи,  
2 ош қошиқ кишмиш майизи, 1 дона  
тухум сариғи.

ТАЙЁРЛАШ:


1. Унни элаб, ўртасини чуқурча  
қилинади. Сариёғни кичик бўлакчалар-  
га бўлиб, чуқурчага солинади. Унга ту-  
хум, 1 ош қошиқ сув, коньяк ва бир  
чимдим туз қўшилиб, хамир қорилди.  
Хамирдан зувала ясаб, пленкага ўрал-  
ган ҳолда совуткичда 60 дақиқа сақ-  
ланади.

2. Духовкани 200° С гача қизди-  
ринг. Хамирни иккита тенг бўлакка бўлинг.  
Бир бўлагини жўвалаб, диаметри 24 см  
бўлган идиш (форма)га солиб, духовка-  
нинг пастки қисмида 15-20 дақиқа да-  
вомида чала пишириб олинг.

3. Олмаларнинг пўчоғи ва уруғини  
тозалаб, юпқа бўлакларга бўлинг. Улар-  
ни шакар, кишмиш майизи ва лимон  
(мандарин) бўлакчалари билан ара-  
лаштиринг. Аралашманинг бир қисми-  
ни чала пишган хамир бўлағи устига  
жойлаштиринг. (Дарвоқе, кишмиш  
майизини олдиндан озроқ вино ёки ко-

ньякка 1-2 соат бўктириб, кейин қоғоз  
сочиқда қуришиб олиш мумкин).

Қолган хамир яна иккига бўлинади.  
Бир бўлагидан узун «арқонча»лар ясаб,  
кишмишли хамир тепасига катак-катак  
ҳолда безак сифатида терилади. Иккин-  
чи бўлакдан 80 см узунликда 2 та «ар-  
қонча» ясаб, эшилади ва пирогнинг ат-  
рофига чиройли қилиб ўралади. Бир  
дона тухум сариғига 1 ош қошиғида  
илиқ сув қўшиб, аралаштирилади ва  
уни пирогнинг юзи, безаклари ҳамда  
«арқонча»ларига сурилади.



Пирог иссиқ духовкада 30-35 дақиқа-  
да пишади.  
Ёқимли иштаҳа!





Изқуварлар нишонни тўғри олишган экан. Барибир сири фош бўлишига ақли етган П. Разиқов

қилмишини тан олиб, темир гаражни қандай очганини сўзлаб берди.

— Кечаси Ҳикмат ва Султон исмли танишларим билан спиртли ичимлик ичиб, гараж эшигини арматура билан очдик. “Жигули”нинг тўртта гилдирагини, яна тўрт дона шиналарни, тўртта ишлатилган гилдиракларни, балиқ овланадиган қармоқлар, “Нексия” автомашинасининг рулини олиб кетдик.

Ўз қилмишини очиқ-ойдин сўзлаб, ёзиб берган П. Разиқовдан далилий ашё сифатида тўрт дона ишлатилган гилдирак олинди. Шунча жиноят қилиб ҳам тавба қилмаган йигитнинг ўмарган “ўлжа”лари ҳисоб-китоб қилинганда жабрланувчига беш юз минг сўмлик зарар етказилгани маълум бўлди.

Жиноят фош этилди. Айбдор суд ҳукми билан тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, у жабрланувчига етказилган зарарнинг қолган тўрт юз йигирма минг сўмини ҳам тўлайдиган бўлди.

Валишер МАДАМИНОВ.

**Кўпчилик ҳамюртларимиз мустаҳкам темир гаражларни ўз хонадонларининг ишончли бир бўлаги деб биладилар. Шу боис, унча-мунча қимматга эга буюмларини ҳеч хавотир олмай гаражда сақлайдилар. Бироқ гараж қанчалик мустаҳкам бўлмасин, “уста-га барибир” деганларидек, пихини ёрган айрим қўли қинғир инсонлар ушбу темир “хонадон”ларга киришга йўл топарканлар.**

... Эрталаб одатдагидек хизматга отланган А. Бештиев гаражи эшигининг бир қисми қайриб очилганини кўриб, ҳуши бошидан учди. Ахир гаражда “Жигули”дан ташқари унинг эҳтиёт қисмлари, анча-мунча қимматга эга буюмлар бор эди-да.

А. Бештиевнинг вақтни ўтказмасдан Миробод туман ИИБга воқеани маълум қилгани ўз самарасини берди. Бир неча соат ўтиб-ўтмай тезкор гуруҳ аъзолари гумон билан Патхилла Разиқовни қўлга олдилар. Сабаби, ўттиз тўрт ёшли Патхилла илгари ҳам шунга ўхшаш бир неча жиноят содир этиб, “ўтириб” чиққанди.

**НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ**

**ҚОТИЛ ЖИЯН**

1 январь куни соат 1.30 да Андижон шаҳрида яшовчи В.нинг уйи олдида елим халта пайдо бўлди. Унинг ичида кесиб олинган одам боши бор эди. Зудлик билан оёққа турган ҳуқуқ-тартибот ходимлари ишга киришишди. Жасаднинг тана қисми воқеа жойидан унча олис бўлмаган ҳудуддан топилди. Марҳум 36 ёшли Ш. Қодиров бўлиб, ушбу шаҳарда яшар экан. Қотил ҳам тезда аниқланиб, қўлга олинди. У жасаднинг бош қисми топилган жойда яшовчи В.нинг 26 ёшли жияни И. бўлиб чиқди.

дов кўчада талончига дуч келди. Нотаниш шахс уни кўрқитиш орқали камзули, телпаги, туфлиси ва “Сименс” русумли уяли телефонини олиб, жуфтакни ростлаб қолди. Бироқ ИИБ ходимлари унинг қилмишини Янги йилга қолдирмаёқ фош этишди. Кийим-кечаклар ва телефон эгасига қайтарилди.

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

Тошкент шаҳри Яккасарой туманида яшовчи М. Ботировнинг уйида ўғирлик содир этилиб, номатълум шахс қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетганди. 2005 йил 31 декабрь куни эса ушбу жиноят учун яшаш ва ишлаш жойининг тайини бўлмаган, 1984 йилда туғилган И. гумонланиб қўлга олинди.

**АРОҚНИНГ ИДИШИ ҲАМ ХАВФЛИ**

Бухоро вилояти Когон шаҳрида яшовчи А. Виктор ўз уйида турмуш ўртоғи В. Наталанинг бошига шиша билан уриб ўлдирди. Кўриб турибсизки, касо-

**ДАЛАДА МУЗЛАБ ҚОЛДИ**

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида яшовчи, 1978 йилда туғилган Х. Жумабой маст ҳолда уйи яқинидаги далада музлаб, бевақт оламдан ўтди. Ҳозирги қишли-қировли кунларда ушбу ҳодиса ичкиликка мойил бўлган фуқароларга сабоқ бўлса ажаб эмас.



фат ароқнинг нафақат ўзи, балки идиши ҳам кези келганда кўнгилсизлик келтириб чиқарар экан.

**ОҒУ**

**ЧАНГАЛИДА**



Қашқадарё вилоятидан Андижон шаҳридаги танишиникига меҳмонга борган Х. Шухратга Янги йилни қаршилаш насиб этмади. Чунки у байрам кайфиятини “созлаб” олиш учун пиёвандлик моддаси истеъмол қилди. Бироқ унинг миқдори кўпайиб кетиб, Шухратни нариги дунёга жўнатди.

Исмоил МИНОВАРОВ,  
ИИБ Матбуот маркази  
ходими, майор.

**ТЕЗКОР ГУРУҲ ИУЛГА ЧИКДИ...**

**ТОНГДА ОТИЛГАН ЎҚ**

Шеробод туманидаги қишлоқлардан бирида тонгда ўқ овози эшитилди.

— Усмон бўлса керак, — деди кимдир. — Унинг милтиги бор. Овчи-да. Овчи ва милтиқ ҳақида ички ишлар ходимлари хабар топишди. Суриштириб кўрилганда, туманнинг Қишлоқбозор даҳасида яшовчи Я. Усмон овчилар жамиятининг аъзоси эканлиги маълум бўлди. Унга ов



қуролидан фойдаланишга рухсат берилган эди.

Шунга қарамай овчи қиёфасида юрган вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакиллари, подполковник М. Норбоев, капитан Ф. Нурматов, катта лейтенант К. Бозоровлар унинг кўнглига қўл солиб кўришди.

— Майли битта 16 калибрли ов милтиги топиб бераман, порох ҳам бор — деди у. Ов қуроли ва бир кило порох устида анча савдолашиб тортишдилар. Ва ниҳоят милтиқ 85 минг, порох эса 50 минг сўмга келишилди. Пулни санаб олаётган “овчи”нинг кирдикори фош бўлди. Милтиқ унинг қўшниси П. Саидмуродга тегишли экан. У ўқотар қуролни қонунга ҳилоф равишда, ҳеч қандай ҳужжатсиз сақлаб келгани аниқланди.

Ноқонуний равишда қурол-яроғ, ўқ-дори сақлаган Саидмурод ва уларни сотишга воситачилик қилган қўшниси Я. Усмонлар ИИБ ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

**ҲИБСХОНАДА КУТИБ ОЛДИ**

Янги йил байрамиди “бекамукўст” кутиб олиш мақсадида отни элбурутдан қамчиллаган Янгийўл шаҳрилик А. Азим 2005 йил 6 декабрь куни талончилик содир этди. У Янгийўл тумани ҳудудида самарқандлик И. Усмоновни куч ишлатиш йўли билан кўрқитиб, 300.000 сўм пули ва “Нокия” русумли уяли телефонини олиб кетди. Бироқ 31 декабрь куни Азимнинг рўпарасида пайдо бўлган ИИБ ходимлари унинг кайфиятини бузиб қўйишди. Талончи Янги йилни ҳибсхонада кутиб олди.

**БУЮМЛАР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ**

Байрам арафасида Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида яшовчи Д. Аҳме-

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилар жамоаси Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, майор Н. Шоимовга онаси **Жарқин ШОИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги подполковник **Пахлавон ПУЛАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЙХХБ бўлими бошлиғи, подполковник Д. Холдоровга онаси **МАНЗУРА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Қўқон шаҳар ИИБ фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги капитан **Халилжон ота БАРОТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ахборот маркази ходими, сафдор Р. Режаповга отаси ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник **Абдусалом РЕЖАПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ШТБМИ катта тезкор вакили, майор Р. Юсуповга онаси **ОЙСАРА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ходими, подполковник А. Ахуновга турмуш ўртоғи **Шаҳноз АХУНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

**Марҳумларнинг яқинларига Аллоҳ сабр берсин!**

**БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН**


Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ томонидан 1955 йилда туғилган Солижон Ёрматов бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

У Янгийўл тумани Халқобод кўрғони Ўзбекистон кўчаси 21-уйда яшаган. Уйдан номатълум сабабларга кўра чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.


Белгилари: бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, оқ сариқдан келган, сочи ва қоши кўзлари қора, бурни пучуқ, лаблари қалин, юзи думалоқ, пешонаси кенг.

Кийимлари: энгида қора футболка, қора, сунъий толадан тўқилган жемпир, тўқ кўк рангли шим, оёғида рангли пойафзал бўлган.

Солижон Ёрматовни кўрган, қаердалигини билганлар яқин орадаги ички ишлар бўлимига хабар беришларини сўраймиз.







Юртимизда қиш!

Қамоқхонанинг бири биридан залворли, хаёлида беҳисоб бўлиб туялган темир эшикларини кучли бир энтиқиш, ҳаяжон билан босиб ўтган Ҳабибулла охирги — катта дарвозадан ташқарига қадам қўйди-ю «озодлик» деб аталмиш бебаҳо неъматнинг қаймоқдек қуюқ, нурафшон ҳавосидан тўйиб симирди. Гўё озодлик нафасидан сархуш бўлган каби жойида бироз гарангсиз тургач, аста одимлаб, вокзал томон йўл олди.

Ҳабибулла вокзал майдонига қўйилган қатор ёғоч ўриндиқларнинг би-

рига ўтирди. Лаш-лушлари солинган қопчиқни ёнбошига қўйиб, унга сунганча хаёлга берилди...

\*\*\*

Ўшанда маҳалладош дўсти Ортиқали ўғлига суннат тўйи қилаётган эди. Тўй базми қизигани сайин ичкиликбозлик ҳам авжига чиқди. Ўзининг табири билан айтганда, «белига қамишдан белбоғ боғлаб» кечадан буён хизматда бўлган Ҳабибулла «Бу ёғига машинада бориб, бажариладиган хизмат қолмагандир» деб ўйлади-ю «рулда»лигини ҳам унутиб, давradoшла-

# ДИЙДОР

рининг «ол, оли»га бўйсуниб, катта пиёладаги ароқни симирди. Биринчи қадаҳ бошқаларига йўл берди. Икки-уч пиёлани бўшатгач эса қўлбола ароқдан мияси айқаш-уйқаш бўлиб, беҳос ёнидаги қайноқ чойли чойнакни ағдариб юборди.

— Эпласанг ичгин-да,

ошна! — оёғига чой тўкилган Набижон исмли ўзи тенги йигит уни жеркиди. — Шимни расво қилдинг-ку?

— Ҳи, шимингни балки ўзинг хўл қилгандирсан? Қилгуликни қилиб, айбни менга ағдармагин, — бўш келмади Ҳабибулла ва нималардир деб гўлдираб, қўлига кириб қолган бўш шишани Набижонга олди. У чап берган эди шиша деворга тегиб, чил-чил синди. Унинг беҳосдан қилган бу қилигидан жаҳли чиққан Набижон ҳам уни урмоқчи бўлиб ҳезланди. Даврадошлар ҳай-ҳайлаб, уларни ажратиб қўйишди. Ҳеч қанча вақт ўтмай уч-тўрт йигит ҳамон оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган Ҳабибуллани икки қўлтигидан олиб, «ака, чарчасиб, бироз дам олинг» дея қўшни хонага ётқизиб қўйишди.

У қанча мизғиди-билмайди. Чўчиб, кўзини очганда ташқарида ҳамон ўйин-кулги бўлаётганди.

У чайқала-чайқала эскигина «Жигули»си турган жойга борди. Узоқ уриниб, машина эшигини очди. Ихраб, сўкиниб ичкари кириб ўтирди ва машинани ўт олдириди.

Тўйхона билан уйнинг ораси бир чақирим. Уни қишлоқдаги биттагина марказий кўча орқали босиб ўтилади. Кўчанинг икки чети дарахтзор.

Машина чайқалгани сайин унинг чироғи нурлари «сакраб» кета бошлади. Кўча ярмига етганда Ҳабибулланинг кўзи иккита болани етаклаб кетаётган эркак ва аёлга тушди. У тўйдан қайтаётган кўшниси Набижон эди.

Машина ўзлари томон кескин бурилганини кўрган Набижон зарб билан болалари ва хотинини дарахтлар ортига итарди. Ўзи эса қочиб улгурмади...

Уч кундан кейин Ҳабибуллани топиб келишди. Ўша кун қаттиқ зарб еган Набижон кўп қон йўқотгани боис вафот этибди. Бир ўғлининг қўли синибди...

Ҳабибулла суд ҳукми билан қилмишига яраша жазосини олди. Қамоқхонада ётиб, раҳматли Набижоннинг ота-онаси, рафиқасига қайта-қайта хат ёзиб, қилмиши учун мингдан-минг кечирим сўради.

Муассасада жазо муддатини ўташ давомида Ҳабибулла ип калавалашдан тортиб, мато тўқиш, унга ранг бериш, бичиш, тикиш каби касбларни мукамал эгаллади. Яқинлари, оиласи, маҳалла-кўй олдида қилган айбини меҳнати билан ювишга, озодликка чиққач, ўз касби бўйича ҳалол меҳнат қилиб, рўзғор тебратишга аҳд қилди. Одоб-ахлоқи, ички тартибга қатъий амал қилиши, меҳнатқашлиги, айбига иқроор бўлиб қилган тазаррулари

боис, муддатидан олдин, айна Янги йил арафасида озодликка чиқди. У уйга етиб борган кун Янги йил кутилади. Уйга қандай кириб борса экан? Қамалган йили Ҳасан-Ҳусанлари беш, Тоҳиржон уч, Зулхайро эса бир ёшда эди. Шунча вақт фарзандларини кўрмади. Рафиқаси олиб келмоқчи бўлганда, «тиканли сим ортида ўтирганим болаларим онгига муҳрланиб қолади» деб унамади.

Яқинлашиб келаётган поезднинг бўғиқ овози вокзалда ўй суриб ўтирган Ҳабибулланинг хаёлларини тўзғитиб юборди. У шошиб ўрнидан турдию, қопчигини кўтариб, ўзи чиқиши лозим бўлган вагон келиб тўхтайдиган жойни мўлжаллаб, илдам юриб кетди...

— Ойи, дарвоза тақил-лаяпти, — синглиси беҳос тушириб юборган ўйинчоқни арча шохига илаётган Ҳасанбой паришонхотирлик билан дастурхон тўзаётган онасига ўғирилди.

Ҳасан-Ҳусан ҳовлиққанича ойиларига қўшилишиб бири-биридан ўзиб, эшик томон югуришди.

— Ойи, ойижон, уйимизга Қорбобо келди. Мана, қаранг, ростакан Қорбобо!

Рухсора либоси, кўксини қоплаган оппоқ соқол-мўйлови, бошидаги қалпоғи ўзига ярашган, Ҳасан-Ҳусаннинг қўлларини маҳкам ушлаб, қопчигини қўлтиқлаганча жилмайиб турган Қорбобонинг намли кўзларига бир зум тикилди-ю «вой» дея қўлидаги косани тушириб юборди. У Қорбобо либосини кийиб олган умр йўлдошини таниган эди...

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

## ТЕСТ

### Янги йил сиз учун қандай кечади?

Айтишларича, жорий йилда итти ёқтираллигандарни ажойиб сюрпризлар кутади. Балким шундайдир, бунисини йил давомида кўраверамиз. Ҳозир эса сиз ҳақиқатан ҳам тўрт оёқли вафодор жониворларга дўстмисиз ёки йўқми — синаб кўрамиз. («А» кўринишидаги саволларга берилган жавоб учун 2 балл ёзилди. «Б» га берилган жавобларга балл ёзилмайди).

#### 1. Итнинг борми?

- а) бор.
- б) йўқ.

#### 2. Сизнингча, ит нима учун гапиришни билмайди?

- а) улар сўзсиз, кўз қарашлари билан ҳам ўз фикрларини англата оладилар.
- б) улар билан гаплашишга ҳожат йўқ.

#### 3. Ит билан орангиздаги муносабат?

- а) аъло даражада дўстмис.
- б) итсиз ҳам куним ўтади.

#### 4. Тургеневнинг «Муму»си қанақа зотли ит эди?

- а) оддий, хонаки ит.
- б) овчарка.

#### 5. Каштанканинг янги эгаси унга қандай исм қўйган?

- а) «Тетка».
- б) «Барби».

#### 6. Итлар ҳақида ҳеч бўлмаса битта латифа айта оласизми?

- а) ҳа.
- б) йўқ.

#### 7. Итнинг суратини чиза оласизми?

- а) ҳа.
- б) чизиб кўрмаганман.

#### Йиғилган балларни жамланг:

10-14: Сиз янги йилда ўта омадли инсонга айланасиз. Сизга бахт, соғлиқ ва осойишталик, давлат ёр бўлади. Ажойиб, хушфёъл, садоқатли инсонлар билан танишиб, дўстлашасиз.

6-8: Сизнинг итларга бўлган муносабатингиз мақтовга лойиқ. Сизни ҳам омадлар кутмоқда. Бу омадга фақат инсоннинг тўрт оёқли дўстларига эътиборни кучайтирганингиздан кейингина эришасиз. Балким, ширингина кучукча боқиб оларсиз?

0-4: Сизга балки мушуклар ёқар? Ҳамиша ҳазил-мутойибани унутманг. Сизга ҳам омад ёр бўлади.

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir  
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari  
Ulug'bek MAMADALIYEV  
Mas'ul kotib v.b. Erkin SATTOROV

Navbatchi: Qobuljon Shokirov  
Sahifalovchilar: Nikita Slavgorodskiy,  
Timur Kayasov  
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.  
Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.  
Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayrl!

MANZILIMIZ:  
700029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;  
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51  
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001, MFO  
00421. «Ipaq yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-  
matbaa ijodiy uyi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-1934. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 54790 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.